

МУҲАММАД АЗИМОВ

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ
ВА
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ



ҚОҒАМ ҲАММАСИДА ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ҚОҒАМ ҲАММАСИДА
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ҚОҒАМ ҲАММАСИДА
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ҚОҒАМ ҲАММАСИДА
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ҚОҒАМ ҲАММАСИДА
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ҚОҒАМ ҲАММАСИДА
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ҚОҒАМ ҲАММАСИДА
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ҚОҒАМ ҲАММАСИДА
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ
ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ ҚАДРИ

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ
МАДАНИЯТ ВАКОЛАТХОНАСИ

МУҲАММАД АЗИМОВ

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ
ВА
ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Эрон Ислом
Республикаси
«Ал-Худо» халқаро
нашриёти



Ўзбекистон
Республикаси
«Минҳоро»
нашриёти

Handwritten signature

Тоҳрол - Тошкент
2004

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
Handwritten signature
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Адабиётшунос, филология фанлари номзоди
М.Азимовнинг ушбу китобида XIII асрда яшаб, ижод
этган улуғ форс-тожик шоири Ҳофиз Шерозий ижодининг
ўзбек адабиётига таъсири, шоир ғазалларининг ўзбекча
шарҳ ва таржималари асосида уни тушуниш, талқин ва
таржима этиш муаммолари хусусида фикр юритилади.

Масъул муҳаррир: Жаъфар Муҳаммад

А.Навой номли Ўзбекистон Давлат Миллий кутубхонаси

«Минҳож» ИБН $\frac{118}{2004}$

Тошкент - 70083, Буюк Туроқ, 41

پیشگفتار

در بسیاری از زبان ها، چهره های شاخص و ماندگاری ظهور کرده اند و در حوزه فرهنگ و ادبیات نام و آوازه ای جهانی یافته اند. و بعضاً چنان حدود و ثغور واقعی را در نور دیده اند که متعلق به فرهنگ ملل شده اند و در هر کشور و ملتی، نامی و شهرتی جاودان یافته اند و اندیشه های آنان یکی پس از دیگری به زبان های مختلف ترجمه شده اند. «حافظ شیرازی» یکی از آن بزرگان است که ایران عزیز در حوزه فرهنگ و ادبیات به ساحت بی حد جهان عرضه داشته است.

هر جا سخنی از اوست و هر شاعر و نویسنده ای تبرک به شعر و فکر و نام او جسته اند. در اغلب زبان ها در باره ی وی سخن رانده و اندیشه و افکار و زیانش را کند و کاو کرده اند. در ادبیات ازبکستان نیز حافظ مکان بایسته خویش را یافته است و بسیاری از شاعران به استقبال اشعار وی پرداخته اند از شاعر بزرگ ازبکستان، امیرعلیشیر نوایی گرفته تا بسیاری از بزرگان به حضور حضرت حافظ، بار یافته اند.

این کتاب که به زبان ازبکی تألیف شده است حاصل تلاش چندین ساله ی دکتر محمد عظیم اف، دانشیار دانشگاه دولتی ترمذ و سردبیر روزنامه ی استانداری سرخان دریا است. این

کتاب در مورد تأثیر حافظ بر ادبیات کلاسیک ازبکی و جایگاه حافظ در ادبیات جهان و گرایش ادیبان معاصر ازبکستان به شخصیت و شعر حافظ و همچنین مشکلات ترجمه ی غزلیات حافظ به زبان های ازبکی و روسی و غیره مطالبی را در بر دارد.

مؤلف در مقدمه ی کتاب می نویسد: تأثیر شعر حافظ بر ادبیات ازبکی چشمگیر است. زمانی دیوان حافظ در مدارس قدیمه، به عنوان کتاب درسی تدریس می شد. شعرای ما غزلیات او را عیار شعر می دانستند و به مانند شعر حافظ شعر می سرودند و با استفاده از قالب شعر حافظ، اشعار جدید می سرودند.

این کتاب حاوی سلسله مقالاتی است که ظاهراً مستقل ولی از لحاظ موضوع و بررسی ها باهم مرتبط است. عناوین و مطالب مقالات به صورت زیر است:

« بلبل گلشن شیراز » این مقاله به طور اجمال به دوران زندگی حافظ شیرازی از تولد تا جوانی و پیری او می پردازد و تا زمان شهرت حافظ به عنوان یک شاعر عارف مطرح سخن می گوید.

« گل های دوستی » از دیگر مقاله های این کتاب است که در باره ی روابط و تأثیر حافظ بر ادبیات ازبکی مطالبی را بیان می دارد. مؤلف می نویسد: در حوزه ی تأثیر زبان و ادبیات فارسی بر ازبکی بویژه تحقیق پیرامون تأثیر شعرای فارسی گو بر شعر

«نوایی» کمتر تحقیق شده است و جا دارد که تحقیقاتی در موضوعاتی مانند «فردوسی و نوایی»، «نظامی و نوایی»، «عطار و نوایی»، «سعدی و نوایی»... انجام شود. مؤلف بر این باور است که تحقیق در حوزه‌ی تأثیر شعرای فارسی زبان بر ادبیات ازبکی بسیار مهم می‌نماید و به تأثیر شعرای چون نوایی، حافظ خوارزمی، لطفی، عطایی، سکاکی از غزلیات حافظ اشاره می‌کند.

نویسنده در ادامه، مقاله‌ای دیگر به نام «چشمه‌ی حافظ و جرعه‌ی فانی» می‌نگارد و به این نتیجه می‌رسد که شعر حافظ بیش از همه در آثار نوایی متجلی شده است و غزلیات این شاعر بزرگ ازبکی، مملو از تأثراتی است که از حافظ یافته و در تحول جهان بینی او نقش به‌سزایی داشته است.

مؤلف می‌نویسد: محققان معروف روسی، تاجیکی، ازبکی در مورد ارتباط نوایی با حافظ مقاله‌هایی نوشته‌اند ولی به جز یک مقاله‌ی اختصاصی عبدالغنی میرزا یف دانشمند بزرگ تاجیک در مورد «حافظ و فانی»، کسی دیگر به نحو شایسته و بایسته به مقایسه و بررسی تأثیر حافظ بر نوایی نپرداخته است. در حالی که نوایی بارها در آثارش حافظ را استاد بخویش دانسته و در دیوان «خزائن المعانی» وی را به عنوان یکی از سه تن غزلسرایان بزرگ ستوده است و در «نسایم المحبه» از وی به لسان الغیب و ترجمان الاسرار تعبیر نموده است.

عدم تحقیق در این موضوع جای تأسف دارد. خود نوایی در یک غزل فارسی اش می گوید :

به راه عشق اگر مشکل فتد فانی

ز روح حافظ و معنی جامی اش مدد جویم

محقق در این مقاله برخی از غزل های دیوان فانی را که در تتبع از حافظ سروده شده است، مقایسه می کند و به این نتیجه می رسد که نوایی در تقلید از حافظ، مهارت خوبی، از خود نشان داده است. و در تتبع موفق بوده است.

فانی از جرعه ی حافظ شده مست ای ساقی

«خیز و در کاسه ی زر آب طربساک انداز»

نویسنده در این بخش، موضوع تأثیر حافظ بر شاعرانی چون ظهیرالدین محمد بابر، باب رحیم مشرب، راقم خوارزمی، مونس، گلخنی، نادره، مزقت، یوسف سزیمانی، پسندی، مخمور و نظایر آن را بر می شمرد و مورد بررسی قرار می دهد.

«می معنای حمزه در جام حافظ»؛ در این مقاله تأثیر حمزه حکیم زاده نیازی یکی از شاعران معروف از یک (اوایل قرن بیستم) سراینده ی «دیوان نهایی» از حافظ را بیان می کند و می گوید: حکیم زاده در غزل های ترکی از فضولی و غزل های فارسی از حافظ تأثیر پذیرفته است.

یکی دیگر از بخش‌ها: مقاله‌ای است با عنوان «هم ترجمه هم نظیره»، این مقاله در باره‌ی عبدالله اولانی یکی از شاعران معروف ازبک در قرن بیستم است و در حسن توجه‌ی به حافظ بحث می‌کند. می‌گوید: عبدالله اولانی همانند دیگر شاعران، بسیار علاقه‌مند حافظ بوده است و چندین غزل حافظ را به ترکی برگردانده است که از اولین ترجمه‌های شعر حافظ به ترکی به شمار می‌رود. مؤلف در این بخش به چگونگی ترجمه مذکور می‌پردازد و نتیجه می‌گیرد که اولانی ترجمه‌ای آزاد از شعر حافظ ارائه نمود و با نگاه داشت مضمون، تصاویر و توصیفات تازه‌ای بدان افزوده است. در نتیجه، «شبه ترجمه»‌ای بوجود آورده است.

«می‌تاب حیات بخش» مقاله‌ای است که در خصوص تأثیر حافظ بر ادبیات معاصر ازبک می‌پردازد و کیفیت ترجمه‌ی غزلیات حافظ در میان مترجمین ازبک و شاعران و محققان معروف همچون خورشید، چستی و شانسلام شامحمداف را در بر می‌گیرد.

نویسنده در مقاله‌ی دیگری به نام «شعر جهانگرد» به شهرت جهانی حافظ می‌پردازد و به بیان ترجمه‌های دیوان حافظ به زبان‌های ترکی استانبولی، آلمانی، انگلیسی، فرانسوی، روسی، تاتاری، ترکمنی، آذری، گرجی، قزاقی، اکراینی می‌پردازد. وبه موضوع تحقیق دیوان حافظ از سوی خاورشناسان اروپایی اشاره می‌کند.

عنوان دیگر از مقاله های کتاب، «معانی حافظ: مضمون یابی، شرح و ترجمه» است. نویسنده در این مقاله به ترجمه و شرح ترکی و ازبکی و روسی... می پردازد و نظر انتقادی خود را نسبت به ترجمه های روسی و ازبکی شعر حافظ ارائه می دهد و در خصوص حسن و قبح آنها مطالبی را بیان می دارد.

نویسنده در بخش دیگری به مباحث صنایع ادبی، سبک، زبان، قالب، وزن و قافیه و ردیف و ویژگی های شعر حافظ با نظری اجمالی در مقایسه با غزلیات سعدی می پردازد و مشکلات حفظ ارکان شعری حافظ در جریان ترجمه به زبان ازبکی را گوشزد می کند.

«شرط کمال و تناسب» از جمله ی مقالاتی است که در این کتاب به نگارش در آمده است.

نویسنده در این مقاله، ترجمه های ازبکی غزل های حافظ را با متن اصلی مورد مقایسه قرار می دهد.

محقق به تحلیل ترجمه ها پرداخته (بر اساس ترجمه های خورشید و چستی) حفظ تعداد ابیات هر غزل ترجمه شده را با چاپ های مختلف مقایسه نموده است. و به مترجم هشدار داده است که هنگام ترجمه به تمام غزل توجه کند و از چاپی استفاده نماید که معتبر و کامل است.

دیگر عنوان مقالات عبارتند از: «صنعتی که قافیه را دُباله روی کرده است» و «حسن تابان غزل» و «مصراع هایی که به حکمت

یا ضرب المثل تبدیل یافته اند» می باشد. نویسنده در مقاله
اخیر به مشکلات ترجمه ی اشعار (رباعیات) حافظ اشاره می
کند و می گوید :

۴۰ رباعی حافظ توسط مترجمین ازبک، خورشید، چستی، ش.
شامحمد اف و جاننیک ترجمه شده است که اکثر این رباعیات،
مضمون عاشقانه ورنده دارند. مترجمین تا حدی به حفظ وزن
و معنا، قافیه و ردیف، سبک و بیان و نقد و تصویر ویژگی های
ادبی هنری این رباعی ها موفق شده اند.

نویسنده ضمن بررسی ترجمه هایی که از رباعیات حافظ
صورت گرفته است رضایت و خرسندی خود را از این ترجمه
ها بیان می دارد.

عباسعلی وفایی

رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در

ازبکستان

МУҚАДДИМА

Шундай кишилар борки, уларнинг номи барча замон ва халқларда катта ҳарфлар билан ёзишга арзийди. Форстожик шоири, Яқин ва Ўрта Шарқ лирикасининг отаси ҳисобланмиш Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий шундай қалам соҳибларидандир. Унинг ишқ ва шодумонликни, ёр ва майни, баҳорни; хуллас, ҳаёт неъматларини тараннум этувчи, мазмунан ва шаклан гўзал ғазаллари асрларким, қайси қитъада яшамасин ва қайси миллат фарзанди бўлмасин, ҳар бир шеърият муҳибининг қалбини забт этиб келаётир. Таниқли болгар шоири ва таржимон Йордан Милев айтганидек, Ҳофизнинг шеърлари мамлакатдан мамлакатга, наслдан наслга ўтиб, кишиларга инсонийлик, меҳрибонлик ва шодлик бахш этмоқда.¹ Чунки Ҳофизнинг ўзи, мендан Худо йўлига маслаҳат, насиҳат, сифинишлар кутма, мен бошдан-оёқ лаззатли тутқунлик куйлари билан тўлиқ-тошганман, деган эди. Ғазалсароликда юксак маҳорат кўрсатган шоир ижоди Гегель ва Гётени, Навоий ва Абайни, Гейне ва Пушкинни, Ғолибий ва Есенинни мафтун этган эди.

Ҳа, Ҳофиз ғазал ва рубоийлари бадиий юксаклиги туфайли ҳам лотин, немис, инглиз, араб, француз, рус, турк ва бошқа халқлар тилларига таржима этилиб, қайта-қайта нашр қилинди. Бу тиллардаги адабиётлар ривожига ҳаётбахш таъсир кўрсатди.

Шоир ижодининг, хусусан, ўзбек адабиёти ривожига таъсири салмоқлидир. Бир пайтлар Ҳофиз девони эски ўзбек мактабларида дарслик сифатида ўқитиларди. Шоирларимиз унинг ғазалиётини шеърият мезони деб билдилар. Ҳофиз шеърларига татаббуълар ёздилар, мухаммаслар боғладилар. “Соқийнома” ва

таржебандига ўхшатмалар битдилар. Ҳофиз ғазаллари формасидан фойдаланиб, ўз даврлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда янги шеърлар яратдилар. Масалан, туркий тилда “кўп ва хўб шеър айтган” Навоий анъанага кўра, форс-тожик тилида ҳам ижод қилди. Бу тилда унинг учун йўлчи юлдуз бўлган шоир Ҳофиз эди. Навоий-Фоний форсий ғазалсароликда ана шу сўз устасига эргашиди. Форс-тожик тилида яратган ғазалларини тўшлаб, алоҳида девон тузди. Ҳофиз Отойи, Лутфий, Бобур, Машраб, Нодира, Огаҳий, Фурқат, Ниҳон-Ҳамза ва бошқа ўзбек шоирлари ижодига таъсир кўрсатди. Масалан, Ниҳон-Ҳамза учун Ҳофиз шеърияти замонни қоралаш учун восита бўлди. Чунки Ҳофиз шундай поғонага кўтарилган эдики, унга на руҳонийлар ва бой-амалдорлар дахл қила олур эдилар. Ҳофиз шеърияти шакли Ниҳон учун замонга адолатсизликларини киноя, истехзо шевалари билан танқид қилиш бўйича қурол бўлди. Бошқа ўзбек шоир-адиблари ҳам Ҳофиз мактабида у ёки бу даражада таълим олдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, Ҳофиз маҳорат мактабидан ўтиб, унга эргашиб, ундан таъсирланиб ижод қилган шоирлар, ўз навбатида, бу улуғ форс-тожик классигининг янада кўпроқ оммалашувига, уни халққа тушунтиришга салмоқли улуш қўшдилар, ўзбек адибларининг форс-тожикча асарлари эса нодир дурдоналар бўлиб, бу тилдаги шеъринг хазинани бойитди.

Ҳофизни ўзбек тилига таржима қилиш XX асрда кенг қулоч ёйди. Ҳофиз ғазал ва рубоийлари, қитъалари, “Соқийнома” ва таржебанди ўзбек тилига таржима қилиниб, 1958 ва 1985 йилларда Тошкентда чоп этилди. 1971 йилда, яъни шоирнинг 650 йиллик юбилейи муносабати билан бир қатор ғазаллари ва рубоий ва қитъалари таржима этилиб, газета-журналларда босилди.

Хуллас, Ҳофизни ўрганиш, уни таржима қилиш, оммалаштириш давом этипти ва давом этаверади. Бизнинг бу китобимизда адабиёт мухлисларига шоир ижодининг ўзбек адабиётига кўрсатган ҳаётбахш таъсири хусусида маълум тасаввур беради, Ҳофиз ижодини тушунишга, шоир ғазалларини таржима этишнинг ўзига хос қийинчиликларини аёнлаб олишга кўмаклашади деган умиддамиз.

ШЕРОЗ ГҮЛШАНИ БУЛБУЛИ

Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийни бошқа Ҳофизлар билан алмаштирмаслик керак. Маълумки, тарихда Ҳофиз тахаллуси 170 дан кўпроқ киши ўтган. Улари орасида созандалар, мусаввирлар, меъморлар, саркардалар, давлат арбоблари бўлиб, 50 нафарга яқини шоирлардир. Ҳофиз Анвойи, Ҳофиз Хоразмий, Ҳофиз Довуд, Ҳофиз Тошкандий, Ҳофиз Мир Котиб, Ҳофиз Дароз, Ҳофиз Рўзибой, Ҳофиз Саид Афанди, Ҳофиз Алавий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Ҳофиз Абрў, Ҳофиз Мустафо, Ҳофиз Абдурауф, Ҳофиз Аҳмад Етмалғизода ва бошқалар. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” ва “Муншаот” асарларида адабиёт мухлислари, шоир ва бошқа касблардаги Ҳофиз Саъд, Ҳофиз Ёрий, Ҳофиз Шарбатий, Ҳофиз Муҳаммад Санойи, Ҳофиз Али каби ўнга яқин Ҳофиз ҳақида тўхталиб ўтади.²

Аmmo уларнинг орасидан энг машҳури ва етуги Ҳофиз Шерозийдир. У тахминан 1326 йилда Шерозда тугилиб, 1391 йилда шу ерда вафот этган.

Ҳофиз Шерозийнинг бобоси асли исфаҳонлик эди. Отаси Баҳоуддин Шерозда яшаган. У давлатманд одам бўлиб, фарзандларига дурустгина мерос ҳам қолдирган. Аммо кўп ўтмасдан, бу мерос тугайди ва уч фарзанд

ночорликда қоладилар. Шоирнинг икки акаси куиларини кечиргани турли шаҳарларга кетишади. Шамсиддин Муҳаммад эса онаси билан Шерозда қолади. Волидаси уни бир новвойга шогирд қилиб беради. Ҳофиз ишлаш билан бир қаторда жума кунлари ва дам олиш вақтларида новвойхона яқинидаги қироатхонада илмини оширади. Бу кутубхона қошида базозлик дўкони ҳам бўлиб, унда назм ихлосмандлари йиғилишиб, шеър ва дostonларни баланд овозда ўқишарди. Булар таъсирида Ҳофизда ҳам шеъриятга ҳавас ўса борди. Айни вақтда у Қуръонни ёд олди. Уни ўн тўрт хил оҳангда ўқий оларди. Шунинг учун ўзига Ҳофиз тахаллусини танлади. Шоир узоқ йиллар ранж чекиб, ўз билимини ошириб боради.

Ҳофиз шерозлик гўзал Шохинаботни севади. Унга атаб газаллар битади. Ишқ йўлида ранжу аламларга гирифтор бўлади. Унинг орзуси амалга ошмайди. Севгилисидан воз кеча олмаган шоир узоқ вақтларгача уйланмайди. Ҳофиз оила қуриб ҳам бахт топмаган. Унинг икки фарзанди бўлиб, Шоҳ Нуъмон исмли ўғли Ҳиндистон сафари вақтида Бурҳонпурда вафот этади. Уни ўша ерда дафн этишади. Иккинчиси эса гўдаклик чоғидаёқ дунёдан кўз юмади. Шоир унга атаб марсия ҳам ёзган.

Ҳофизга асли исфаҳонлик бўлган Шероз шоҳи Абу Исҳоқ, бир мунча вақт эса шоҳ Шужоъ илтифот кўрсатдилар. Аммо кейинроқ шоҳ Шужоъ Ҳофизни жуда ёмон кўриб қолди. Бунга бир жиҳати, шоирнинг ҳоким синфларнинг хатти-ҳаракатларини қораловчи шеърлари сабаб бўлса, иккинчидан, шоҳ Шужоъ ҳам шоир бўлиб, унинг шеърлари муваффақият қозонмайди. Ижод соҳасида унинг Ҳофизга ҳасади келарди. Маълумки, шоҳ Шужоъ тахт учун отаси Амир Муборизиддиннинг кўзига мил торттиради. Сўнгра эса уни ҳам, биродарлари шоҳ

Маҳмудни ҳам ўлдиртиради. Булар ҳеч кимга, жумладан, Ҳофизга ҳам сир эмасди. У Шужога адолатли шоҳ деб қарай олмасди.

Ҳофизни турли йилларда Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад, Лакан шоҳи Маҳмуд Баҳманийлар совғалар юбориб, Бағдод ва Ҳиндистонга таклиф этадилар. Муҳтожлик ва фақирликдан қийналган шоир Ҳиндистон сафарини ихтиёр этади. У юра-юра Ҳурмуз бандаргоҳига борди. У ердан кемага ўтиради. Аммо денгизда қаттиқ бўрон кўтарилиб, улар кемаси ҳалокатга учрашига оз қолади. Яна орқага – Ҳурмузга қайтишди. Ҳофиз Шерозга йўл олди ва бошқа ҳеч ерга чиқмади. У она шаҳрида вафот этди. Шоирни ўз васиятига кўра боғига дафн этишди. Унинг Мусалло боғидаги қабрини Мавлоно Муҳаммад Муаммой, Абулқосим Бобур ва Каримхон Зандлар обод қилдирганлар. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида Мавлоно Муҳаммад Муаммой хусусида тўхталиб, “Мукнати чоғида Шерозда Хожа Ҳофиз қабри бошида гумбаз ясади”,³ дейди.

Ҳофиз умрининг охиригача ижод билан машғул бўлди. Унинг ғазал ва рубоийлари қисқа вақт ичида Эрондагина эмас, Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа мамлакатларида ҳам катта шуҳрат қозонди. Шоирнинг лирик ғазалларини севиб, куйга солиб айта бошладилар. Ҳофиз буни ўзининг бир байтида фахрланиб қайд этган:

*Ба шеърӣ Ҳофизӣ Шероз мехонанду мерақсанд,
Сияҳчаишмони Кашмириву туркони Самарқанди.⁴*

(Ҳофиз Шерозий шеърларини Кашмирнинг қора кўзлари-ю Самарқанднинг турклари ҳам севиб ўқиб, қадрлайдилар).

Шоир ғазалларида севги ва май, маҳбуба, баҳор ва гул, хуллас, ҳаётдаги бор нарсалар куйланарди. Ҳофиз Саъдийдан кейин ғазал жанрини юксак поғонага кўтарди. У шеърларида давр адолатсизлигидан шикоят қилади, дин пешволари – шайх ва зоҳидлар, воизларнинг дунё ҳақидаги афсоналаридан дунё неъматларини устун қўяди, маҳбубани ҳурдан, дўстни ғилмондан, нақд ҳаётни насия жаннатдан афзал билади. У ғазалларидан бирида:

*Ман ки имрӯзам бихишти нақд ҳосил мешавад,
Ваъдаи Фардои зоҳидро чаро бовар кунам?!*

(Бугун жаннатнинг ҳосили нақд турганда, зоҳиднинг эртага кун-беҳишг ҳақидаги ваъдаларига, афсоналарига ишонайми?) деган эди.

Ҳофиз ғазалларида лирик кечинмалар билан биргаликда фалсафий фикрларга катта ўрин берган, яъни уларни ҳис-туйғуларни ифодаловчи байтлар орасига усталик билан қистириб ўтган. Шоирнинг фалсафий қарашларида, лубҳасиз, тасаввуф таълимотининг катта таъсири бор.

“Тасаввуф” ва “суфи” сўзларининг келиб чиқиши хусусида турлича қарашлар мавжуд. Баъзиларнинг фикрича, бу таълимот тарафдорлари қалин жун чакмон (жанда) кийиб юрганликлари учун «суфийлар» (жун чакмонга мансуб кишилар) деб юритила бошлаган. Бизнингча, бу сўзнинг келиб чиқиши хусусида улуғ аллома Абу Райҳон Беруний фикри ҳақиқатга яқин. У: “Юнонча “суф” сўзи «ҳикмат» демакдир. Шунинг учун файласуфга “пилсупо”, яъни “ҳикматни суювчи” деб исм берилган», дейди.

Мусулмонлардан бир гуруҳи ўша (юқорида айтилган) тушунчаларга яқин борганидан улар ҳам «суффия» деб

аталдилар. Мусулмонларнинг баъзилари суффия сўзининг термин эканлигини билмасдан “сод” ҳарфи билан ёзиб, уни суффа сўзига нисбат бериб, суффа суҳбатдошлари-асҳоби суффадан иборат кишилардир, дейдилар. Ундан кейин (бу сўзни) суф а тгуюстака сўздан қисқартирилган деб тушундилар”,⁵ – дейди.

Тасаввуф фалфасигача, бутун борлиқ Худонинг ердаги инъикоси, жумладан, инсон ҳам Ҳақ Таолонинг бир заррасидир. Киши ўлгач, унинг руҳи танасидан чиқиб, умумий руҳ-Худо билан бирлашиб кетади. Бундай фалсафий қараш, киши ўлгач, унинг руҳи Худо олдида сўроқда бўлади, сўнг ё жаннатга, ёки дўзахга тушади, деган ислом таълимотига зид эди.

Хуллас, тасаввуф таълимоти замон адолатсизликларига, жабр-зулмга қарши курашга чиққан ҳаракат эди. Кўшгина илғор, тараққийпарвар кишилар, жумладан, шоир ва алломалар ҳам шу таълимот заминида туриб, ўз норозилиklarини ифодалаганлар. Баъзилар узлатга чекинишни афзал билганлар. Айрим ижодкорлар эса моддий дунёни қадрлаш, кишига бир бор бериладиган умрни мазмунли ва лаззатли ўтказишга қақирганлар.

Тасаввуф таълимоти асосида Шарқ адабиётида янги адабий оқим вужудга келди. Бу оқим тарафдорлари ўз асарларида Худонинг ердаги инъикоси-инсонни улуғлашга эътиборни қаратдилар. Ёр деганда дилбар билан бир қаторда Худо ҳам, висол деганда, киши руҳининг Ҳаққа қўшилиб кетиши ҳам тушуниладиган бўлди. Фазалларда мажозийлик кучайди, байтларнинг очиқ ва яширин маънолари деган тушунчалар пайдо бўлди.

Тасаввуф Ҳофиз ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу эса ринд шоирнинг қарама-қаршилик ва зиддиятга

тўла ижодини тушунишни янада мураккаблаштиради. Шарқнинг кўлчилик шеърхонлари Ҳофиз ғазалларини икки хил маънода, баъзилари эса, асосан, иккинчи маънода қабул қилишган. Дарҳақиқат, шоирнинг кўлгина ғазал ва байтларида тасаввуф таълимоти таъсири кўзга яққол ташланади. Масалан:

*Ман он мурғам ки, ҳар шому саҳаргоҳ,
Зи боми ариш меояд сафирам.*

Байт маъноси: Мен шундай қушманки, ҳар шому саҳарда нолаларим кўк тоқига ўралайди.

*Ман қушманки, ҳар шому саҳарда
Юракдан сайрошим-ла тўлғай осмон.*⁶

Тўғри, бу ерда форсчадан “боми ариш” – “арш томи” Чустий томонидан “осмон” деб таржима қилингани учун байт маъноси ўзбекчада тўла акс этмаган. “Ариш томи” гап булбул ёки бошқа бирор қуш ҳақида эмас, эрталаб ва кечқурун қилинадиган тиловат хусусида кетаётганлигини бийдиради.

*Биё, дил дар хама гесўи ў банд,
Агар хоҳи халосу растагори.*

(Т.1958. 143.)

Яъни:

*Кел, эй кўнгул, унинг зулфига боғлан,
Халос ўлмоққа гар бўлсанг ҳаваскор.*

Ҳофиз ҳам бу ерда бошқа мутасаввиф шоирлар - Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий каби зулф тимсолида чигалликдан иборат ва ягоналикдан йироқ дунёни, физик оламнинг норéal

2096

кўплигини кўради. Унинг сир-асрорига етиб бўлмаслигини таъкидлайди. Айни чоқда шоир назарида зулфнинг қоралиги олам моҳиятининг қоронғилигини, унинг узунлиги эса турли хил ғояларнинг кўплиги ва тугалмаслигини билдиради. Ҳофиз фикрича, илм-ҳикмат билан дунё сир-асрорига етаман дейиш беҳуда. Шунинг учун унинг чигаллиги ва кўплигига, билиб бўлмаслигига тан берган ҳолда қайғу-андуҳдан, бадбин ўйлардан озод бўлиб, кўнгилни шод этиш лозим:

*Ниқоби гул кашаида зулфи сунбул,
Гиреҳбанди қабои гунча во кард.*

(Т. 1958. 88)

Таржима:

*У сунбул зулфи гулдан нарда очди,
Тугундан гунча чиқди соф ҳавога.*

(Т. 1958. 89. Хуршид)

Юзақи ўқиган одам гап гул, гунча ҳақида кетаётир деб ўйлаши мумкин. Аслида, Ҳофиз зулфни илмоққа ўкшатиб, у гўзал юзидаги пардани очди. Шунда ёрнинг рухсори кўринди, демоқда. Юқорида айтганимиздек, зулф кўплик, билиб бўлмаслик, чигаллик тимсоли, юз эса ягоналик, равшан олам ва аниқлик. Ўша кўпликнинг бир зуҳури сифатида намоён бўлаётир. Бу аниқлик ноаниқликдан ажралиб чиққан, шунинг учун Ҳофиз тасвирича, юз зулф илмоғига осилиб туради.

Ҳофизнинг бундай маънога эга ғазал ва байтлари оз эмас. Жумладан, унинг

*Жон бе жамоли жонон майли жаҳон надорад,
Ҳар кас ки ин надорад, ҳаққо ки он надорад.*

(С. 1957. 161)

*Жон бе жамоли жонон майли жаҳони йўқдур,
Майли жаҳони йўқдир, демакки жони йўқдир.*⁷

(Ш.Шомуҳамедов)

матлаъи билан бошланувчи ғазалини қўшмаъноли байтлар мажмуасидан иборат дейиш мумкин.

Шоир ғазалда ҳам дунёвий севгини улуғлаш, ҳам тасаввуфона ғояларни ифодалашнинг юксак, мумтоз намунасини кўрсатган. Ҳофиз шу байтнинг ўзида қандай маъноларни назарда тутган бўлиши мумкин?

Ҳофиз, аввало, ёрсиз бу жаҳон яшашга арзимаиди, чунки ҳаётнинг давомийлиги жуфтлик мевасидир. Ёр бўлмаса, ҳаётнинг лаззати ҳам, унда яшашнинг маъноси ва қизиғи ҳам йўқ, демоқда.

Иккинчидан, шоир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, ҳақиқат сирига мажоз аралаштиргандир, яъни у жаҳон деганда, Худони назарда тутаяпти. Тасаввуф таълимотича, оламдаги бор нарсалар Худонинг инъикоси, зуҳуридир. Улардан кўз юмишнинг ўзи жаҳонга майл қилмаслик демак. Кимки жаҳонни, ундаги нарсаларни қадрламас, улардан кўз юмар экан, демак, бу унинг Худодан кўз юмгандир.

Учинчидан, тасаввуф таълимотича, жон вақтинчалик зиндонга-танага қамалган. Вақти келиб, у танани тарк этиб, озод бўлади, Жонон-жонлар йиғиндисига, яъни Ҳаққа бирлашиб-қўшилиб кетади. Демак, Жонон (жонлар)сиз унинг бир бўлаги бўлмиш жоннинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Тўртинчидан, Худонинг жамоли ва назарисиз жаҳонга майл қилишнинг ҳожати йўқ. Чунки уни танимасдан туриб, бирор нарсага эришиш қийин. Худони танимаган кишининг у дунёси ҳам бўлмайди.

Шоир ғазал ва рубоийларида дунёвий мотивлар, ҳаётдўстлик ҳиссиётлари кучлидир. Ҳофиз ғазалларини

турлича шарҳлаш, тадқиқ қилиш эса ана шу кўп маънолилиқ натижасидир.

Ҳофиз Шерозий маҳоратига унинг замондошлари ҳам, кейин яшаб, ижод этган кишилар ҳам юксак баҳо беришган. Форс-тожик адабиётининг бошқа бир йирик вакили Абдураҳмон Жомий ўзининг “Баҳористон” асарининг тазкира характеридаги “Шеър ва шоирлар ҳақида” деб номланган 7-равзасида Ҳофиз Шерозий ҳақида “Шоирлар раҳнамоси Ҳофиз Шерозий, унинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзилари муъжиза чегарасида, равонликда ва ёрқинликда Заҳирий қасидалари бошқалар қасидасидан ўтганидек, Ҳофиз ғазаллари ҳам бошқалар ғазалидан ўтиб кетади. Унинг шеърини завқи Низорий Кўҳистонийнинг бадиий завқига тўғри келади, аммо Низорий шеърлари унинг шеърларидан фарқли ўлароқ, фазилатлари билан камчиликлардан ҳам холи эмас”,⁸ деб ёзса, ҳозирги давр Эрон адабиётшуноси Маҳмуд Ҳуман ўзининг “Ҳофез чэ мигуяд?” (Ҳофиз нима дейди?) номли китобида шоир ижодига юксак баҳо беради, уни энг улуғ шоир ва мутафаккир деб таърифлайди.⁹

Ҳофиз ғазалларида кўп маънолилиқ билан бир қаторда заҳарханда ва истехзо кучли. Айни пайтда у ўта шиддаткор, ғазаби, ҳатто, чархи кажрафторни ҳам ўзгартиришга етгудай. У бир ғазалида:

*Жаҳли ману илми ту фалакро чи тафовут,
Он жо ки басар нест, чи хубиву чи зишти.*

*Онгсизлигиму илминга боқмайди ҳеч,
Чунки кўзи йўқ, яхши, ёмон унга муаммо.*

(Т.1958. 181. Хуршид)

дейди. Бу билан у, Худо арши аълодан одамзоднинг барча

қилмишларини кўриб, яхши-ёмонликларини ҳисоб-китоб қилиб туради, деган диний ақидага зарба беради.

*Биё, то гул барафшонему май дар соғар андозем,
Фалакро сақф бишкофему тарҳи нав дарандозем.*
(С.1957.24)

*Кел, энди гул сочиб ҳар ён, қадаҳ кўлда
ўтургаймиз,
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарҳ ила
қургаймиз.*
(Т.1958, 147, Хуршид)

дейди. Бу шоирнинг катта жасорати эди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳофиз қарашларида зиддиятлар ҳам мавжуд эди. Унинг шеърлари гоҳ тўшанишинликдан, гоҳ ишқ-муҳаббатдан сўйлайди. Худди шу нарса уни кўролмаган, шеърятда омади келмаган айрим ғанимлари учун нишон бўлган, улар улуг шоирга таъна ҳам қилишади.¹⁰ Ҳофиз ижодига турлича қарашлар, бир-бирига зид фикрлар ҳозир ҳам мавжуд. Масалан, Ҳофез чэ мегўяд? (Ҳофиз нима дейди?) сериясида Эронда чиқарилган иккинчи китоб муаллифи Аҳмад Касравий ўз асарида Ҳофизни қофияпараст, ғазал ёзғишдан бошқа мақсади йўқ шоир деб таъкидлайди. Шунинг учун унинг ғазалларидан маъно излаш беҳуда. Байтлари тарқоқ гаплар йиғиндисидан иборат, дейди.¹¹

Бироқ Эронда шоир девонининг қайта-қайта чоп этилаётганлиги, Ҳофиз ҳаёти ва ижодига оид асарлар ёзилаётганлиги, халқнинг шоир ғазалларини севиб ўқиётганлиги бу фикрнинг асосизлигини кўрсатади. Эронда, айниқса, Абдураҳим Халҳолий, Муҳаммад Қазвиний, доктор Қосим Фани, Парвиз Нотил Хонлари, Анжавийлар томонидан тайёрланиб, турли йилларда чоп

этилган Ҳофиз девонлари ўзининг мукамаллиги, пипиқ-пухталиги ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради.

Л.М.Кессель ўзининг “Гёте ва унинг Фарбий-Шарқий девони” номли китобида Ҳофиз ғазалларининг кўп темалилигини, ўз ашъорида уларни ривожлантира бориш ва мантиқий тугалликдан қочганлигини таъкидлайди.¹² Бу гапда жон борлигини эътироф этган ҳолда Ҳофизнинг бир мавзуда ёзилган, мантиқий тугалликка эга ғазаллари ҳам оз миқдорда бўлса-да, мавжудлигини таъкидламоқчимиз. Масалан, унинг “Рафтам ба боғ то ки бичинам саҳар гуле” (Бордим саҳарда боққа гул териш учун) мисраси билан бошланувчи ғазали кўп темалиликдан холи. Шейр шоирнинг боққа киргани билан бошланиб, замоннинг бевафолиги, адолатсизлиги туфайли гулларнинг булбулларга насиб бўлмаслигидан зорланиш ва афсус-надомат билан тугайди.

Шоир ўз фикрини ифодалашда шейрий санъатлардан, анъанавий образлар, матал ва мақоллар, афсоналардан усталик билан фойдаланади, равонлик ва мусиқийликка эришди.

*Кўҳи сабрам нарм шуд чун мум дар дасти ғамат,
То дар обу оташи ишқат гудозонам чу шамъ.*

(Т.1958. 138)

*Юмиади мумдеқ ғаминг илгида сабрим тоғлари,
Ўту сув ичра эрур, чунки тану жсон шамъдеқ.*

(Т.1958. 139. Чустий)

Ажойиб ўхшатиш. Шам ёна бошлагач, эриб-оқади, бир-бирига қарама-қарши нарсалар, яъни ўт билан сув бир жойда бўлади. Тош каби қаттиқ шам мум каби юмшайди. Ҳофиз одамни шамга ўхшатарди. Эй дилбар, сенинг ишқингда қалбим ёна бошлагач, сабрим тоғлари

мумдек эриди. Натижада, шам мисоли менинг жисму жоним ҳам сув ва ўт ичида қолди, дейди у. В.Гегель шуни назарда тутган ҳолда ўзининг “Эстетикадан лекциялар” асарида: “...Агар Шарқ одами озоб чекса, бахтсиз бўлса, буни у тақдирнинг ўзгармас ҳукми деб қабул қилади ва бу ҳолда тушкунликка тушмасдан, сентиментал, тутруқсиз хаёлларга берилмасдан ботинан ишонч билан қилади. Ҳофиз шеърларида маҳбубага, йўқ дилбарга ва ҳоказоларга қаратилган шикоят ва нолаларни етарли даражада учратамиз. Аммо у, ҳатто, ғамгин бўлганда ҳам бахтиёр вақтидагидек беташвиш қолаверади. Масалан, у бир ерда айтади: “...Дўстинг ёнингла бўлиб, сенга зиё бахш этаётганлиги учун шукрлар қилиб, дарҳол андуҳ билан шамни ёқғил ва ҳузур қилғил. Шам кулипини ва йиғлашни ўргатади. У алданга оғушида шодиёна кулади, гарчи шу билан бирга қайноқ ёшлар тўкиб, эриб борсада, ёниб тамом бўлатуриб, атрофига хурсандлик шуъбаларини таратади”,¹³ – деб ёзган эди.

Ҳофиз бир ғазалида:

*Чун соғари бодаам, ки аз дилтанги,
Чун нолаи чанг бишнавам, хун гирям.*

(С.1957. 577)

*Май соғаридек юрак сиқилмоқликдан,
Чанг ноласин эшитгач, йиғларман қон.*

(Т.1958. 217. Хуршид)

деган эди. Шоир маҳорати шундаки, у хун тўла юракни май билан лиммо-лим соғарга ўхшатади. Майни кўпинча мусиқа тинглаб, чанг куйлари остида соғардан қуйиб ичганлар. Шунга ўхшаб, чанг ноласини тинглаганда, дейди Ҳофиз, қалб соғаридаги май ҳам кўз қадаҳларига қуйилади.

Ҳофиз тириклигида ғазал ва рубойлари подшоҳ ва амалдорлар, беклар, хусусан, дин аҳлларига, сарой маддоҳ шоирларига ёқмасди. Шунинг учун ҳам улар қандай бўлмасин, улуг шоир ижодини пастга уриш, унинг шахсини камситишга ҳаракат қилишарди. Ҳофиз бир шеърида она юртида хор бўлганлиги, ажойиб ғазаллари қадрланмаётганлигини куйиниб таъкидлайди:

Билимдонлик ва хушхонлик эмас Шерозда ҳеч

манзуур

Кел, эй Ҳофизки, биз юзни бўлак юртга

ўгурмаймиз.
(Т.1958. 174.)

Ҳофиз ғазалларини қоралаган, шоирни шаккокликка айблаган дин иешволари қаршилигига қарамай, у халқ орасида катта ҳурмат қозонди, шеърлари жуда оммалашиб кетди. Ҳофиз вафотидан кейин унга “Лисон улғайб”, яъни Ғойибнинг тили деган лақаб бердилар. Шоир девони фол китобига айлантириб юборилди. Алишер Навоий “Насоимул муҳаббат” асарида бу хусусда тўхталиб: “Хожалар силсиласидан азизе дебтурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидан яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақирга андоқ маълум бўлубтур ва машҳур мундоқдурки, ҳазрати Мир Қосим аларнинг девонини Қуръони Форсий дер эрмишларки, калом оёти маъносидан мамлӯъ ва асрор ва: нукотидин машҳундир”.¹⁴

Ҳофиз адабий меросининг асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Улар латиф ва мусиқий, мазмунан теран. Профессор Ш.Шомуҳамедов Ҳофиз маҳорати ҳақида: “Хайём тўрт мисрада ифода этган чуқур фалсафий фикрларни Ҳофиз икки мисрадан иборат биргина байтда гўзал ва ихчам қилиб, китобхон

дилига қўйиб қўйишга қодир”,¹⁵ – деганида тамомила ҳақли.

Ҳофиз шеърлари жаҳонга ёйилди, шеърхонларнинг муносиб баҳосини олди. Иқтидорли рус шоири ва таржимони А.Фет “Ҳофиз тафаккури шу қадар илгари кетганки, ундай кишини Фарбнинг бирорта олими ёхуд шоири сиймосида кўра олмаймиз”,¹⁶ деганди.

Ҳофиз Шерозий ғазаллари немис ва инглиз, француз ва булғор, рус ва украин, озарбайжон ва татар, қирғиз ва қозоқ, туркман ва ўзбек, хуллае, барча миллат ва элатлар шеърхонлари учун ҳам муътабар ва азиз Н.Г.Чернишевский таъбири билан айтганда, Ҳофиз шундай шоирки, унинг юз кўрсатиб, хушбўй ҳид таратиб турган анвойи гуллар мисоли ғазаллари барча халқлар шоир ва ёзувчиларини ҳам қайта-қайта илҳомлантиради.¹⁷

Ҳофиз ғазал ва рубойлари “Соқийнома” ва таржеъбандлари жаҳондаги кўпгина халқлар тилларида янграмоқда. Шеърят муҳиблари унинг ажойиб шеърларици суюб ўқимоқдалар, шоирлар Ҳофиздан ўрганиб, илҳомланиб, унга эргашиб ёзмоқдалар. Шоир ғазаллари қайта-қайта нашр қилинмоқда. Янги-янги таржималари мухлисларга етиб бораётир. Ҳа, Ҳофиз шеъряти мангу навқирон ва барҳаётдир.

ДУСТЛИК ЧЕЧАКЛАРИ

Жамият тараққиёти тарихидан маълумки, ҳар бир миллий адабиёт фақат ўз қобигига ўралиб яшай олмайди. Бошқа халқлар адабиётларининг илғор, яшовчан анъаналарини, ўзида йўқ жиҳатларини олиб ривожланади. Тўғри, аввало, ҳар бир миллий адабиёт ўзидаги мавжуд ёзма ва оғзаки адабий анъаналар заминида тараққий этади. Аммо тапқи таъсирсиз, яъни бошқа халқлар

маданияти ва адабиёти таъсирисиз бу ривожланишнинг тўлақонли бўлиши мумкин эмас.

Адабиётларнинг бир-биридан ўрганиши ва ўзаро таъсири турли хил йўллар билан боради. Адабиётшунос А.С.Бушмин таъсирни, аввало, таъсир этиш вақтига қараб, тасодифий, вақтинчалик ва узоқ муддатли ҳамда доимий таъсирга; иккинчидан, бадий ижоднинг таъсир этувчи томонларига қараб, ғоявий, ахлоқий, эстетик, проблематик, тематик, услубий таъсирга; учинчидан, қўзғатувчи сабаблар (ички яқинлик ёки қарама-қаршилик, мунозаралик) туфайли келиб чиқадиган таъсирга, алоқа характери (бевосита, тўғридан тўғри ёки билвосита) билан боғлиқ бўлган чуқур ижтимоий ёки услубий, эпигонлик, танқидий таъсирга ажратиб, турли аспектларда қарайди.¹⁸

Ўзбек адабиёти равнақини ҳам узоқ ва яқин халқлар адабиётларининг таъсирисиз, адабиётлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларсиз тасаввур этиш қийин. Ўзбек адабиёти ўзида мавжуд анъаналарни ривожлантириш билан бир қаторда бошқа халқлар адабиётларининг энг халқчил, яшовчан, илғор анаъаналарини ўрганиш натижасида тараққий этди. Унда, айниқса, унинг учун Шарқ халқлари адабиёти, аввало, форс-тожик адабиёти муҳим роль ўйнади. Шарқ халқлари адабиётларидаги кўпгина яхши анъаналар бизга шу адабиёт орқали кириб келди. Бироқ ўзбек адабиёти пассив ўрганувчи бўлиб қолмади, ўз навбатида, форс-тожик адабиёти ривожига ҳам керакли таъсир кўрсатди. Бундай алоқалар ҳамда ўзаро таъсир бир-бирига яқин ва деярли бир хил ижодий жараёнларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Форс-тожик ва ўзбек адабиётларининг алоқаси шу қадар мустаҳкам, улар бир-бири билан шу қадар

сиңгишиб кетганки, ўзбеклар Рудакий, Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Хусрав, Деҳлавий, Жомий ва Бедил асарларини асл нусхада севиб мутолаа қилишган, уларни ўз шоирлари деб билишган. Ўз навбатида, форслар ва тожиклар Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Фурқат ва бошқа ўзбек классиклари ижоди билан яхши таниш бўлганлар. Форс-тожик шоирлариниң баъзилари ўзбек классиклари ижодидан таъсирланган, улардан катта маънавий озиқ олганлар. Масалан, Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Осафий ва бошқалар Навоийни ўзларига устоз деб билишган, ундан ўрганиб-таъсирланиб ижод қилишган, айрим ғазалларини унга эргашиб ёзишган. Форс-тожик тилида ижод қилувчи баъзи шоирлар ўзбекча ғазаллар ҳам яратганлар. Туркий тилда қалдам тебратган назм усталариниң кўпчилиги эса зуллисон-найндир.

Шоир Чустий ўзбек ва форс-тожик халқлариниң ана шу мустаҳкам дўстлигини, адабиёт, санъат соҳаларидаги яқинлигини бир ғазалида шундай мадҳ этади:

*Рудакий боғида Турди сайр этар ўз боғидек,
Лутфий ҳам Жомий, Навоий бир киши* бармоғидек,

Мушфиқим Машраб ғазал жомин ширин қаймоғидек,

Ҳамза ҳам Садриддин! Айний битта саф байроғидек,

Биттадир услубимиз, ҳам назмимиз, мазмунимиз,

*Ажратиб бўлмас сира, тожикмисиз, ўзбекмисиз?*¹⁹

Умаман, ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари мустаҳкам заминга эга бўлиб, чуқур ўрганилиши, йирик

илмий тадқиқотлар олиб борилиши лозим бўлган мавзудир. Тўғри, бу мавзуда бир қатор илмий ишлар қилинган. С.Айнийнинг “Алишер Навоий ва тожик адабиёти”,²⁰ Ф.Э.Бертельснинг “Ўрта Осиёдаги форс тилидаги адабиёт”,²¹ “Навоий ва Жомий”,²² “Аттор ва Навоий”,²³ “Александр ҳақида дoston”,²⁴ И.Брагинскийнинг “Ўзбек-тожик адабий алоқаларини ўрганишга доир”,²⁵ “12 миниатюра”,²⁶ Э.Шодиевнинг “Ўзбек-тожик адабиёт алоқалари тарихидан”,²⁷ “Зуллisonайн шоирлар”,²⁸ А.Мирзаевнинг “Фоний ва Ҳофиз”,²⁹ Ш.Шомуҳамедовнинг “Умар Хайём ва Фафур Гулом”,³⁰ Ф.Саломов ва Н.Комиловларнинг “Дўстлик кўприклари”³¹ каби асарлари, шунингдек, Р.Воҳидов, П.Шамсиев, В.Зоҳидов, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Ш.Шомуҳамедов, Ф.Каримов, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, А.Рустамов, Ҳ.Ҳамидов, В.Раҳмоновларнинг тадқиқот ва илмий мақолалари шулар жумласидандир. Бироқ ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар бир талай. Масалан, Алишер Навоийнинг ўз салафлари ижодига муносабати масаласи кенг қамровда ўрганишга арзигулик. “Фирдавсий ва Навоий”, “Низомий ва Навоий “Хамса”лари муқоясаси”, “Хусрав Деҳлавий ва Навоий”, “Фаридиддин Аттор ва Навоий”, “Ҳасан Деҳлавий ва Навоий”, “Саъдий ва Навоий” каби мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Чунки бу форс-тожик адибларининг ҳар бири ўз услубий йўналиши, бадиий олами билан Алишер Навоий ижоди равнақига, умуман, ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган.

Беруний ва Ибн Сино, Муқимий ва Фаҳри Румоний, Айний ва Ҳамзаларнинг ўзаро муносабати, бир-бирларига кўрсатган ижодий таъсирини халқларимиз тарихи ва миллий анъаналари билан боғлаб, кенг қамровда ўрганиш ҳам катта самараларни бериши шубҳасиз.

Шарқ шеърляти даҳолари Рудакий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий ва Бедилларнинг ўз ижодлари билан ўзбек адабиёти ривожига баракали таъсир кўрсатдилар. Туркий тилда қалам тебратувчилар ўз адабиётлари анъаналарига суянган ҳолда улар услуби ва образларидан, шеърлари формаси ва усулларидан ижодий фойдаланган ҳолда ажойиб назм дурдоналари яратдилар. Шуниси ҳам борки, Ҳофиз, Бедил каби форс-тожик шоирлари асарлари эски ўзбек мактабларида дарслик сифатида ўқитиларди. Шу боис, улар ижодини пухта билиш, бу беназир қалам соҳибларининг адабиётимиз равнақига кўрсатган таъсирини алоҳида-алоҳида ўрганиш жуда муҳимдир.

Ўзбек адабиётига ҳаммадан кўра кўпроқ таъсир кўрсатган шоир Ҳофиз Шерозийдир. Унинг ғазаллари тўй ва базмларда, байрамлар ва ғамгин кунларда қўшиққа солиб қуйланган. Рубоий ва таржебандлари, “Соқийнома”си ҳофизхонликларда ўқилган. Шоирларимиз Ҳофиз шеърларидан таъсирланиб, ашъор битишган, ҳатто девонлар тартиб беришган. Унинг таржимаи ҳоли, ижодидан намуналар ўзбекча баёз ва тазкираларга киритилган.

Навоийдан олдин яшаб, ижод этган шоирлар Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Отойи, Саккокийларнинг Ҳофиз ижодидан баҳраманд бўлганликлари, бу улкан қалам устаси маҳорати улар учун мактаб бўлганлиги аниқ. Масалан, Ҳофиз Шерозий билан замондош бўлган Сайфи Саройи форс-тожик тилини яхши билган. Бу тилдаги адабиётларни севиб мутолаа қилган. Форс-тожик тилида шеърлар ёзган. Унинг оз миқдорда сақланиб қолган бадий мероси ичида ана шу тилда ёзилган учта рубоий бор.

Сайфи Саройи Ҳофиз вафот этишидан бир йил олдин

унинг кекса замондоши ва ватандоши Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асарини ўзбекчалаштирди.

Сайфи Саройи Яқин ва Ўрта Шарқда донғи кетган Ҳофизни яхши билганлиги, унинг газалиёти билан таниш бўлганлиги шубҳасиз. Гарчи Ҳофиз таъсири унинг ижодида бевосита кўринмасада, газални камолот чўққисига кўтарган форс-тожик шоири каби Сайфи Саройи газалларида ҳам матлаъ ва мақтаъга қатъий амал қилиниши, тахаллуснинг шеър охирида жойлаштирилиши, образ ва ташбеҳлар, бошқа шеъррий санъатларда Ҳофизга яқинлик унинг бу шоир ижоди билан яхши таниш бўлганлигидан далолат беради.

Ҳофиз шеърляти Ҳофиз Хоразмий ижодига, айниқса, баракали таъсир кўрсатди. Хоразмда туғилиб-ўсган ўзбек шоири кейинроқ Шерозга бориб яшади. “Ҳофиз Шерозий билан Ҳофиз Хоразмийнинг прогрессив дунёқараши, фалсафий концепциялари, гуманизм, ижодий метод ва маҳорат бобидаги қатор муштарак ҳоллари уларнинг бир давр, бир ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий муҳитда яшаганликларидан дарак беради. Дадил айтиш мумкинки, Ҳофиз Хоразмий Ҳофиз Шерозий анъаналарини биринчилардан бўлиб ўзбек шеърлятига олиб кирган, айниқса, газал жаирини бойитган улкан санъаткор бўлган”³²

Эронда турғун бўлиб қолган Ҳофиз Хоразмийнинг форс тилини мукаммал билганлиги табиий. Шоирнинг бу тилда яратилган еттига газали унинг девонидан ўрин олган. Ҳофиз Хоразмий уларда Раҳим ва Абдураҳим номларини тахаллус сифатида қўллайди. Нега энди Абдураҳим кейинчалик ўзига Ҳофиз тахаллусини қабул қилган? Таниқли ўзбек олими Ҳамид Сулаймонов бу саволга жавоб бериб: “Фикримизча, бу икки сабабдан келиб чиққан бўлса керак: биринчидан, Ҳофиз Хоразмий

ўзининг машҳур замондоши Ҳофиз Шерозий бадий даҳосида тарбияланиб, уни ўз ири-мураббийси сифатида эътироф этиши ҳақиқатга яқинроқ кўринса, иккинчидан, ёш Абдурахимнинг ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг тўла ҳуқуқи учун курашувчи, жасоратли ва оташин ватанпарвар эканлиги билан изоҳланади”,³³ дейди.

Дарҳақиқат, Ҳофиз Хоразмий форсийда Ҳофиз Шерозий қанчалик яхши шеър айтиб, довруғ таратган бўлса, туркийда шу даражага етишини орзу қилган. Унинг шеърлари ҳам ўзининг латифлиги ва равонлиги билан ажралиб туради. Шу боис, Ҳофиз Хоразмий ғазали мақтаъи (яқунловчи байти)да фахрланиб:

*Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,
Гар кечди эса Форсда ул Ҳофизи Шероз.*

(1-китоб. 25)

деган эди.

Ҳофиз Хоразмий бадий меросини ўрганиш, унинг шеърларидаги образ ва ташбеҳлар, бадий санъатларни кузатиш шоирнинг Ҳофиз Шерозийдан катта маънавий озиқ олганлиги, баъзан унга эргашганлигини кўрсатади.

Ҳофиз Хоразмий ҳам замондоши Ҳофиз каби ўз ғазал ва рубоийлари, мухаммас ва таржеъбандлари, қатъаларида дунёнинг адолатсиз қурилганлиги, яхшиларнинг хор-зорликда, муҳтожликда, текинхўр ва нодон кишиларнинг эса аксинча, роҳат-фароғатда яшаётганлигини алам билан тасвирлайди. Турли қабиҳликлардан қайтмайдиган шарият пешволари: шайх ва зоҳидлар, муҳтасиб ва сўфийлар, воиз ва обидлар устидан аччиқ кулади. Устози Ҳофиз Шерозий каби уларнинг нариги дунё ҳақидаги ёлғонларига учмасликка чақиради, уларнинг насия жаннат ҳақидаги ганларидан

нақд дунёни, ҳурдан гўзални, филмондан дўстни, ҳавзи кавсардан май ва шаробни устун қўяди. Ҳофиз бир газалида:

*Ман ки имрӯзам бихишти нақд ҳосил мешавад,
Ваъдаи фардои зоҳидро чаро бовар кунам?!*

(Д.1971. 137)

деган эди, яъни “ҳозирги жаннат ҳосили нақд турганида зоҳиднинг эртанги кун ҳақидаги гапларига учайинми?!” деб ёзса, Ҳофиз Хоразмий:

Не кўп сўзларсан, эй зоҳид, менга жаннатдан

эмдиким,

Эшиги бир-ла тенг кўрмас кўнгул фирдавси

аълони.

(2-к. 185)

дея, ёр эшигининг жаннат боғидан афзаллигини таъкидлайди.

Ҳофиз Хоразмий ҳам устози сингари дин пешволарига қарама-қарши ўлароқ тарки дунёчиликка берилмасдан ёшлик ва баҳорнинг, яхши кунларнинг қадрига етиб, умрни хушвақтлик, шоду хуррамлик билан ўтказишга қақирарди. У ҳам майни хуррамлик чашмаси, ҳаёт ва шодлик тисмоли сифатида биледи. Ҳофиз Шерозий ва Ҳофиз Хоразмий яшаган даврда мутаассиб ҳукмдор Муборизиддиншоҳ мутаассиб шайх Имоди Фақеҳ маслаҳати билан май ичиш, мусиқа тинглашу ўйин-кулги билан машғул бўлишни ман қилган эди. Унга қарши ўлароқ Ҳофиз Шерозий:

*Агарчи бода фараҳбахшу бод гулбез аст,
Ба бонги чанг махўр май, ки муҳтасиб тез аст.*

(Д.1971. 37)

деган эди. Ҳофиз Хоразмий унга мос равишда:

*Соқий, вақти гул эрур, бодайи гулгун келтур,
Мутрибо, чангинг тузуб нағмаи мавзун келтур.*

(1-к. 151)

каби мисраларни битади.

Ҳофиз Хоразмий ғазалларида Ҳофиз Шерозий шеърлятида учрайдиган ташбеҳларнинг кўпчилигига такрор-такрор дуч келиш мумкин. Хоразмийда ҳам ёрнинг хумор кўзини маст кўзига, зулфини камандга, қармоққа, нафасини Исо бўйига, иягидаги чуқурчани Бобил чоҳига, лабини Адан дурига, майга, ошиқ дилини лола бағрига, май тўлдирилган соғарга, дилдорни Лайли, Ширин, Юсуфга, ошиқни Фарҳод, Мажнун, Яъқубга ўхшатиш кўп учрайди. Ҳофиз Шерозийнинг машҳур:

*Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.*

(Д.1971. 25)

Яъни:

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қора холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.*

(Т.1958. 29)

матлаъ (бошловчи байт)ли ғазали билан Хоразмий яхши таниш бўлган. Унинг:

*Кўнгулни олди ол бир-ла ўша дилдори Шерозий,
Бу хаста жонга солди ўт ширинкори Шерозий.*

(2-к. 248)

матлаъли ғазали гўё устозига жавобиядек жаранглайди.

Ҳофиз Хоразмий замондошига ўхшаб, бир културм майни хирқа-ю жойнамоздан устун қўйди. Ўзидаги динга нисбатан эътиқод суотлигини эса шайх Санъон воқеасига боғлаб, шунча тоат-ибодат қилган обид бир тарсо қизини кўриб, имонидан воз кечди-ю, бу борада менда сабот бўлармиди, дейди:

*Бу шаклу шева бир-ла ул нозанин кўрунса,
Бутга топунгай эрди бешакку шубҳа обид.
Ганжси маъоний топдинг пири мугон қошинда,
Ҳофиз, санга ярашмас ўш эмди кунжси масжид.*

(1-к. 92).

Ҳофиз Шерозий бир газалида шайх Санъон муридлари тилидан сўзлаб:

*Дўш аз масжид сўи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо?*

(С.1957. 35)

Яъни:

*Келди масжиддан бу кеч майхона сори пирумиз,
Не бўлур йўлдошларим, бундан кейин тадбирмиз?*

(Т. 1958. 31. Хуршид)

деб, пирларининг насроний қизга ошиқ бўлиб, май ичганлиги ва энди ўзларининг ҳам унинг изидан боришга мажбур эканликларини таъкидлайди.

Ҳофиз Хоразмий ҳам устози изидан боради. Агар Ҳофиз Шерозийнинг дастлабки байтида муридлар, пирумиз майхона сари кетди, биз нима қилсак экан, деб ҳайрон бўлсалар, Ҳофиз Хоразмий бунга қуйидагича жавоб беради:

*Соқиё, пири мугон токим бўлубтур пирумиз,
Бода ичмакдин ўнгин йўқ фикру ҳам тадбиримиз.*

(1-к. 238)

Бу мисоллардан кўринадики, Ҳофиз Хоразмий содда ва равон газаллар яратишда, бадний маҳоратда, қофия ва радифлар танлай билиш, халқ оғзаки ижодидан самарали фойдаланиш ва бошқаларда беназир устози Ҳофиз Шерозий изидан боради.

Шунингдек, ажойиб лирик шоир Отойти ҳам Ҳофиз ижод чашмасидан баҳраманд бўлганлардан. Бу шоир ғазаллари тилининг соддалиги ва равлонлиги билан ажралиб туради. Гарчи ижтимоий оҳанглар Отойти лирикасида асосий ўрин тутмаса-да, у айрим ғазалларида дин аҳллари, текинхўрлар, бой-амалдорлар устидан кулади, дониш эгалари, меҳнаткаш халқнинг муҳтожлик, хор-зорликда яшаётганлигини алам билан таъкидлайди. Эргаш Рустамов бу хусусда “у (Отойти – М.А.) ўзининг инсон муҳаббатини куйловчи беназир ғазалларида иккиюзламачи ислом аҳллари, шариатни бузувчи шайхлар, муфтилар, фақийлар, муҳтасиблар, ҳокимлар (қозилар)ни, қуруқ баҳс ва сафсаталар билан шуғулланувчи мадраса ва хонақоҳ аҳллари – мударрисларни қаттиқ танқид қилади.

Отойти бу ўткир мисраларни Ҳофиз ва Камол Хужандий каби ўзининг ишқий ғазаллари ичига жойлайди...

...Отойти ғазалларида муҳаббат мавзуи билан бир қаторда май ҳам куйланади... Май Отойтида Умар Хайём рубоийлари ва Ҳофиз ғазалларидаги каби ҳаёт симболидир”,³⁴ – дейди.

Отойти Ҳофиздан кейинроқ яшаган бўлса ҳам унинг даври устози замонидан гўн фарқ қилмасди. Ҳамон феодал урушлар давом этар, ноз-неъмат бунёдкорлари – меҳнаткашлар зулм ва хорлик, йўқчилик исканжасида эди. Халқ тобора қашшоқлашар, бир ҳовуч бек-амалдорлар, руҳонийлар эса турли хил йўллар, ҳий-найранглар билан оддий кишиларни шилар, бойиб борарди. Ана шундай бир даврда Ҳофизнинг буюк инсонпарварлик руҳи билан суғорилган, ҳаётдўстлик бўйлари уфуриб турган, замона адолатсизликлари, бек-амалдорлар, мутаассиб руҳонийлар аёвсиз танқид

қилинган исёнкор ғазалларининг қадр-қиммати янада ошган эди.

Ноҳақликларга, ҳоким синф вакиллари, дин пешволари кирдикорларига нафрат билан қараган, ҳаёртни севишни тарғиб этган Отойига Ҳофиз билан эътиқод ва маслак яқинлиги руҳий қувват бахш этди. Рақибларига қарши курашда Ҳофиз устоз сифатида унга ёрдамга келди. Отойи ғазалларида салафи каби ҳаёт ва муҳаббатни, инсонпарварликни таранnum этди. Халқчиллик ва равонликка интилди, устози сингари ўзининг ижтимоий мавзудаги байтларини лирик ғазаллари орасига қистириб ўтди.

Ҳофиз кўпгина ғазалларида бу дунё неъматлари ва гўзаалиklarини таъкидлайди. Отойи ғазалларида ҳам бундай мазмундаги байтлар оз эмас. Масалан:

*Бу кун васлингни тарк айлаб, тилар жаннатни
зоҳидлар,
Берурлар насяга нақдин бу не нодон халойиқдур.*

(84)

Кўз ёши кўп тўкилганлигини ёш баҳри деб муболаға қилиш, унда сузиб юрган ошиқни ёрнинг каманди шасти-зулф қармоғи билан тутиб олишни исташ Отойи қаҳрамонига ҳам хосдир.

Ҳофиз:

*Дар баҳр фитодаам чу маҳи,
То ёр маро ба шаст гирад.*

(Д.1971. 87)

Яъни:

*Ашк баҳри ичра балиқ бўлибман,
Қармогин ёр чу сувга солгай.*

(Т. 1985. 58. Э.Воҳидов)

деса, Отойи:

*Олма мани, – дер, - Отойи, кўзининг бўбаклари,
Ёш баҳри ичра бўлғали зулфинг каманди шаст.*

(37)

каби мисраларни битади.

Отойида ҳам Ҳофиздаги каби халқ мақолалари ва қочирмалари, ҳикмаларидан усталик билан фойдаланиш, халқ ўртасида машҳур афсона ва воқеаларга ишора кучли. У ёрнинг гўзаллигини таъриф-тавсиф қилишда барча Шарқ шоирлари каби анъанавий ташбеҳлардан, игроқ, тазод, китобат ва бошқа санъатлардан усталик билан фойдаланади. Ҳофиз каби “турк” сўзини миллат ва раҳмсиз маъноларида ишлатиш, ёр холини донага, зулфини эса дом-тузоққа ўшатиш Отойи ғазалларида ҳам сероб. Масалан:

*Чин-Мочину Хўтанда кўзларингтеки раҳмсиз,
Бехато қон тўкувчи бир турки яғмо кўрмадук.*

(102)

*Қароқчи кўзларин ким кўрса, айтур:
“Ажаб айёри Туркистонмудур бу?”*

(150)

*Тузоққа илди кўнглум андалибин,
Гулистон ичра холинг доналардек.*

(104)

XV асрга келиб, Ҳофиз Шерозий ижоди Шарқда жуда оммалашиб кетди. Бунда Ҳирот адабий муҳитининг муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлаш керак. Ҳирот ҳукмдори Султони Ҳусайн Бойқаро ҳузурдаги мажлисларда, йиғин ва мушоираларда, ҳофизхонликларда шоир ғазал ва рубойлари, қитъа ва таржеъбандлари, бошқа адибларнинг унга боғлаган мухаммаслари, битган татаббуълари уқиларди. Ҳофиз ва

унинг замони хусусида суҳбатлар, қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб турарди. Бу тадбирларнинг аҳамияти катта эди. Алишер Навоий, туркийда маликул калом деб таърифлаган ажойиб лирик шоир Лутфийнинг ҳам форсча шеър битишида Ҳофиз каби етук форс-тожик шоирларининг таъсири оз эмас. Тўғри, Лутфий бадий мероси ичида унинг Ҳофизга татаббу ва мухаммаслари учрамайди. Улар бизгача етиб келмаган, деб ўйлаймиз. Лутфийдек улкан ижодкор, билимдон киши Ҳофиз Шерозий шеърятидан баҳраманд бўлганлиги, ундан ўрганганлиги турган гап. Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида Лутфий ҳақида тўхталганда: “Ўз замонасининг маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назари йўқ эрди...”

Форсийда қасидагўй устодлардан кўнининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур”,³⁵ деб унинг форс тилидаги ажойиб матлаъини келтириши бежиз эмас. Атоқли рус олими Е.Э.Бертельс эса Лутфий фазалнавислиги ҳақида гапириб: “Лутфий ўзининг бугун маҳоратини кичик лирик формани ишлаб чиқишга қаратди. Унинг учун ҳамма эътироф этган фазал усталари Камол Хужандий ва Ҳофиз асосий намуна эди”,³⁶ – дейди.

ҲОФИЗ ЧАШМАСИ ВА ФОНИЙ ЖУРЪАСИ

Ҳофиз шеъряти улуғ ўзбек шоири, фазал мулкининг султони Алишер Навоий ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. Навоий шеърларида устози илгари сурган фикрларни қўллаб-қувватлаб, ўз давридан келиб чиққан ҳолда уларни ривожлантирди. Фазалсароликда юксак даражага кўтарилган Ҳофиз ижодиёти ўзбек шоири учун маҳорат мактаби ролини ўйнади. Форс-тожик мумтоз шоирининг бадбинлик ва таркидунёчиликни қораловчи,

ҳаёт шодликлари: баҳор, ишқ, гул, май ва бошқа нёъматларни васф этувчи ғазал ва рубоийлари Навоий дунёқараши ва руҳиятига сезиларли таъсир кўрсатди. Унинг форс тилида баркамол ғазаллар яратишида муҳим роль ўйнади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳофиз ва Фоний мавзуси жуда кенг бўлиб, у чуқур тарихий ва адабий

тадқиқотларни талаб қиладиган катта ишдир. Тожик олими, академик Абдулғани Мирзоев буни алоҳида таъкидлаб: “Алишер Навоийнинг Хожа Ҳофиз меросига муносабати асосларини ёритиш учун бу икки сўз устасининг бир-бирига алоқадор бўлган асарларини муқояса қилишдан ташқари, Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг мазкур икки асрдаги ижтимоий, маънавий қарашлари, маданий ҳамда адабий ҳаёти ва шунингдек, шунга боғлиқ бўлган бошқа социал омилларни мукаммал кўриб чиқишимиз лозим”,³⁷ деган эди.

Гарчи Ҳофиз ҳамда Алишер Навоий – Фоний ҳаёти ва ижоди хусусида алоҳида-алоҳида ҳолда В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, И.Брагинский, А.Мирзоев, В.Зохидов, И.Султонов, А.Ҳайитметов, В.Абдуллаев, П.Шамсиев, Ш.Шомуҳамедов, Н.Комиловлар ва бошқалар илмий ишлар қилишган, қатор мақолалар эълон этишган бўлса-да, А.Мирзоевнинг “Ҳофиз ва Фоний” сарлавҳали мақоласини истисно қилганда, бу икки шоир ижоди боғлиқ ҳолда ва Алишер Навоийнинг Хожа Ҳофиз асарларига муносабати масаласи етарлича ўрганилмаган.

Ўзбек шоири “Ҳамса”сида форс тилида бебаҳо дурдоналар яратган, ўзини катта ишларга илҳомлантирган устозларини миннатдорчилик билан эслайди:

*Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ
Ки андин яхши йўқ назм аҳтимоли.*

*Бири мўъжазбаёнлик соҳири Ҳинд,
Ки шиқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири исонафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболий.*³⁸

Ҳа, Навоий Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий билан бир қаторда Ҳофизнинг ғазалсароликда тенги йўқлиги, ўзига устозлигини таъкидлайди. У бошқа асарларида ҳам устози номини тез-тез тилга олади. Ҳофиз ижодига ҳолисона ва юксак баҳо беради. Масалан, “Насоим ул-муҳаббат” асарида: “Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий – алар лисонул-ғайб ва таржимон ул-асрордурлар...”³⁹ – дейди. Шунингдек, “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг ўн олтинчи фаслидаги “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида”⁴⁰ ва “Ишқ зикрида”⁴¹ бобларида ҳам улуғ шоир хусусида илиқ гапларни айтади.

Навоий даври анъанасига кўра, туркий тилда ижод қилувчилар ўз қаламлари кучини Рудакий, Фирдавсий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз каби назмпироларни етказиб берган форс-тожик шеърлятида синаб кўришган. Жумладан, Навоий форс-тожик тилида Фоний таҳаллуси билан баркамол назм намуналарини яратди. Унинг бу лисондаги шеърларининг кўпчилиги Ҳофиз ғазалларига жавобиядир. Буни XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган самарқандлик тазкиранавис шоир Абдумуталиб Хожа Самарқандий-Фаҳмий ўз тазкирасида таъкидлаб: “Ва дар ашъори турки таҳаллуси вай Навои аст ва дар форси Фони таҳаллус ниҳода... Дар шуҳрат ҳамон ҳукм дорад, ки дар форси ашъори обдори Мавлоно Жоми ва девони ҳазрати Хожа Ҳофизи Шерозиро жавоб гуфта...” (“туркий шеърда таҳаллуси Навоийдур ва форсийда Фоний таҳаллус... Мавлоно Жомийнинг гўзал шеърларига ва Хожа Ҳофиз Шерозий ҳазратларининг

девонига жавоби билан машҳурдир...”,⁴² – дейди. Фонийнинг узи эса бир ғазалида:

*Ба роҳи ишқ агар мушкиле фитад, Фони,
Зи рухи Ҳофизу маънии Жомияи жуъям.*⁴³

(Эй Фоний, ишқ йўлида бошимга мушкуллик тушгудай бўлса, уни бартараф қилишда Ҳофиз руҳидан ва Жомий маъносини мадад тилайман) – деган эди.

Навоий форс-тожик тилида битган ғазалларини тўплаб, “Девони Фоний” деб атади. Бу мажмуаси ҳақида “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида: “Яна форсий ғазалиёт, Хожа Ҳофиз тавридаким, жамий суҳанадолар ва назмпиролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибменким, олти мингдан абёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлубтур”,⁴⁴ – деб ёзади. Дарҳақиқат, “Девони Фоний”даги 505 ғазалдан ярмига яқини Ҳофиз ғазалларига татаббуъдир. Фоний бундай ғазалларини “Дар татаббуъи Хожа Ҳофиз”, “Татаббуъи Хожа”, “Мухтарсъ” (Янги бадий ифода воситалари билан янги гоёлар илгари сурилган шеър) деб номлаган бўлса, баъзиларига “Дар таври Хожа” деб қўйган.

Нега Алишер Навоий, асосан, Ҳофиз ғазалларига татаббуълар ёзди, кўпроқ унга эргашди, деган табиий савол туғилади. Бунга Ҳофизнинг машҳур “Агар он турки Шерози...” деб бошланувчи ғазалига Фоний татаббуъси мақтаъи (яқунловчи байти)ни жавоб тариқасида келтириш мумкин:

Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофиз шояд, эй

Фони,

*Намойи чошми дарюза з-он назми жаҳоноро.*⁴⁵

(Ҳофиз ғазалларига ҳамма қойил қолган, эй Фоний, ўна жаҳонни безатган назмдан сен ҳам бир оз тиланиб олсанг буларди).

Туркий тилда Бобур таъбирича, кўп ва хўб шеър айтган Алишер Навоий Ҳофиз ғазалиётини лирик шеърят мезони деб билганлиги адиқ. Чунки Ҳофиз ўз ғазаллари билан халқнинг улкан меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган эди. Шунинг учун Фоний форсий ғазалиётда ана шу сўз устасига эргашди, унинг ғазалларига татаббуълар ёзди.

Гарчи Фоний ғазаллари мавзуси Ҳофизникига яқин бўлса-да, кўпгина жиҳатлари билан улардан фарқ ҳам қилади. Шерозлик назм устасининг ғазаллари байтлари мазмунан бир-бири билан мустаҳкам алоқада эмас. Бу хусусият камчилик эмас. Байтлар мустақиллиги шоирга лирик темадаги ғазалларга фалсафий мушоҳадали байтларни жойлаштириш имконини берган. Ҳофиз байтларини бежиз гавҳар шодаларига ўхшатишмайди. Унинг ғазалларидаги айрим байтлар ташлаб кетилса ва ўрни алмаштирилса ҳам ҳезилмайди. Шу боис, Ҳофизнинг турли йилларда кўчирилган ва чоп этилган девонларида айрим байтларни ташлаб кетиш ёки улар ўрнини алмаштиришдек ҳолларга йўл қўйилган.

Фоний ғазаллари эса мусалсаллиги, яъни воқебандлиги билан ажралиб туради. Уларда бир мавзу чуқур ва изчил ёритилади. Ҳофиз ғазалларида аке этмай қолган жиҳатларга урғу бериш, унинг фикрини тўлдириш ва янги шароитларда ривожлантириш, мавзуни янги-янги тасвирий воситалар ёрдамида очиш Фоний татаббуъларига хос хусусиятдир. Буни тожик олими, академик А.Мирзоев ўзининг “Фоний ва Ҳофиз” сарлавҳасида таъкидлаб, қуйидаги мисолни келтиради. Ҳофиз:

*Воизон, к-ин жилва бар меҳробу минбар мекунад,
Чун ба хилват мераванд, он кори дигар мекунад.*

(Воизлар меҳроб ва минбарда бу хилдаги гапларни қилсалар-да, хилватга борганларида бошқача ишлар билан машғул бўладилар).

А.Мирзоев Фонийнинг шу матлаъ билан бошланувчи ғазалга ёзган татаббуъси Ҳофиз шеърини тўлдириб, унинг фикрларини ривожлантириб келганлигини айтади. Адабиётшунос олим, бу Фонийнинг дастлабки байтида-ноқ кўринади, дейди.

Фоний:

*Воизон то чанд манъи жоми соғар мекунанд,
Чун димоғи хешро ҳам гаҳ-гаҳе тар мекунанд.*⁴⁶

(Воизлар жом-соғарни ман этсалар-да, гоҳ-гоҳида ўзлари ҳам у билан димоғларини ҳўллаб турадилар).

Ҳофиз байтида воизларнинг нима ҳақида гапирганлари, нимани ман этганлари очиқ айтилмайди, уларнинг хилватга борганларида турли ишлар билан шуғулланишлари мавҳумроқ айтилса, Фонийда уларга томоқларини ўзлари ман этган нарсалар, яъни Қуръони каримда ҳаром деб тилга олинган май билан ҳўллаб турадилар, деган айб қўйилади. Бундай мисолларни Фонийнинг бошқа татаббуъларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Ҳофиз бир ғазали матлаъида:

*Дўш аз масжид сўи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо?*

(С.1957. 35)

Яъни:

*Келди масжиддан бу кеч майхона сори пиримиз,
Не бўлур йўлдошларим, бундан кейин тадбиримиз.*

(Т.1958. 316. Хуршид)

деса, Фоний ўз жавобиясининг дастлабки байтида-ноқ унинг саволига жавоб бериб, тўлдириб ҳукм чиқариб:

*Ди сӯи дайри муғон омад зи масҷид пири мо,
Чист жуз зуннор бастан баъд аз ин тадбири мо!*

Яъни, пиримиз масҷиддан дайри муғон-номусулмонлар масканига келди, бизнинг тадбиримиз бўйинга кофирлик зуннорини боғлашдан бошқа нима ҳам бўларди, дейди.

Татаббуъда форс-тожик мумтоз шоирининг Фонийга таъсири бевосита намоён бўлган. Татаббуънинг моҳиятини объектив белгилаш учун ҳар икки ғазални солиштириб кўрайлик.

Ҳофиз:

*Дӯш аз маҷид сӯи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо?
Дар хароботи муғон мо низ ҳамманзил шавем,
К-ин чунин рафтаст дар аҳди азал тақдири мо.
Мо, муридон рӯ ба сӯи Каъба чун орем, чун
Рӯ ба сӯи хонаи хаммор дорад Пири мо?
Ақл агар донад, ки ғил дар банди зулфаш чун хуш*

аст,

*Оқилон девона гарданд аз паи занҷири мо.
Рӯи хубат ояте аз лутф бар мо кашф кард,
З-он замон жуз лутфу хуби нест дар тафсири*

мо.

*Бо дили сангинат оё ҳеч даргирад шабе?
Оҳи оташбору сӯзи нолаи шабгири мо?
Мурғи дилро сайди жамъият ба дил афтода буд,
Зулф бикиоди-ву боз аз даст шуд нахчири мо.
Бод бар зулфи ту омад, шуд жаҳон бар ман сиёҳ
Нест аз савдои зулфат беш аз ин тавфири мо.
Тири оҳи-мо зи гардун бигзарад, жано хамӯш,
Раҳм кун аз жони худ, парҳез кун аз тири мо.*

Бар дари майхона хоҳам гаит чун Ҳофиз муқим
Чун хароботи шуд, эй ёри тариқат, пири мо.

(С.1957. 35)

Фоний:

Ди сӯи дайри муғон омад зи масҷид пири мо,
Чист жуз зуннор бастан баъд аз ин тадбири мо.
Кофирӣ шиқему беҳуш аз жунун, эй муғбача,
Ҳам зи зуннори сари зулфи ту бас занҷири мо.
Пири дайр ар кард моро мужрим аз тақдири зухд,
Гар бимонад, қатра дар соғар, бувад тақсири мо.
Кай тавон будан дигар дар хоҷақоҳ чун ёфтанд,
Шишаи май дар даруни хирқои тазвири мо.
Баҳри панди мо мақаш, эй шайх, заҳмат чун
шудаст,

Риндиву расвои аз рӯза азал тақдири мо.
Шиша дар гардан чу гардонди ба дайр, эй
муҳтасиб,

Маишканаи боре, ки набвад беш аз ин таъзири мо.
Оллоҳ-Оллоҳ, шарм аз имонаи надорад шайхи
шаҳр,

Мекунад аз саждаи пешии он санам тақфири мо.
Шанбнишинонро ажаб рӯзи сиёҳ ояд ба пеш,
Гар зи зулфи у барояд нолаи шабгири мо.
Шояд, эй Фоний, ба қабри Ҳофизаи сазанд
сабт,

Гар ба хоки Форс афтад нусхаи тахрири мо.⁴⁷

Фоний, татаббуъсида ҳам Ҳофиз ғазали базни ва радифи сақланган. Ҳофиз ғазали 10 байтги бўлса, Фоний татаббуъси 9 байтгидир. Ўзбек шоири салафи қўллаган 5 та сўз қофияни (пири, тадбири, занҷири, тақдири, шабгири) ишлатган. Ҳофиз бир қофияни (пири мо) такрор

ишлатган бўлса, Фонийда бундай ҳолни кўрмаймиз. У янги-янги қофиялар яратиш йўлидан боради – тақсири, тазвири, таъзири, тақфири, таҳрири каби. Унинг Ҳофиздан олиб қўллаган қофиялари ҳам янгича мазмун-функцияни бажариб келган. Ҳофиз:

*Бо дили сангинат оё ҳеч даргирад шабе?
Оҳи отаибору сўзи нолаи шабгири мо?*

деса, яъни шунча оҳу нолаларимизга эътибор бермаяпсан, деб, асосан, Худога мурожаат этса, Фоний татаббуъсида маҳбуба назарда тутилади. Ўзбек шоири, фигон кўтарилаётганларнинг нолаю зори Худо йўлида тоат-ибодат қилаётганларнинг афғонидан устунроқ, ўктамроқ эканлигини таъкидлайдики, бу борада борлиқ ҳақидаги кечинмалар у дунё хусусидаги ўйлардан афзалроқ, деган маъно чиқади:

*Шабнишинонро ажаб рўзи сиёҳ ояд ба пеш,
Гар зи зулфи ў барояд нолаи шабгири мо.*

Яъни, агар унинг зулфи жаври туфайли бизнинг нолаларимиз кўкка ўрласа, кечаси ухламай, тоат-ибодат қилувчиларнинг бошларига қора кунлар тушади.

Ҳофиз ғазалида ҳам, Фоний татаббуъсида ҳам майхона ва масжид, номоз ўқиш ва май ичиш, дин ва муҳаббат бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Ҳофизда ёрга мурожаат этилиб, унинг гузаллиги ва раҳмсизлиги таъкидланса, яъни масжид ва майхона мавзусидан бирмунча четга чиқилса, Фонийда бу мавзу татаббуъ мақтаъига давом этади. Ўзбек шоири шайх ва муҳтасибга мурожаат этади: “Эй шайх, бизга панду насиҳат қиламан деб заҳмат чекма, чунки азалдан

бизнинг тақдиримиз ринду расволикдир”. У диндорларнинг, Худо пешонага ёзгани бўлади, деган тушуни-часидан келиб чиқиб, уларга зарба беради.

Фоний ғазал хулосасини ҳам эркин тарзда, ўзгача йўл билан ҳал этган. Булар ўзбек шоири татаббуъсининг оригиналлиги, етуклигидан далолатдир.

Ҳофиз ўзининг “Соқие, бархез, дардеҳ жомро...” деб бошланувчи ғазалида гўзал ёр ва майни шодлик тисмоли сифатида кўrsa, Фоний ҳам ўз устози сингари майни хуррамлик чашмаси, дейди. Унинг татаббуъси Ҳофиз ғазали каби 9 байтлидир. Ҳар икки ғазални солиштириш уларнинг шаклан ва мазмунан баркамоллигини, маъно жиҳатидан бир-бирига яқинлигини кўрсатади.

Ҳофиз:

*Гарчи бадномист назди оқилон,
Мо намехоҳем нангу номро.*

(Д. 1971. 30)

(Гарчи оқиллар назарида бадномлик саналса-да, биз ору номусни истамаймиз) деса, Фоний унинг фикрини қўллаб-қувватлаб:

*Зоҳид, мажсуй, аз мо, ки мондаем,
Андар сари суроҳию май, нангу номро.⁴⁸*

(Эй зоҳид, биздан интизомлилик, шарму номуслилик, тақводорлик хислатларини излама, биз уларни кўзача-ю, май йўлида қурбон қилиб юборганмиз), – дейди.

Ҳофиз ўзининг “кужо” радифли ғазалининг матлабида:

*Салоҳи кор куҷову мани хароб куҷо,
Бубин тафловути роҳ, к-аз куҷост то ба куҷо!*

(Г. 1958. 26)

(Ишни ўнгламоқ қаёқда-ю, мен қаёқдаман, бу йўлларнинг тафовутини кўриш-билиш – бош-адоғини аниқлаш қаёқда) деса, Фоний ўзининг татаббуъси матлаида:

*Зери нўҳ тоқи фалак гайри кажи кор кужост,
Рости дар камии гунбади даввор кужост?*²⁴⁹

(Бу тўққиз фалак тоқининг тагида эгриликдан бошқа нима бўларди, яъни бу гумбаз девори ичра тўғрилиқ бўлармиди?) – дейди.

Ҳофизнинг “Саҳар чун хусрави ховар...” деб бошланувчи газалига Навоийнинг ўзбекча жавобияси мавжуд.⁵⁰ Гарчи унда Ҳофиз газалининг радифи таржима қилиб берилган, вазни, биринчи байтидаги образли тасвир тўла сақланган бўлса-да, уни тўла маънодаги татаббуъ деб бўлмайди:

*Саҳар ховар шоҳи чарх хошлу ҳашам чекти,
Шийи хат бир-ла қўҳсор уза олтун алам чекти.*

Бу газал ҳам Фонийнинг форс-тожик тилидаги татаббуъсига ўхшаб, дастлаб, табиат тасвирига бағишланади, кишилар руҳияти ва аҳволи уларга боғлаб берилади. Умуман, бундай ҳол шоирнинг Ҳофизга эргашиб ёзган бошқа кўпгина ўзбекча татаббуъларига ҳам хосдир. Навоий уларда устози қўллаган вазн ва қофияларни, образларни сақлашга эътибор берган. Масалан, Ҳофизнинг мутақориб баҳридаги “Чандон ки гуфтам...” деб бошланувчи газалига Фоний жавобияси ҳам шу вазндадир. Унда Ҳофиз қофия ва образлари сақланган. Ҳофиз:

*Чандон ки гуфтам гам бо табибон,
Дармон накарданд мискин ғарибон.*

Фоний:

*Он гул, ки нӯшад май бо рақибон,
Бинанду миранд мискин ғарибон.*

Ҳофиз:

*Он гул, ки ҳар дам дар дасти бодаст,
Гӯ, шарм бодаш аз андалибон.*

Фоний:

*Эй гул, ба гулишан чун жилва сози,
Афгон макун айб аз андалибон.*

Ҳофиз:

*Эй мунъим, охир, бо хоки жудат,
То чанд бошем аз бенасибон.*

(Д.1971.146)

Фоний:

*Фоний, насибе з-он маҳвашат нест,
Хуш бенасиби аз бенасибон.⁵¹*

Кўриниб турибдики, Фоний, ҳатто, баъзи мисраларда Ҳофиз бирикма ва сўзларини айнан қўллаган. Аммо байтлари маъноси бошқача. Демак, Фоний ўз фикрларини айтишда Ҳофиз ғазаллари шаклидан фойдаланган.

Фоний Ҳофизнинг “моро бас”, “уст”, “гирифт”, “кужост”, “нест”, “бисўхт”, “кужо”, “хуш”, “шуд”, “донад”, “харобот”, “манаст” радифли ва бошқа ўнлаб ғазалларига татаббуълар ёзди. Улар баркамолликда Ҳофиз ғазалларидан қолишмайди. Шунинг учун таниқли тожик ва ўзбек адиби Садриддин Айний Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърларига юксак баҳо бериб: “Алишернинг тили тожикча шеърда умуман содда, равон ва табиийдир. Тожикча ғазалларда у оддий суҳбатда гапираётгандай шеър ёзади. Унинг тожикча шеърларини, “Тухфат ул-афкор” қасидасидан бошқаларни насрга айлантириш керак бўлса, сўзларни олдинма-кейин қилишга ва ташқаридан бирор сўз келтиришга эҳтиёж тушмайди”,⁵² – деб ёзади. Шарқшунос олим, Ш.Шомуҳамедов эса Ҳофиз ғазалиётининг Навоий ижодига таъсири хусусида тўхталиб: “Ғазалсароликда Ҳофиз Шерозий анъанасини давом эттириб, форсий ва туркий тилларда бу даража юқори кўтарилиши Навоийни XIII-XV аср Ғарб адабиётидаги улуғ гуманист шоирлар билан яна ҳам яқинлаштиради”,⁵³ – дейди.

Фоний Ҳофизга татаббуълар боғлаш билан уни ҳам форс-тожик, ҳам туркий халқлар ўртасида янада кўпроқ оммалашувига ҳисса қўшди. Навоийнинг ўзи устози ижодининг баракали таъсири хусусида:

*Фони аз журъаи Ҳофиз шуда маст, эй соқий,
“Хезу дар косаи зар оби тарабнок андоз”.*⁵⁴

(Эй соқий, Фоний Ҳофиз журъасидан маст бўлган, туриб олгин косани хуррамлик майига тўлдир), – деган эди.

Ҳа, Ҳофиз шеърляти Навоий-Фоний ижодига, умуман, ўзбек ғазалчилиги равнақиға ҳаётбахш таъсир

кўрсатди. Ўз навбатида, Фонийнинг форсча-тожикча газаллари нодир дурдоналар бўлиб, бу тилдаги шеърый хазинани бойитди. Ҳофиз ижодининг Навоийга таъсири ва ўзбек шоирининг “Девони Фоний”си ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий алоқаларни янада мустаҳкамлади.

МАҲОРАТ МЕЗОНИ

Навоийга замондош бўлган ва ундан кейин яшаган шоирлар ҳам Ҳофиз ижодиётига ҳурмат билан ёндашиб, уни мактаб деб билдилар. Ҳазаллар янада нафисроқ айгиладиган, уларнинг маъно теранлигига катта эътибор бериладиган бўлди, мажозийлик кучайди. Шоирлар Ҳофиз ижодини поэзия ўлчови деб билдилар. Улар устозлари Навоий билан бир қаторда ундан илҳомланиб, ўрганиб, ижод қилдилар.

Ҳофиз газаллари, айниқса, Заҳриддин Муҳаммад Бобурни мафтун этган эди. Шу боис у бир қанча шеърларида устози номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Ҳофиз бадиий услуби, ташбеҳ ва образларидан фикр-мақсадини ифодалашда фойдаланди, унинг гуманистик фикрларини ривожлаитирди. Масалан, Ҳофиз бир газалида киши ҳаётга яшаш учун, бахт учун келишини, шунинг учун умрни шоду хуррамлик билан, мазмунли ўтказиш лозимлигини таъкидлайди:

*Канори обу нои беду таъби шеъру ёре хуш,
Муошир дилбаре ширину соқи-гулӯзоре хуш.
Ало, эй давлати толеъ, ки қадри вақт медони,
Гуворо бодат ин шират, ки дори рӯзгоре хуш.*

(Д.1971. 109)

Таржимаси:

*Тил ости сув лабида шеър ила олдингда ёр ўлсин,
Ҳа улфат дилбари ширину ёри гулизор ўлсин.
Аё эй бахт ила давлат, шу давлат қадрига етгил,
Муборак бўлгай айшинг, ҳам бу дамлар пойдор*

ўлсин.

(Т.1958. 131. Хуршид)

Бобур устози изидан бориб, фоний дунёнинг айш-лаззатидан баҳраманд бўлишга чақиради:

*Гофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,
Вақти айи эрур боқи, ол чағир, кетур, бот тут.
Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла,
Не бўлур экан тонгла, сен бугун ғагимат тут.⁵⁵*

Бобур Ҳофиз ғазалларини севиб мутолаа қилди. Ўзи ҳам улуғ шоир каби оҳангдор, халқчил, пурмаъно шеърлар яратди. У бундан фахрланиб, ўзининг “Қуёшим ҳар сориға азм қилса, заррай қолсин” деб бошланувчи ғазали матлаъида:

*Ироқу Форс гар етса санинг шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутгуси Салмон.⁵⁶*

дейди. Бобурнинг кўпгина ғазалларида ҳофизона усулларга, образ ва таъбеҳларга дуч келамиз. Масалан, Ҳофиз ёрнинг холини донга, зулфини дон устига ташланган дом-тузоққа, ошиқ қалбини унга тушган қушга ўхшатади:

*Зулфи у дэм исту холаш донаю ман ҳамчу мург,
Бар умеди дона афтодем андар домю дўст.*

(С.1957. 64)

Таржимаси:

*Холи-дона, жингалак сочи тузоқ, мен қуш каби,
Донадан айлаб умид, тушдим, илдиндим дом аро.*

(Т.1958. 43. Чустий)

каби. Бобурнинг “Чун мени қўймас фалак бу лаҳза васл айёмида...” деб бошланувчи газали матлаъида ҳам шундай ташбеҳга дуч келамиз.

*Бобур, ул гул зулфи остида эмасдур холлар,
Жон қушин сайд айлар учун доналардур домиди.⁵⁷*

Ўзбек шеърияти билан тожик шеърияти орасида услуб ва жанр, тасвирий воситалар бўйича ўхшашликлар кўп. Аммо бу икки адабиёт орасидаги ҳар бир ўхшашликни, албатта, мутлоқ таъсир натижаси деб баҳолаш нотўғри. Шеърӣ санъатлар, анъанавий образлар – ташбеҳлар форс-тожик шоирлари ижодида ҳам, турк-ўзбек шоирлари ижодида ҳам учраб туради. Аммо бу ифодаларни қўллашда йирик сўз санъаткорларининг ўз услуби намоён бўлган, бу ўзига хослик интонация, шеърӣ пафос, ибораларнинг ўзига хос, янгича тарзу тароватда жаранглаши, янги ғояларга, туйғуларга хизмат қилишида кўзга ташланади. Биз ўзбек шоирлари ижодига Ҳофиз таъсирини кузатганда масаланинг ана шу жиҳатига эътибор бдеришимиз лозим. Иккинчидан, салафлар меросидан ҳамма бир хил фойдаланмайди, ҳар ким қизиқишига қараб, ўз дунёқараши, эстетик дидига қараб Навоӣ ёки Ҳофиз, Саъдий ёки Жомӣ ижодининг муайян жиҳатини давом эттиради, анъана манбаидан таҳсил олиб, новатор шоир бўлиб етишади. Шунинг учун таъсирни типологик ҳодисалардан фарқлаш зарур,

таъсирнинг анъана билан боғлиқлигини унутмаслик даркор.

Ўзбек ҳамда тожик тилларида ижод қила олган Машраб ва Нодира учун ҳам Ҳофиз йўлчи юлдуз бўлди. Бу икки шоир устозлари каби халқчиллик, раволикка интилдилар, ҳаётни севишни тараннум этдилар. Улар қаламига мансуб шеърят намуналарининг халққа манзурлиги сабаби ҳам шунда.

Машраб ғазалларида ҳаётни севишга, қадрлашга ундайди. Мол-дунёга, шуҳратпарастлик ва худбинликка ружу қўйиб, ўзлигини унутишнинг ёмон оқибатларга олиб келишини кўрсатади:

*Жаннат, хуру гилмонинг, тоқу равоқ айвонинг,
Балки оби ҳайвонинг бир пулга сотаё дерман.*⁵⁸

*Тоат қилибон зоҳид ошиқга қилур таъна,
Бир ўқ билан зоҳидни андин йўқотай дерман.*⁵⁹

Ҳофиз бир ғазалида ҳеч нарса абадий эмаслиги, умрини яшаб ўтиши, вақт ғанимат эканлиги, шунинг учун беш кунлик дунёда бахтиёр яшаб қолиш лозимлигини таъкидлайди:

*Қадаҳ ба шарти адаб гир, з-он ки таркибаиш
Зи косаи сари Жашмеду Баҳман аст Қубод.
Ки огаҳ аст, ки Ковусу Кай кужо рафтанд?
Кй воқиф аст, ки чун рафт тахти Жам барбод?*
(Д.1971. 73)

Таржимаси:

*Қадаҳни тутғил адаб шартларига риоя қилиб,
Бу коса таркиби Жамшиду Баҳром ила Қубод.*

*Қаёнга Жамииду Кай кетдилар – биров билмас,
Қим англагай, не учун бўлди тахти Жам*

барбод?

(Т.1958. 67. Хуршид)

Машраб ижодий мероси орасида бу ғазалга
ҳамоҳанглари оз эмас:

*Жаҳоннинг ҳеч вафоси йўқ, қани Кайхисраву Доро,
Қани Жамииду Искандар, қани Рустам, қани*

Сухроб.⁶⁰

Машрабнинг “кўрдим” радифли ва бошқа бир қатор
ғазаларида ҳам Ҳофиз таъсири кўзга ташланади.

Ўзбек тили билан бир қаторда форс-тожик тилида
қатор ғазаллар яратган хоразмлик Роқим (1742 – XIX
асрнинг бошлари) Ҳофизни ўзига пир ҳисоблади. Унинг
шеърийат бобидаги маҳорати сирларини ўрганиб боришга
тиришди. Даврининг кўзга кўринган шоирларидан бири
бўлиб етишган Роқим ғазалиёти шуҳрат қозонди. Шоир
бундан фахрланиб “Роқим” радифли ғазалида:

*Бўлиб маъмур амри, бир ғазални
Муҳаммас айладинг шаҳбоз, Роқим.
Писанд этгай эдим бўлса жаҳонда
Сўзингни Ҳофизи Шероз, Роқим.⁶¹*

дейди. Роқим ҳам Ҳофиз сингари дунё сирларига етиш
қийинлигини, шу боис, вақтни беҳуда ўтказмасдан умрни
шоду хуррамлик билан кечириш лозимлигини
таъкидлайди:

*Бўлиб озодалар дилхўн қаро тупроқдадир мадфун,
Қани Ширин билан Лайли, қани Фарҳод ила*

Мажнун.

*Қани Дорову Искандар, қани Мусо, қани Қорун,
Қани Хотам, қани Қонун, қани Жамшиду*

Афридун.⁶²

Роқим “Менга бу дунё жаннати, гўзал ёр нақд турганда, зоҳиднинг нариги дунё ҳақидаги эртақларига учайинми?” деган Ҳофиз каби узлатга чекиниши, бу дунё лаззатларига нафрат билан қарашни тарғиб этувчи, амалда эса ўзлари шунақа нарсаларга муккасидан кетган шайх-зоҳидларни қаттиқ қоралайди, улар устидан кулади.

Роқимнинг Ҳофиз ғазалларига мавзуи, қофия ва радифи яқин, образ ва бадий тасвир воситалари ўхшаш шеърлари талай. Бу ўзбек шоирининг улуғ форс-тожик мумтоз шоири ижоди сарчашмасидан баҳраманд бўлганлиги, ундан ўрганганлигини кўрсатади. Унинг ҳамюрти Мунис эса ўзга устозлари қатори Ҳофиз шеърятининг ўзига кўрсатган таъсирини бир ғазалида алоҳида таъкидлаб:

*Ҳофиз Шероз лутфидин тараққийлар топиб,
Жилвагоҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манга.⁶³*

деган, Гулханий “Зарбулмасал”ида Ҳофиз ғазалидан бир мисрани асар қаҳрамони тилидан келтиради: “Кўрқуш айди: “Хайр ишига истихора ҳожат эмас”, нечукким, Хожа Ҳофиз Шерозий айтибдурларки: “Дарқори хайр ҳожати ҳеч истихора нест”⁶⁴ (Яхши иш қилиш учун фол очиб ўтиришнинг ҳожати йўқ). Бу мисол бир томондан, ўзбек шоирлари ва адибларининг Ҳофизга қайта-қайта мурожаат қилганликларини кўрсатса, иккинчи томондан, шоир ғазаллари ўзбеклар ўртасида худди хайқ ҳикматлари каби машҳур эканлигидан, кишилар унинг айрим байтларини мақоллар каби ёддан айтишларидан далолат беради.

Хоразм, Қўқон, Тошкент ва Бухорода XVIII-XIX асрларда ўнлаб икки тилли баёзлар, мухаммасотлар тузилгани маълум. Улардан ўзбек шоирлари билан бир қаторда Ҳофиз, Хайём, Жомий, Бедил ғазал ва рубоийлари ҳам ўрин олган. Кўп ўзбек шоирлари Ҳофизга мухаммас боғлаганлар. Тахмисчилик XIX асрда татаббуънинг асосий формасига айланган.

Шу тариқа, Ҳофиз ғазаллари, улардан олинган байтлар, мисралар ўзбек адибларининг ҳикоят ва қиссалари, афсона, дostonлари, ишқномалари, тарихий китоблар орқали ва таржима бўлган кўпгина насрий асарлар воситасида ҳам Ўрта Осиёда тарқалган. Чунончи, “Маҳфилоро”, “Ҳафт қишвар”, “Минг бир кеча”, “Бадоеъ ул-вақоеъ”, “Чор дарвиш” таржималари ичида Ҳофиздан анча намуналар бор.

“Хоҳ Ўрта Осиёда, хоҳ Эронда, хоҳ Ҳиндистонда бўлсин, бирер шоир улуғ Шарқ классиклари Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий ва бошқа машҳур сўз усталарининг мактабини ўтамай туриб, поэзия майдонига чиқмаган”⁶⁵ – деб ёзади филология фанлари доктори А.Қаюмов XIX асрдаги Қўқон адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларида бири шоир Ғозий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги сўзбошисида ва уни ҳам ана шу улуғ сўз усталаридан кўп нарса ўрганган ижодкорлар жумласига қўшади.

Ҳофиз ижодига таяниш, ундан мадад, руҳ олиб, қалам тебратиш ўзбек шоирлари учун анъана тусига кирган эди. Буни адабиётшунос Т.Жалолов ҳам алоҳида таъкидлайди. У шоира Бону ижоди хусусида фикр юритганда: “Бону ўз шеърини истеъдодига ота-боболар мероси деб қарайди. Қўлига қалам олиб, шеър ёзаркан, у ўзбек ва форс-тожик классик шоирлари Хожа Ҳофиз, Алишер Навоий, Шамси Табризий ва Ҳувайдоларни

ёдлаб, улардан мадад тилайди”,⁶⁶ – деган гапни айтади. Шоиранинг ўзи “Мерос дедим боболардан” сарлавҳали газалида Ҳофиз номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга толади:

*Илоҳи хурмати ул Ҳожа Ҳофиз,
Менам бўлсам рубоий ичра маҳфуз.
Илоҳи хурмати Амир Алишер,
Ба ҳаққи Сўфи Оллоёрдек эр.⁶⁷*

Ўзбек тили билан бир қаторда форс-тожик тилида ҳам яхши газаллар яратган Комил, Фурқат, Писандий, Юсуф Сарёмий каби шоирлар ҳам Ҳофизга ихлос-эътибор билан қарадилар, улар учун форс классигининг ижодиёти маҳорат мактаби ролини ўйнади. Услуби, шеърий завқи намуна бўлди. Ҳофиз газалиёти, айниқса, маърифатпарвар шоир Фурқат ижодига катта таъсир кўрсатди. Филология фанлари доктори Холид Расул шоирнинг “Танланган асарлари”га ёзган сўз бошида ана шу хусусида тўхталиб: “У (Фурқат – М.А.) шарқ адабиётининг улуғ сиймолари ижодини, хусусан, форс-тожик ва озарбайжон адабиёти классиклари Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Фузулий ва бошқаларнинг асарларини тинмай ўрганди”,⁶⁸ – дейди. Фурқатнинг ўзи эса “Фурқатнома”сида бу ҳақда “...Бу арода вақтим кемаси ҳаётим юзидан саккиз рақамни чекти, зеҳним тайри “Мантиқ ут-тайр” китобига нотик бўлди. Олти ой полу бар уриб, қушлар ҳикоятини хотима ошёнасига қўндурдим ва Шамсиддин Муҳаммадким, Шероз гулшанининг андалиби хушилҳонидур, Ҳофиз тахаллус девонлари мутолаасидан кул ҳазлар толдим”,⁶⁹ – дейди.

Фурқат ҳам Ҳофиз қаламга олган мавзуларга қайга-қайта мурожаат этиб, туркий тилда у каби гузал газаллар

яратишна ҳаракат қилди. Фурқат устози сингари ўз замонасининг адолатсизлигини қаттиқ қоралади, меҳнаткаш халқнинг хор-зорликда, муҳтожликда, текинхўрлар, нокасларнинг эса роҳат-фароғатда, тўқликда яшаётганлигини алам билан ёзди. Шоирнинг “Кўрдум” радифли ғазали мазмунан ва шаклан устозининг “мебинам” радифли ғазалига ҳамоҳангдир. Агар Ҳофиз:

*Аблаҳонро ҳама шарбат зи гулобу қанд аст,
Қути доно ҳама аз хуни жигар мебинам.
Асти този шуда мажруҳ ба зери полон,
Тавқи заррин ҳама дар гандани хар мебинам.*

(Д.1971. 113)

деса, Фурқат ўз ўхшатмасида устози фикрини давом эттириб, тўлдириб:

*Жаҳоннинг кулфатида булбул ўрнига, афсус,
Либоси бахалу кимхоб ҳангийи хар кўрдим.
Малоҳат аҳликим, ҳар доим гадоӣи лутф эди,
Аларни охирул амр гадоӣи дар кўрдим,⁷⁰*

сингари мисраларни битади. Фурқат ҳам Ҳофиз қўллаган баҳрларда ажойиб ғазаллар ёзди. У Ҳофизнинг ўзига кўрсатган улкан таъсирини миннагдорчилик билан тилга олади, унга чексиз ҳурмат-эҳтиромини билдиради. Жумладан, у “Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида” шеърида бошқа устодлари қатори Ҳофиз номини алоҳида илиқлик, эҳтиром билан тилга олади:

*Чунончи, мусулмония шоирлари,
Ки шеър илмига моҳирлари*

*Эди Ҳофизу Саъдий, Фирдавсий ҳам
Учов оти даҳр ичра бўлгон алам.⁷¹*

Фурқат ўзидан олдин ўтган забардаст шоирлар орасида “даҳр ичра бўлган учов” деб Ҳофизни биринчи ўринда тилда олади. Бу ўзбек шоирининг ана шу улкан истеъдод эгасига бўлган катта меҳр-муҳаббати ифодасидир.

Айрим қалам соҳиблари Ҳофиз ёзган мавзуларда ғазаллар битгаълар, улар ижодий меросининг муҳим қисмини ана шундай муҳаммас ва татаббуълар ташкил этади. Шоирлар Юсуф Сарёсий, Писандийлар Ҳофиз ижоди чашмасидан баҳраманд бўлган қалам аҳлларидан. Улар ижодий имкониятларини синаб кўриш мақсадида Ҳофиз ғазаллари мавзуларида шеърлар битишган, у билан ижодий мусобақага киришишни ўзлари учун шараф деб билишган. Масалан, Юсуф Сарёмий бир мухаммасида Ҳофизга мурожаат қилиб, шеър айтишда унга тенг келиш қийинлиги, бу борада устози танҳолигини таъкидлайди:

*Губори хоки дарат сурмаи басар, Ҳофиз,
Ки бастаам ба гуломии ту камар, Ҳофиз,
Ба Юсуфи зи қарам соз як назар, Ҳофиз,
Ҳасад чи мебарӣ, эй сустназм, бар Ҳофиз,
Қабули хотиру лутфи суҳан худодод аст.⁷²*

(Эй Ҳофиз, эшигинг тунроғи кўзларим сурмасидир. Сенинг қулинг бўлмоқ ниятида камар боғладим, Эй Ҳофиз, Юсуфийга ҳам бир қарам-назар қилсанг буларди, Эй сустназм, сенга Ҳофизга ҳасад қилмоққа йўл бўлсин, у суҳан бобида яққаю ягона бўлса), – дейди.

• XIX асрда ўзбек адабиётини ривожлантиришга

баракали ҳисса қўшган, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар битган Махмур ҳам Ҳофиз Шерозий ижодига ихлос билан қаради. У форс-тожик шоири каби бой ва амалдорлар, текинхўрларнинг роҳат-фароғатга, тўкинликда яшаётганлиги, меҳнаткашлар ва илм аҳллариининг хор-зорликка, йўқчиликка маҳкум этилганлигини алам билан тасвирлайди. “Чархи кажрафтор” ишларидан нолийди. Агар Ҳофиз шайх ва зоҳидлар, муҳтасиб ва сўфийларнинг қилмишларини умумий тарзда танқид қилса, Махмур бой ва қозилар, хон амалдорлари, жамиятдаги бошқа текинхўрларни номманом санаб, уларни қаттиқ ҳажв остига олди. Масалан, қози Муҳаммадражаб, қози Муҳаммадҳузур, домулло Атои Аштий, Қўқон хони Олимхон ва бошқалар ҳукмрон сиёфнинг типик вақилларидан бўлиб, Махмур уларни ҳажв қилиб, шеърлар ёзган.

Махмур ўзининг ўзбек ва тожик тилларида яратилган ғазалларида Ҳофиз образ ва мавзуларидан, унинг шеърлари формасидан, шеърини санъатларидан имжодий фойдаланибгина қолмай, устозининг машҳур “Агар он турки шерози...” деб бошланувчи машҳур ғазалига форсча-тожикча мухаммас ҳам боғлади. У Махмурнинг лирик ғазаллар яратишда ҳам моҳирлигидан далолат беради. Мухаммас бадийий етук ва жонлилиги, самимий ва музикийлиги, ҳофизона завқи билан шеърхон қалбига етиб боради. Махмур устози ғазали формасидан фойдаланиб, дастлабки байтлариданоқ ёрини таъриф-тавсифлайди, муболаға ва ташбеҳлар воситасида унинг ҳуснда тенгсизлигини очиб беради:

*Биё, эй нўши доруи лаби лаълат мудоворо,
Ба жонбахши дихад таълими анфоси масиҳоро,
Ба фарқи бандаги сазам кулаҳ шахбоби анқоро,*

*“Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду*

Бухороро”.⁷³

Шоир соқийга мурожаат этиб, май ичиш, хурсандчилик қилиш даврини қўлдан бермаслик, ҳаёт лаззатлари, неъматларининг қадрига етиш лозимлигини таъкидлайди. У ҳам салафи каби майни ҳаётдўстлик тимсоли сифатида билади. Уни оби ҳавзи кавсардан; ёрни эса жаннат ҳурларидан устун қўяди. Махмур тахмисчилик анъаналарига кўра, ўзининг ҳар уч мисраси охирига Ҳофизнинг бир байтини тиркаб, мухаммас яратган. Буни моҳирлик билан қилгани учун Ҳофиз байтлари Махмур мисраларига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган:

*Фуруғи ораш аз партави анвор мустағнист,
Муқими Фирдавс аз гулзор мустағнист,
Рухаш з-оройиши машиотай дидор мустағнист,
“Зи ишқи нотамоми мо жамоли ёр мустағнист,
Ба обу рангу холу хат чи ҳожат рӯи зеборо”*.⁷⁴

Анъанага кўра, тахмисчи шоир тазмин қилинадиган байтнинг биринчи мисрасидаги охирги сўзни радиф сифатида қўллайди. Махмур ҳам шу анъанадан келиб чиқиб, охирги бешликда Ҳофиз газали мақтаъидаги “Ғазал гуфти-ю дур суфти, биёву хуш бихон, Ҳофиз” мисрасидаги “Ҳофиз” тахаллусини радиф сифатида қўллаб, улуғ устозининг шеър бобидаги маҳоратига таҳсинлар ўқийди.

Ҳофизнинг ҳаётни севиш, унинг неъматларини қадрлашга чорловчи ғазаллари умри хор-зорликда, муҳтожликда ўтган Махмурга руҳий қувват бахш этганлиги, уни ғам-андуҳга, мискин хаёлларга берилмасликка ундаганлиги шубҳасиз. Шунинг учун ҳам

шоир ғазалларида замон адолатсизликларидан норозилик билан бир қаторда ҳаёт, баҳор, май, ёр қадрига етишга даъват этувчи байтлар ҳам сероб.

Ҳофиз таъсири Махмурнинг ўзбекча ва айниқса, форс-тожик тилидаги ғазалларида кўпроқ намоён бўлгандир. У ҳам ўз даври ижодкорлари каби айрим ғазалларини ширу шакарда (ўзбекча-тожикча сўзларни аралаштириб ва байтларнинг бир мисрасини ўзбекча, бир мисрасини тожикча қилиб) ёздиким, бунга ҳам форс-тожик адабиёти, жумладан, Ҳофиз Шерозий ижоди таъсирининг ўзига хос кўриниши сифатида қараш керак.

Умуман, машҳур форс-тожик ва ўзбек шоирлари шеърларига мухаммас боғлаш XIX асрга келиб, янада кенг қулоч ёйди. Ширу шакар ғазал ва шеърлар ёзиш анъанага айланди. Ижодкорлар улуғ устозлари ғазаллари формасидан фойдаланиб, ўз замонлари адолатсизликларини, чиркин томонларини дадиллик билан очиб ташладилар. Масалан, Муқимий, Фурқат ва Завқий каби шоирлар билан бир давр ва бир ерда яшаган шоир Писандий ҳам Ҳофиз Шерозийнинг машҳур “Мебинам” радифли ғазалига мухаммас боғлади. У устозни каби фалақдан шикоят қилади. Бу шикоят уни танқид қилиш ва ўзгартиришни истаи даражасига етди:

*Нест суде ба жаҳон кони зарар мебинам,
Фоли иқболи занам наҳсу хатар мебинам,
Аз фалак бо реши гам шому саҳар мебинам
“Ин чи шўрест, ки дар даври қамар мебинам,
Ҳама офоқ пур аз фитнаву шар мебинам!”¹⁷⁵*

(Дуиёда фойда эмас, кони зарар кўраман, иқбол учун фол очсам, наҳсу хагар кўраман, Фалақдан эргаю кеч ғам ёққанин кўраман, Бу қандай шўрипки, бу даврда мен кўраяшман.)

Писандий мухаммаси Ҳофиз ғазали давомидай таассурот қолдиради. У адолатсиз қурилган замоннинг янги-янги нуқсонларини очиб беради. Доно ва ҳурмат-иззатга лойиқ кишиларнинг бир парча нонга зорлигини, разил ва муттаҳамлар, текинхўрларнинг айш-ишратда яшаётганлигини қоралайди. Писандий ҳам тахмисчилик анъналарига кўра ҳар бешликни Ҳофиз байтлари билан тугатади.

ҲОФИЗ ЖОМИДА ҲАМЗА МАЪНО МАЙИ

Ижодининг дастлабки даврларида Ниҳон таҳаллуси билан ғазаллар битган оташнафас шоир. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Ҳофиз даҳосидан бенасиб қолмади. “Девони Ниҳон”даги ўзбекча ва форсча-тожикча ғазаллар Ҳамзанинг ўзбек тилидаги шеърларида кўпроқ Фузулийга, форс-тожик тилидаги назм намуналарида эса Ҳофизга эргашганлигини кўрсатади. Ҳамза ўзбек тилидаги ғазалларида Ҳофиз қўллаган образ ва ташбеҳлардан ижодий фойдаланди. У илгари сурган гуманистик фикрларни ўз давридан келиб чиққан ҳолда ривожлантирди. Ҳофиз шеърининг формасидан фойдаланиб, замона адолатсизликларини қескин танқид қилди. Ҳамза Ҳофиз ғазалларига назираларини у қўллаган вазнларда ёзди.

Ҳамзанинг Ҳофиз таъсирида яратган ғазалари унинг изланиш даврини бошидан кечираётганлигини кўрсатади. “Девони Ниҳон”даги 10 та ғазал ва 1 та рубоий форс-тожик тилида битилгандир.⁷⁶

Уларнинг аксари Ҳофиз Шерозийга эргшиб ёзилган. Ҳофизнинг:

*Агар он тур/ки шерози/ба даст орад/дилги моро,
Ба холи ҳин/дуяш бахшам/Самарқанду/*

*Бухороро
(Д.1971. 25)*

матлаъли машхур ғазалига Ҳамза иккита татаббуъ битган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Ҳофиз ғазали каби ҳазаж баҳрида (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун)дир.

Биринчи ғазал матлаъи:

*Биё соқи, /бидеҳ аз май/бар ин Мажнуни шайдоро,
Ки аз худ бе/хабар гардад/надонад рӯ/зи*

фардоро.
(22)

Иккинчи ғазал матлаъи:

Дило, гофил/машав ҳаргиз/нигар гарду/ни

дунёро,

Шумор имрӯ/зиро фурсат/махӯр анду/ҳи

фардоро.
(23)

Шуниси диққатга сазоворки, Ҳофиз бир байтда дилбарнинг зеболиги ҳақида фикр юритса, ўзгасида илм-ҳикмат билан жаҳон сирларига етиб бўлмаслиги, шунинг учун вақтни фанимат билиб, дунёнинг қадрига етиб, умрни беҳуда ўтказмасликка чақиради.

Гарчи Ҳамза татаббуълари вазни ва оҳанги, радифи ҳамда қофияланиши билан Ҳофиз ғазалларини эслатиб турса-да, мазмунан фарқ қилади. Ҳофиз шеърлари формасидан-либосидан фойдаланиб, дунёнинг адолатсиз қурилганлиги, яхшиларнинг хор-зорликда, муҳтожликда яшаётганлиги, нокас ва пастларнинг роҳат-фароғатда, тўкинликда кун кечираётганлигини танқид қилади. Ҳофиз ғазали 9 байтли бўлса, Ҳамзанинг “Биё, соқи...” деб бошланувчи татаббуъси 6, “Дило, гофил машав ҳаргиз...” деб бошланувчи иккинчи татаббуъси эса 7

байтлидир. Ҳамза татаббуъларида, асосан, дунёнинг адолатсиз қурилганлиги танқид-қидинган, яъни бир мавзуга бағишланган. Фикримизнинг исботи сифатида уларнинг бири билан танишайлик:

*Биё, соқи, бидеҳ аз май бар ин Мажнуни шайдоро,
Ки аз худ беҳабар гардад, надонад рӯзи фардоро.
Зи дасти ишқ ӯ аз коми дунё доман афсурдам,
Баҳуд хилватсаро созам дар ин дам кӯҳу саҳроро.
Надидам як дили беғам, нафас ҳарғиз наосудам,
Надонистам чи бошад оқибат ин кори дунёро.
Каси ӯ нотагон шуд зи дасти ин ажсал охир,
Ки дар зери лаҳад созад гадову шоҳи симоро.
Ҳамам оҳу фиғон бо булбули шӯрида меояд,
Зимистон фасли худ дорад чи донад қадрӣ*

раъноро.

*Нихон аз худ хабар ори, надори чашими дил бикишо,
Бубин, оё чи ҳосил мекунад таҳсили уқборо.*

(11)

Ғазалнинг дастлабки мисрасида шоир соқийга мурожаат этиб, май сӯрайди. Маст бўлиб, эртанги куни қандай кечишини билмасликни истайди. Иккинчи байтда ишқ хусусида фикр юритилади. Аммо унда ҳам дунёнинг адолатсиз қурилганлигига ишора бор. Чорасиз ишқ дастидан ва амалга ошмаган орзулари билан ўртанган шоир ўзини хилватга тортиш ниятидалигини изҳор этади.

Кейинги байтларда “чарҳи кажрафтор” ишларидан нолиш кучаяди. Дили ғам-ғуссадан фориф бирор одамни кўрмай туриб, эркин нафас ололаманми, бу дунёнинг ишлари шу зайлда кетаверса, билмадим, оқибати нима билан тугар экан. Бу барча оҳу-фиғонлар булбуллардан келяпти, ҳозир қиш фасли бўлса, у раънолар қадрини қаердан билсин, деб шикоят қилади шоир.

Маълумки, Ҳофиз шеърятти турли давр ва жойларда яшаб, ижод этган, услуби турлича бўлган шоирларга турлича таъсир кўрсатган. Ҳамза учун Ҳофиз шеърятти формаси замонни қоралаш учун восита бўлди. Шоир нега энди ўз даврини танқид қилиш учун айнан шу форс-тожик шоири ғазаллари формасидан фойдаланди, деган савол туғилади.

Аввало, Ҳофиз шеърятти ва шахси бу даврда шундай юксакликка кўтарилган эдики, унга на руҳонийлар, на бой-амалдорлар дахл ва ҳужум қила олар эдилар. Ҳофизга ўхшатма ёзиб, унинг мададига таяниб, дунё адолатсизликларини бемалол танқид қила олиш мумкин эди. Ҳамза шундай йўл тутди. Бунинг устига, Ҳофиз ғазалиёти ўзининг форма ва мазмуни, мутаносиблиги, мукамаллиги билан катта шуҳрат қозонган, у Ҳамза каби ижод майдонига энди кириб келаётган шоир учун намуна бўлиши турган гап эди.

Тўғри, Ҳамзанинг Ҳофиз ғазалларига ёзган татаббуъларининг ҳаммасида ҳам замона адолатсизликлари танқид қилинаверган эмас. Шоирнинг “Дар шаби торики ман, он моҳи тобонам кужо”, “Он пари абрукамон оҳуйи чашмаш масти хоб”, “Биё-биё, ки ситамкор намонд тоқати тоб” мисралари билан бошланувчи татаббуълари ишқ темасида. Уларда ёрнинг ўз дардида ёнган ошиқи ҳолига раҳм этмай, ағёрга илтифотидан шикоят оҳанглари кучли. Дилдорнинг ҳусни-жамолининг беқийёслиги анъанавий образлар воситасида очиб берилади:

*Он пари абрукамон оҳуйи чашмаш масти хоб,
Ҳеч парвое надорад бар мани мискин хароб.*

(15)

Шуниси диққатга сазоворки, шоир Ҳофизнинг “Агар он турки шерози...” деб бошланувчи ғазалига бир ҳазил

Ўшшатма ҳам ёзиб, бир мактубга қўшиб, тожик тилида чиқадиган газеталардан бирига юборган эди. Бу ўшшатма ишқ мавзусида бўлиб, у “Девони Ниҳон”да йўқ. Ҳазал Олимжон Бўриев таржимасида ўзбекча шундай жаранглайди:

*Паёнай журъа тутгил соқиё, бу масту шайдога,
Ки дил қони чаман этсин қадам қўйганда ҳар*

жога,

*Магар бу тунги фурқатдан баса диллар асар олгай,
Ки саҳбо бўса тутмоқда ниқоби банди зебога.
На бўлгай бунча бадбахтлик, сабрсизлик ва*

навмидлик,

*Кесилса ток шоҳи бергай самар боғбони донога.
Табиат нозидан ўзга таманнойи гули сунбул,
Муҳаббат қўймаган боғбон етарми қадри раънога.
Агарчи ҳар беҳишти жовидон жовидлиги йўқдир,
Сияҳдил лола тўлмишидир нишоти файзи саҳрога.
Тариқи ишқ жавр ўлгай, эй бедил, чекмагил*

озор,

Табассум кўз ёши зийнат қора кўзлари

шаҳлога.

*Агар кўнгулни олса ёшури уzbekча жононлар,
Икки холини алмашигум Самарқанду Бухорога.⁷⁷*

Ҳамзанинг бу татаббуъсида ёр ишқида ўртанган ошиқ ҳдлати турли кўринишларда тасвирланади, аслий ва анъанавий ташбеҳлар воситасида очиб берилади. Ошиқ ва ошиқликнинг эҳгиромга лойиқлиги, маҳбуб қалби кўкси доғли лола “нишоти файз”га тўлган каби эзгулик нури билан йўғрилганлигини васф этади. Устози ўз ғазалини кўнгилни олган ёр холига Самарқанд ва Бухорони бахш этиш ҳақидаги байт билан бошлаган бўлса, Ҳам ўз ўшшатмасини шундай мазмундаги қўшмисра билан тугаллагандир.

Ҳамза ўз панд-насиҳатларини Ҳофиз образларидан
ижодий фойдаланган ҳолда ёрқин ифодалайди:

*Макун асрори худ зоҳир ба назди ҳар касу нокас,
Ки шуди гунчаҳо орад хазони барги зеборо.*

Ўз сирингни ҳар қандай паст-нокасларнинг олдида
очмагилки, бундай қилиш, ўзини тута олмай, очилиб
кетиб, зебо барглари хазон бўлган гунча ҳолини бошингга
солмасин.)

Ҳофиз бир ғазалида ўз ишқининг нақадар зўр ва
сўнмаслигини оташин мисраларда:

*Ўлгач, очиб мозорим, боқгил ўлук танимга
Бағрим ёниб, кафандан кўкка чиқар тутунлар.*

(Т.1958. 119)

тарзида ифодалаган бўлса, Ҳамза унга эргашиб ёзган
бошқа бир ғазалида:

*Аз шарори оташин ишқам жигарҳо сўхта,
Мебарояд аз димоғам ҳар нафас бўйи кабоб.*

(15)

(Ишқ оташидан жигарлар куйган, шунинг учун ҳар
лаҳзада димоғимдан кабоб ҳиди келади) дейди.

Ҳамза ҳам Ҳофиз каби кишиларга панд-насиҳатлар
ўқиб, ўзлари турли қабиҳликлардан қайтмайдиган дин
пешволари: шайх, зоҳид, муфти, муҳтасиблар устидан
аччиқ кулади. Бундай кишиларга қарата:

*Зухду тақво айлагум деб бўлмагил шайтон сифат,
Асли тоат истар эрсанг соқини майхона бўл.*

(20)

деб майхонани масжиддан, соқийни зоҳиддан, далбарни хурдан, нақд ҳаётни насиядан устун қўяди ва “Бил фанимат, олғи кунлик даври даврондир ҳаёт”, бунда ўйнаб-кулиб қол, деган фикрни олға суради.

Ҳофиз ўзининг “кужо” радифли газалида:

Салоҳи кор кужову мани хароб кужо,

Бубин, тафовути роҳ, аз кужост то ба кужо?

(26.ўз.)

(Аёнда ўнгламоқ ишни ва мен хароб қаён. Бу йўл қаёнда-ю, мен қайдаман, жавоб қаён) деса, Ҳамза:

Дар шаби торики ман он моҳи тобонам кужо,

Ту кужову дил кужо бо жони жононам кужо.

(10)

(Мен қоронғи тун қўйнидаман, у нур сочувчи моҳи тобоним қайда, мен қайман, дил қайда-ю, ороми жоним қайда) деб, замонасининг жаҳолатга ёр эканлигидан зорланади.

Шуниси диққатга сазоворки, Ҳофиз газалида фикр кўпроқ ёрнинг таъриф-тавсифига, унинг маккорлиги ва вафосизлигига қаратилган. Шоир тарки дунё қилишни ташлаб, ёр ва май истаб отланган ошиқ ҳолатини тасвирлайди. Жафокор дилдор қилмишларидан нолийди:

Мабин ба себи занахдон, ки чоҳ дар роҳ аст,

Кужо ҳамерави, эй дил, бад-ин шитоб кужо?

Қарору хоб зи Ҳофиз тамаъ мадор, эй дўст,

Қарор чист, сабури кадому хоб кужо.

(Д.1971. 32)

Ниҳоний жавобиясида эса, ёрдан, унинг қилмишларидан нолинса ҳам дунёнинг адолатсиз қурилганлиги, бундай даврда толенинг ошиқларга кулиб боқмаслигига урғу берилади. Ниҳоний татаббуъсида даврдан шикоят оҳанглар баралла янграйди:

*Кай шавад хушнуд як дил дар ин мотамсаро,
Ин кужову он кужо, лабрез хандонам кужо?*

(21)

*Дар гами бечораги дар жанг дандонам ба санг,
Орзуи дил кужову айши давронам кужо?*

(21)

Хуллас, Ҳофиз шеъриятини пухта ўрганиш, унинг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, ривожлантириш бошқа омиллар қатори Ҳамза ижодининг шаклланиши ва камол топишида муҳим роль ўйнади.

ҲАМ ТАРЖИМА, ҲАМ НАЗИРА

Ҳофиз ғазалларида ўз қарашларини киноя, истеҳзо шевалари билан баён этади. Бу бир тарафдан, шоир фикр-қуввати таъсирчанлиги, эмоционаллигини оширса, иккинчи тарафдан, унинг мақсад-ўйини қийинлаштиради. Шунга қарамай, Ҳофизнинг ўз фикрини ошиқона руҳда ва юксақ завқ билан баён этиши шеърият муҳиблари қалбини забт этиб келмоқда. XX асрнинг 20-йилларида ижод қилган ўзбек шоирлари ҳам Ҳофиз шеъриятининг ҳаётбахш лаззатидан баҳраманд бўлдилар. Жумладан, шоирга катта ҳурмат билан қараган Абдулла Авлоний (1878-1934) унинг бир қанча ғазалларини таржима этди, Ҳофизга назиралар боғлади.

Шуниси диққатга сазоворки, Авлоний ағдармалари у билан деярли бир вақтда Ҳофиз ғазалларидан бир нечтасини татар тилига ағдарган Муҳаммад Саид Аҳмад Жалил таржималаридан маъноларнинг тўғри берилиши ва шаклан пухта-пишиқлиги билан ажралиб туради.

Авлоний Ҳофиз Шерозийнинг “Юсуфи гумгашта боз ояд ба Канъон, ғам махўр” мисраси билан бошланувчи ғазалини, асосан, таржима қилиб, унинг маънасинигина ўзгартирган. У Ҳофиз исми қўшилган байт ўрнига ўз тахаллуси қўйилган қўш мисрани тиркайди. Авлонийнинг исботи учун Ҳофиз ғазали ва Авлоний назирасининг дастлабки уч байтини кўздан кечирайлик:

Ҳофиз:

*Юсуфи гумгашта боз ояд ба Канъон, ғам махўр,
Кулбаи эҳзон шавад рўзе гулистон, ғам махўр.*

Авлоний:

*Ғойиб ўлган Юсуфинг келгуси Канъон, чекма ғам,
Қайғулик уй бўлгуси бир кун гулистон, чекма ғам.*

Ҳофиз:

*Эй дилг ғамдидада, ҳолат беҳ шавад, дил бад
макун,
В-ин сари шўрида боз ояд ба сомон, ғам махўр.*

Авлоний:

*Эй дило, қайғу чекан, хушҳол ўлурсан, урма ох,
Келгуси қайтиб қошинга ул йўқотган, чекма ғам.*

Ҳофиз:

*Даври гардун гар ду рўзе бар муродӣ мо нарафт,
Доиман яксон набошад ҳоли даврон, ғам махўр.⁷⁸*

Авлоний:

*Бир-икки кунда муродингга фалак айланмаса,
Доимо бир йўл била кетмас бу даврон, чекма гим.⁷⁹*

Кейинги байтлар ҳам (икки байт бундан мустасно), асосан, Хожа Ҳофиз ғазалининг ўзбекча ағдармаларидир. Шу боисдан ҳам Ҳижрон (Авлоний – М.А.) уни таржима эмас, назира деб атаган. Авлоний Ҳофизнинг “Дони, ки чангу уд чи тақрир мекунанд?” мисралари билан бошланувчи ғазалини ҳам ўзбекчалаштирганди.⁸⁰ Ҳофизий кўп мутолаа қилиш, уни ғазалларини таржима этиш Абдулла Авлоний ижодига катта таъсир кўрсатди. У ҳам улуғ шоир каби равонлик ва мазмунаъ теранликка интилди, етук ғазаллар яратишга муваффақ бўлди.

Маълум бўладики, Ҳофиз Шерозий ижоди ундан кейин ўтган форс-тожик шоирларига ҳам, туркий тилда ёзган қалам.аҳлига ҳам баракали таъсир этди, маҳорат мактаби бўлди. Унинг асарлари асл нусхада (девон шаклида, баёз ва бошқа мажмуалар ичида) Ўзбекистон территориясига кенг тарқалди. Ўзбек зиёлилари уни аслида ўқиб завқланар, шоирнинг буюк ғояларини эл орасига ёяр, шарҳлар-тушунтиришлар олиб борар эдилар. Демак, ўзбек шеърлятида Ҳофиз таъсири икки тиллилик (зуллисонанлик) анъанаси, татаббуъ-жавобиялар, мухаммаслар, шарҳ-тафсирлар ёзиш, унинг шеърларини таржима қилиш орқали намоён бўлди.

Шунингдек, кўпгина шоирларнинг тожикча ва ўзбекча ғазалларида ҳам ҳофизона услубни, образлар, шеърый санъат ва усулларни кўрамиз.

Умуман, Ҳофиз ижоди таъсири эволюциясини адабиётлар равнақи, янгича йўналиш ва кўринишлари, таъсир турига қараб шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

1. Навоийгача бўлган давр;
2. Навоий даври;
3. Навоийдан кейинги давр.

Ҳа, ижодкорлар ҳар бир даврнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ғоявий курашларда Ҳофиз шеърляти формаларидан, унинг образларидан фойдаланиб, жавоб бердилар. Улар ижодида Ҳофиз шеърлятининг у ёки бу қирраси кўпроқ намоён бўлди.

ҲОФИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ МАЙИ НОБИ

Ҳофиз ғазалиётига қизиқиш, ундан ўрганишга интилиш, XX аср бошларида янада кучайди. Таниқли француз таржимони ва адабиётшуноси Анри Масе айтганидек, Ҳофиз ғазални шундай баландликка, такомилга кўтардики, унинг ғазаллари гўзал жонбахш муҳаббат қўшиғи каби бугунги жаҳонни ҳам ғулғулага солиб келмоқда.⁸¹ Ўзбек шоирлари, хусусан, кўпроқ мумтоз услубда қалам тебратган ва тебратаётган Айний, Хуршид, Собир Абдулла, Восит Саъдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Ш.Шомуҳамедов, Васфий, Жонибеклар шоир шеърлятидан катта маънавий озиқ олдилар, унинг ижодини маҳорат мактаби деб билдилар. Чустий ўзининг “этма” радибли ғазалида Ҳофизнинг ўзига улуг Навоийдан кам булмаган таъсири ҳақида тўхталиб:

*Ичибман Ҳофизи Жомий, Навоий мажлисида май,
Алоё, айноҳассоқий, бу ҳақда қилу қол этма, —*

дейди.

“Боқинома”сида улуг Ҳофизнинг таъсири хусусида яна тўхталади. У Навоийга мурожаат этиб:

*Сўзингда газал вазни авзони бор,
Хузурингда Саъди-ю Хоқони бор,
Улуғ Ҳофизу Лутфий, Жомий билан
Ширин сўзлашардинг қилиб анжуман.*⁸²

каби мисрларни битади.

Хуршид Ҳофиз ижодиётини қунт билан ўрганди. 1971 йилда Ҳофиз Шерозийнинг 650 йиллиги муносабати билан унинг ўнлаб ғазалларини ўзбекчалаштирди. Таниқли олимлар Холид Расул ва Маҳбуба Қодировалар Ҳофиз мактабидан таълим олган. Хуршиднинг “Танланган асарлар”га ёзилган сўзбошларида форс-тожик шоирининг ўзбек шоири ижодига кўрсатган баракали таъсири ҳақида тўхталиб: “Хуршид буюк ўзбек шоирлари Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат асарларини қунт билан ўргангани каби араб, форс-тожик ҳамда озарбайжон адабиётининг Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Фузулий каби улуғ шеърят намояндаларини ҳам чуқур ўрганишга киришади”, – деб битадилар.

Хуршид қаламига мансуб намуналарни кўздан кечирар эканмиз, унда ҳам Ҳофиз ғазалларида тез-тез учратиш мумкин бўлган гул, булбул, кўзагар, муҳтасиб, пири муғон, байтул эҳзон каби образ номларга дуч келамиз. Тўғри, булар бошқа шоирлар шеърларида ҳам учрайди. Аммо Хуршиднинг Ҳофизга катта ҳурмат билан қараганлиги, унинг кўнлаб ғазалларини суюб, ўзбекчага ағдарганлиги ўзбек шоири ўзининг салафидан ўрганганлигини, Ҳофиз ижодини таҳлил қилиш самара берганлигини билдиради. Хуршид кўлгина ғазалларининг ҳофизона жаранглаши, улар мазмун ва моҳиятига кўра форс-тожик шоирининг шеърларига яқинлиги шундан далолат беради. Масалан, ўтмишда кишилар бойлиги

маълум чегарага – нисбатга етгач, улардан ошиқча мол-дунё учун ҳам қўшимча солиқ олинган. Ҳофиз бу одатдан бошқа мақсадда усталик билан фойдаланганди:

*Нисоби ҳусн дар ҳадди камол аст,
Закотам деҳ, ки мискину фақирам.*

(Д.1971. 130)

Таржимаси:

*Чиройинг давлати етди нисобга,
Закотин менга бер, мен ҳақли инсон.*

(Т. 1958. 143. Чустий)

Хуршид бу фикрни бирмунча бошқачароқ тарзда ифодалайди:

*Тама ҳаром эса ҳам шиқ элига жоиздур,
Аларга ҳусн элидан орзуи хайру закот.*

Агар Ҳофиз “Юзингдек ёрқин ой осмонда ҳам йўқ, Қадингдек тик сарв ҳеч бир бўстонда йўқ. Лабинг жонбахш эрур райҳон орасида, бундаيين тириклик чашмаи ҳайвонда ҳам йўқ”,

(Т.1985. 85)

деса, Хуршид:

*Қоматингдек сарви маҳзун кўрмадим бўстон аро,
Учрамайдур гул юзингдек тоза гул ризвон аро,
Тишларингдек тоза дурни кўрмагандур бир садаф,
Лабларингдек лаъли шакаррез йўқтур кон аро.*

(281)

деб битади. У бошқа бир газалида Ҳофизнинг “Зоҳиднинг эртанги кун ҳақидаги нася гапидан нақд бу дунё афзал” деган фикрга яқин келади:

*Жаннат берадур зоҳид агар миннати бордур,
Миннатли гўзал боғи жаннатдин катак авло.*

(292)

Профессор А.Ҳайитметов шарқ шоирлари ижодига ана шундай яқинлик хусусида тўхталиб: “Адабиётда маълум бўлган, бошқалар томонидан куйланган ғоя ва мавзуларни куйлаш, улар томонидан қўлланган тасвирий восита ва образлардан фойдаланиш, адабий ҳаётда бутун ўрта аср давомида кўпгина шарқ мамлакатларида норматив бир ҳол ҳисобланган”,⁸³ – деган фикрни айтади.

Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода каби шоирлар ҳам Ҳофиз ижодига катта ҳурмат-эътибор билан қарашди. Фафур Фулом шоир асарларини асл нусхада ўқирди: С.Айний бу ҳақда тўхталиб: “Унинг (Ғ.Фуломнинг – М.А.) она тили ўзбекча бўлиб, турган жойда бирорта тожик билан учрашмагани ҳолда форс тилини ўрганиб, Фирдавсий, Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Бедилни ўрганди”,⁸⁴ дейди.

Шайхзода ҳам олим сифатида бошқа шоирлар билан бир қаторда Ҳофиз ижодини тадқиқ қилди, шоир ва таржимон сифатида у ёзган мавзуларда қалам тебратди, Ҳофизнинг айрим байтларини ўзбекчага ағдарди. Академик А.Қаюмов Шайхзоданинг олим сифатида амалга оширган ишлари хусусида тўхталиб: “Олимнинг (Шайхзоданинг – М.А.) Фирдавсий, Низомий, Руставели, Шайх Саъдий, Ҳофиз, Бедил Фузулий... ва бошқа классик шоирлар ижоди устида чуқур тадқиқотлар олиб боргани маълум”⁸⁵ – деб ёзади.

Мақсуд Шайхзода Ҳофизнинг “Агар он турки шерози...” деб бошланувчи машҳур ғазали мавзуида шеър ҳам ёзиб, унинг биринчи байтини тазмин қилган:

*Юзда ҳиндий холин кўрган ухлай олмас етти кун,
Минг бир кеча эртагидир кокилида ҳар туғун.*

*Унга манзур булар дея бир баҳона тўқидим,
Ва Ҳофизнинг газалидан машҳур байтни ўқидим:
“Дилимни сийласа шояд у Шероз шаҳри жонони,
Қора холига бергайман Самарқанду Бухорони”.*

Мақсуд Шайхзода бу шеърни яратишда классик образ ва тасвирий воситалардан фойдаланган, Ҳофиздан илҳом олган.

“Минг бир кеча”нинг арабчаси “Алифун лайло ва лайло” дир. “Лайл” – “тун” қора демакдир. Мумғоз шеърятда ёр зулфи – “лом” ҳарфига ўхша гилади. Иккита зулф, яъни икки “лом” ёнма-ёни турса, “лайл” – “тун”, “қора” сўзи келиб чиқади. Бир қанча “алиф” ва “лом”лар – тугунлардан эса минг кечалар вужудга келади. Демак, шоирлар бу ўхшатиш билан сочининг гажаклигига ҳам, қоп-қоралигига ҳам, ошиқ бошига турли мушкуллар солишига ҳам ишора қилишганки, М.Шайхзода бу ташбеҳдан ўринли фойдаланган.

Ҳофизнинг юқорида тилга олинган машҳур газалига бошқа ўзбек шоирлари ҳам жавобиялар ёзишган, уни эслаб ўтишган. Жумладан, Ҳофизга катта нхлос билан қараб, унинг бир қанча газалларини ўзбекчага муваффақиятли таржима қилган шоир Эркин Воҳидов юқоридаги газал мавзуйига бир неча бор мурожаат этган:

*Минг Самарқанд, Минг Бухоро,
Ҳадя этгум хол учун,
Лек нигоримда ҳавас йўқ,
Мулку давлат, мол учун.⁸⁶*

Эркин Воҳидов “Саккизинчи март” сарлавҳали шеърда Ҳофизнинг бу газалини яна бир карра ёдга олган:

*Минг йилча муқаддам Ҳофизини Шероз,
Бир гўзал холига бўлганда банда.
Тасаввур қилолмай, не дер эди у
Бу кун анжуманда ўзи бўлганда.
Балки айтар эди у у бир лойиқ сўз,
Балки ташбеҳлари бўлар эди фош,
Чунки кўзингизга тенг қайси юлдуз,
Юзингиз олдидан нимадир қўйиш.⁷⁸⁷*

Абдулла Орипов Ҳофизни энг улуғ шоирлардан бири ҳисоблайди. Ўз шеърларида унинг номини бир неча бор ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Масалан, “Булбулисан Ҳофиз гулшанин, Ва Хайёмнинг ширин асали, толеимда нозланиб турган, эй сен, менинг эрка гўзалим!”⁷⁸⁸ каби. Бу ерда Абдулла Орипов ўзбек шоирларининг газалида Самарқанд ва Бухорони тилга олган улуғ Ҳофизга нақадар кўп мурожаат қилишаётгани, ундан таъсирланиб, унга эргашиб, янги-янги шеърини намуналарини яратаётганликларини Шарқ анъанаси бўйича бўрттириб, муболаға қилиб айтмоқда. Фикр билдиришнинг бундай формаси ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиётида кўп учрайди. Масалан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”сидаги Алишер Навоийга бағишлаб ёзилган бир байти туркийча, бир байти форсча фахрияси фикримизнинг далили бўла олади:

*Туркийсин кўриб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий билан Кардарий
Бовужуди форси дар жунби шеъри комлаш,
Чист ашъори Заҳиру кист бори Анварий.⁷⁸⁹*

Хожа Ҳофизнинг газал ва рубойлар, “Соқийнома”сидан парча, таржебанд ўзбек тилига 1958

йилда Хуршид, Чустий, Муйинзодалар томонидан таржима қилинди. 1971 йилда эса шоирнинг 650 йиллик юбилеи муносабати билан бир қанча ғазаллари олим, шоир ва таржимон Ш.Шомуҳаммедов, Э.Воҳидов, Васфий, Жонибеклар томонидан ўзбекчалаштирилиб, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинди.

Халқимиз улуғ форс-тожик шоирнинг гўзал ғазал ва рубойларини асл нусхада ҳам, улар таржималарини ҳам Лутфий, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат каби ўзбек шоирлари шеърлари билан бир қаторда севиб мутолаа қилмоқдалар.

Демак, Ҳофиз ўзбеклар учун бегона эмас, унинг маънолари, санъати, оҳанги, пафоси асрлар давомида халқимиз онги, маънавияти камоли учун хизмат қилиб келди, Навоий, Машраб каби қадрдон-азиз шоиримиз Ҳофиз анъанаси, ғазалиёти, услуби ўзбек классик шеърлятида мавжуд эди. XX асрда ҳам улуғ ринд ўз ғоялари билан лаббай деб жавоб бериб турди, ҳам янги ғазалнавис шоирларимизга, ҳам бармоқ вазнида ёзувчи шоирларимизга, янги услуб ижодкорларига яқин эди, руҳан қардош бўлди. Шундай экан, асрий бу қадрдон шоирнинг ғазаллари таржимаси қандай амалга оширилди, улар қандай талқин қилинди?

ЖАҲОНГАШТА ШЕЪРИЯТ

Ҳофиз ғазаллари у тириклигидаёқ бошқа тилларга таржима қилина бошлаган эди. Шоир шеърларининг илк таржимони унинг озарбайжонлик замондоши Салмоҳонум бўлган. XVI асрга келиб, Ҳофиз девонидаги ҳамма ғазалларни Судий насрий йўл билан усмонли турк тилига таржима қилиб, шарҳлади. Уч жилддан иборат бу шарҳлар Ҳофиз ғазал ва рубойлари таржимонлари учун муҳим манба бўлди.

Ҳофиз вафотидан 250 йилча ўтгач, таржималар туфайли у бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. 1834 йилда Қоҳирада Ҳофиз ғазалларининг арабча таржимаси туркча шарҳи билан босилиб чиқди. Шубҳасиз, бу арабча ағдарма ҳам Ҳофиз шеърларининг доврў таратишида катта роль ўйнади.

Ҳофиз ғазалиёти Европа тилларига XVII асрдан бошлаб ўгирила бошланди. Улар шу аср ўргаларида шеърият мухлислари Томас Герберт ва Петро Делла Вилла томонидан лотинчага биринчи бор ағдарилди. Аср охирларида Менинский томонидан ёзилган “Турк тили грамматикаси” китобига Ҳофиз ғазалларининг лотинча таржимаси ҳам киритилган эди. 1767 йилда Томас Хайднинг, 1771 йилда эса К.Ревички (Ревитский 1737-1767)нинг лотин тилидаги таржималари пайдо бўлди. Инглиз шоирлари Ричардсон Нотт ва Гор Оузли ҳам ана шундай фахрли ишга қўл урдилар. Гарчи уларнинг ағдармалари кўнгилдагидек чиқмаган бўлса-да, Ҳофиздан таржима қилишга уриниш сифатида таҳсинга лойиқ эди. Ниҳоят, 1791 йилга келиб, Валнинг немисча таржимаси пайдо бўлди. Демак, Р.Каримов Валнинг таржимасини европа тилларига қилинган биринчи ағдарма эди, деганда ноҳақ.⁹⁰

1812 йилда немис шарқшуноси Йозеф фон Хаммер Пургантель шоир девонининг тўла таржимасини яратди. Шу йили Рейн дарёси бўйлаб саёҳатда юрган буюк немис шоири Гёте Хаммер таржимасидаги Ҳофиз девони билан танишди ва форс шоирини севиб қолди. Маълумки, Гёте бу даврда оғир ва чуқур ижодий изланиш даврини бошидаи кечирмоқда эди. Ҳофиз шеъриятининг форма ва мазмуни унинг учун қутилмаган янгилик эди. Шарқ лирикасидаги ўйчанлик ва донолик, чуқур лиризм ҳамда катта эҳгирос уни ўзига ром этди. Ҳофиз ғазалларидаги

кўп маънолилиқ ва сирлилиқ, рамзийлиқ, янги-янги образлар орқали фикрларнинг турли-туман кўринишларда берилиши, ғарб шеъриятидан фарқ қилувчи ғазал формаси Гётега лол этиб қўйди. Шу боис, Л.М.Кессель: Гёте (М.А.) “Шарқ классик лирикасида грек-европа сатҳида етишмаган нарсани кўрди”,⁹¹ – дейди.

Ҳофиз таъсирида Гёте ижодида шарқ поэзияси шакл ва мазмуни ўз ифодасини топа борди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1814-1816 йилларда унинг машҳур “Ғарбий-Шарқий девони” дунёга келди. Уни Гётенинг шеърӣ кундалиги деса ҳам бўлади. Мажмуадаги гўзал лирик шеърлар шарқча ниқобда кўринади. Гёте туркум-туркум қилиб, уларни “Соқийнома”, “Зулайхоннома”, “Ишқнома”, “Ринднома” ва ҳоказолар деб номлади. Девоннинг иккинчи китобини эса “Ҳофизнома” деб атади. Гёте поэзиясининг гултожи бўлмиш “Фауст”да ҳам Ҳофиз таъсири сезилиб туради. Гётешуносларнинг кўпрасатишича, шоир ижодининг иккита буюк чўққиси бор: бири “Фауст” фожеасидаги Фаустнинг ўлим олдидаги монологи бўлса, иккинчиси Ҳофиз таъсирида яратилган “Ғарбий-Шарқий девон”даги “Лаззатли толиқиш” шеърӣдир. Гёте Ҳофизнинг ўзига кўрсатган буюк таъсирини миннатдорчилик билан қаламга олади. У бир шеърӣда мавзуида докторлик диссертациясининг ёзиши ҳам Боденштадт таржимасининг қимматини яна бир бор таъкидлайди. 1919 йилдан 1957 йилгача Ҳофиз девони икки марта: Мюнхен ва Дюссельдорфда таржима қилиниб, чоп этилди. Шоир ғазалларидан гулдасталар уч марта: Базель, Хамбург, Мюнхенда немис тилига ағдарилиб, нашр қилинди. 1966 йилда Лейпцигда босиб чиқарилган “Жаҳон халқлари адабиёти феҳристи” номли мажмуада Ҳофизга ҳам махсус бўлим ажратилган.

Кейинги йилларда Ҳофиздан немис тилига қилинган таржималар ичида Вольтер Вильгельм томонидан таржима қилиниб, “Ҳофиз гулдастаси” номи остида 1970 йилда нашр этилган тўплам қимматлидир.

Ҳофиз ғазаллари Ричардсон Нотт ва Гор Оузлидан кейин ҳам бошқа мутаржимлар меҳнати самараси ўлароқ инглиз тилида янграй бошлади. 1875 йилда Бинкель таржимаси нашр этилган бўлса, 1891 йилда шоир девони Вильберфорс-Кларкнинг насрий таржимасида босмадан чиқди.

1887 йилда Ҳофизнинг 43 ғазали таржимаси эълон қилинди. Уларни Гертруда Белл ағдарган эди. 1898 йилда Лондонда Ҳофизнинг В.Лиф таржимасидаги яна 28 ғазали босилиб чиқди.

1901 йилда Ҳофиз ғазалларининг тўла уч томлиги шоир Жун Пейн томонидан инглиз тилига таржима қилиниб, нашр этилди.

Ҳофиз ғазаллари француз тилига ҳам кўплаб ўгирилди. Француз шарқшуноси Блошэ ўзининг тўрт жилддан иборат “Миллий кутубхонадаги қўлёзмалар феҳристи” (Париж, 1934) номли китобининг учинчи жилдида Ҳофизнинг Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган 48 қўлёзма асарини тавсифлади. Унинг таъкидлашича, Ҳофиз куллиёти XVI асрдаёқ Францияга келтирилган. Бу энг эски қўлёзма 1491 йилда, шоир вафотидан 10 йил ўтгач, кўчирилган бўлиб, шайх Фахриддин Аҳмад томонидан китобат қилинган ва 1591 йилнинг январь ойида бошқа туҳфалар қаторида Францияда қабул қилиб олинган.

Ҳофиз ғазалларининг француз тилига қилинган дастлабки ўгирмаси Ҳофиз ғазаллари мутаржимларидан бири Артур Ги фикрича, XVIII аср охирида, 1799 йилда майдонга келган. Уни ҳам Ҳофиз ғазалларини инглиз

тилига ўгирган Вильям Жон бажарган. Лекин бу таржиманинг мавжудлигига шубҳа бор. Чунки бошқа тадқиқотчилар уни тилга олмайдилар.

1664-1670 ва 1671-1677 йилларда машҳур француз сайёҳи, шарқшунос Шардан Шарқ мамлакатларига сафар қилди. У умрининг салкам 13 йилини Шарқда, жумладан, Форс ўлкасида ўтказди. Олим юртига қайтгач, сафар таассуротларини “Жаноб Шарданнинг Форс ва Шарқнинг бошқа ўлкаларига саёҳатлари” номи остида 10 жилдли китоб қилди. Асар 1723 йилда Руанда нашр этилди. Китобнинг “Форсларнинг бадий санъатлари ва илмлари тавсифи” номли 5-жилдининг “Форс назми хусусида” деган бобида Саъдий ва Ҳофиз номи келтирилади. Ҳофизнинг маҳорати хусусида шеър-хонларда тасаввур уйғотиш учун бир ғазали “Бир порсо ва довюрак киши афсонаси” номи остида таржима қилиб берилган.⁹³

1858 йилга келиб, француз шарқшуноси, Саъдий “Гулистон”нинг ажойиб таржимонларидан бири Шарль Дефермерий “Журнал Азиатик”да “Ҳофиз ҳаёти ва ижодига бир назар” (Париж. 1858. XII. 406-425). Сарлавҳали мақола эълон қилди. Унда адабиётшунос Ҳофизнинг бир неча ғазали ва байтини таржима қилиб, шарҳлайди. Мақола охирида у Ҳофиз маҳорати билан ўқувчиларни таништириш мақсадида шоир ғазаларидан намуналар берганини таъкидлайди. Дефермерий бу шеърларни наср йўли билан ағдарган.

1898 йилда Хайём рубойларини французчалаштирган Никола Ҳофизнинг 13 ғазалини таржима қилди. Улар Хайём рубойларининг янги нашри билан бир китоб ҳолида босилиб чиқди. Никола французлар аъъиасига содиқ қолиб, бу шеърларни насрий йўл билан ағдарди.

1909 йилда Парижда француз шарқшуноси Жорж Фриллейнинг “Форс” номли китоби босилиб чиқди. Фриллей Ҳофиз ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача тўхталиб, унинг Никола таржимасидаги 13 ғазалини келтиради.

1927 йилга келиб, Ҳофизнинг Артур Ги таржимасидаги 175 ғазали чоп этилди. Ундаги кўпгина ғазаллар ҳам шаклан, ҳам мазмунан пухта ўгирилган. “Айби риндон макун...”, “Дўш дар ҳалқай...”, “Жамолат офғоби ҳар назар бод!” каби ғазаллар таржимаси шулар жумласидандир. Аммо тўшламда, Ш.Мухтор таъкидича, бўш таржима қилинган ғазаллар ҳам бор.⁹⁴

1932 йилда форс-тожик адабиётининг кўзга кўринган тадқиқотчиларидан бири Жанри Массе (1886-1969) Ҳофизнинг 20 та ғазалини французчалаштирди. У 1950 йилда Ҳофизнинг яна 14 ғазалини таржима қилиб, “Форс шоирлари сайланмалари” тўшламига киритди.

1964 йилда Парижда босиб чиқарилган “Форс назми мажмуаси”дан (таржимонлар Ж.Лзар, Р.Леско ва Х.Масселар) ҳам Ҳофизнинг 8 та ғазали ўрин олган бўлиб, улар эркин таржималар ҳисобланади. Умуман, Ҳофиз ғазалларининг француз тилига ўгирмалари, Артур Ги таржималарини ҳисобга олмаганда, Ҳофиз завқ-шавқи, ҳис-ҳаяжонини беришдан йироқ.

Ҳофиз шеърлари рус тилига XIX аср бошларидан таржима қилина бошланди. Гарчи бу даврда шоирни анчагина кишилар таржима этишган бўлса-да, улар ичида А.Фет ва М.Прахов ағдармалари муваффақият қозонди, холос. Бу таржимонлар Ҳофиз ғазалларини немис тилидан, Доумернинг эркин таржималаридан рус тилига ўгиришган эди. Улар ҳам эркин ағдармалар бўлиб, форс-тожик шоири ғазаллари мазмун ва шаклидан анча узоқ эди. Шунга қарамасдан, Ҳофиз шеърляти рус поэзиясининг қуёши, улуғ шоир Пушкиннинг диққатини

торти. У форс шоири мавзу, образлари, ғазаллари формасидан фойдаланиб, гўзал шеърлар яратди. Шоирнинг “Асирингман, гарданда каманд...” мисраси билан бошланувчи ва “Ҳофиздан”, “Гул ва булбул”, “Тумор” каби шеърларида ва “Боқчасарой фаввораси” шеъри ғазаллар сингари салмоқ билан ўқилади, мисралари ҳам ғазал байтлари мисол а-а тарзида қофияланган:

*В безмолви садов, весной, во мгле ночей,
Поэт над розою восточный соловьев.
Но роза милая не чувствует, не внемлет,
И под влюбленный гимн колеблются и дремлет.
Не так ли ты поешь для холодной красоты?
Опомнись, о поэт, к чему стремишься ты?
Она не слушает, не чувствует поэта,
Глядишь — она цветет, взывешь — не ответа.⁹⁵*

Рус шоири ички қофияларга ва жарангдор сўзларга ҳам, байтлар оҳангдорлигига ҳам, шеър охирига ғазал мақтаёйдагидек кўп маъно юклашга ҳам ҳаракат қилган. Пушкиннинг бу шеърини ўқиганда, Ҳофизнинг:

*Рафтам ба боғ то ки бичинам саҳар гуле
Омад ба гўш ногаҳам овози булбуле.
Мискин чу ман ба шиқи гуле гашта мубтало
Ва андар чаман фиганда зи фарёд гулеуле
Гул ёри хор гаштаву булбул қарини шиқ
Онро тафаззуле неву инро табаддуле.*

(Т.1958-187)

байтлари эсга тушади.

Пушкин ўзининг айтишича, Ҳофиз асарларининг пинҳоний сирларига етгунича, шеърларида ҳаётбахш

жиҳатлар ва ҳаётдўстлик ҳиссиётлари кам учрар экан.⁹⁶

Ҳофиз шеърияти Гютчев ва Есенин, Блоклар ижодида ҳам сезиларли из қолдирди. Масалан, С.Есенин Эронда бўлмаса ҳам “Форс тароналари” туркумини яратди. У Шерозга бормоқчи, Ҳофиз ва Саъдий қибрларини зиёрат қилмоқчи эди.

Умуман, шоир ва таржимонлар Ҳофиз Шерозийни рус шеърхонларим орасига ёйишда катта роль ўйнадилар. 1924 йилда Кримский ва бошқалар таржима қилган Ҳофиз ғазаллари Киевда “Хафиз то его писни” номи остида босилиб чиқди. Кейин эса шоир шеърлари В.Звягинцева, А.Кочетков, К.Липскеров, И.Сельвинский, Дунаевский, Фрейтаг, С.Липкин, Т.Спендиарова ва бошқалар томонидан таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилди.

Эстон шеърхонлари ҳам Ҳофиз ғазалиёти билан таниша бошладилар. 1889 йилда “Постимеэс” газетасида Ҳофизнинг 4 та шеъри таржимаси “Шарқ гуллари” сарлавҳаси остида чоп этилди. Уларни форс-тожик адабиёти билан қизиқиб юрган Г.Э.Луйга таржима қилганди. У бир йил кейин Ҳофизнинг яна бир ғазалини таржима қилиб, ибн Ямин Ҳусайн Али Мирзо шеърларидан намуналар билан бирга чоп эттирди.

Маълумки, Г.Э.Луйганинг Ҳофиздан қилган бу таржималари учун немис мутаржими Фр.Броденштадтнинг ағдармалари асос бўлган эди. Луйга таржималари бадий пишиқ эмасди. У ишнинг осон томонини кўзлаб, Ҳофиз ғазалининг кўпгина муҳим хусусиятларидан, жумладан, радифидан ҳам воз кечганди. Бунинг устига, Фр.Боденштадт таржималарини ҳам тўла маънодаги ағдармалар деб бўлмасди. Чунки немис мутаржими Ҳофиз ғазалларига эркин ёндашганди,

баъзан унинг фикридан узоқлашган ва ўзича шарҳлаган ўринлар мавжуд эди. Луйга таржимасида эса Ҳофиз маъноларидан янада узоқлашиш кўзга ташланади.

1892 йилда таржимон О.О.Мяги Ҳофиз ғазалларидан қилган бир неча таржимасини “Вирмалино” газетасида “Мешкоб қўшиғи” номи билан чоп қилди.

Ҳофиз ижодиёти XIX аср охирида улуг эстон шоири Якоб Томмнинг ҳам диққатини торғди. У Ҳофизнинг бир ғазалини она тилига русчадан ағдарди. Бунда унинг учун В.Велчконинг “Ҳофиз ижодиётидан” русча таржимаси манба бўлди. 20-йилларда форс-тожик классикларининг ғазал ва рубойлари, асарларидан парчалар эстон тилида чиқадиган кўпгина газета-журналларда босилди. Улар савиясини юксак деб бўлмасди. Жумладан, Ҳофизнинг “Ромаан” журналида босилиб чиққан бир қанча шеър ва ҳикматлари хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Форс-тожик адабиётига жуда қизиқиб келаётган Хольянд Удам бу тилларда ижод қилган классиклардан кўплаб ғазал ва ҳикматларни ағдарди. Жумладан, у Ҳофиз шеърларини ҳам таржима қилди.

Айн Каален “Самарқанддафтари” (1962) мажмуасига бир қанча ўзбек ва тожик шоирлари қатори Ҳофиздан қилган таржималарига ҳам ўрин берди.

Муҳаммад Саид Аҳмад Жалил ва бошқалар эса Ҳофиз Шерозий девонидаги бир қанча ғазалларни татарчага таржима этишди. Бу ағдармалар Оренбургдан чиқадиган “Шўро” журналининг 1917 йилги сонларидан ўрин олган.

*Йўғалиб турган Юсуф Канъонда қайтур, ема ғам,
Байтул эҳзон бўлган уйинг бўлур гулистон, ема*

ғам.⁹⁷

ва

Бу не энди гавго экан сўнг фалак давринда мен

кўрам,

Бутун дунё тўлиб битган ёвузлик, фитналар

кўрам.⁹⁸

каби таржима ғазаллар шулар жумласидандир. Бу ағдармаларда Ҳофиз маънолари, асосан, тўғри берилган. Лекин оҳангдор, юксак шеърят намунаси бўлган Ҳофиз ғазаллари оддий шеърлар даражасига тушиб қолган. У улуғ шоир маҳорати ва услубини акс эттира олмайди. Уларда Ҳофиз даврининг руҳи йўқ. Баъзи байтлар ташлаб кетилган. Бу ўғирмаларни Ҳофиз ғазалларини таржима этишга урииниш сифатида ижобий баҳолаш мумкин.

Шўролар даврида Ҳофиз шеърларини таржима қилиш кучайди. 1961 йилда Маҳмуд Ғойибий ва Олти Чориёровлар томоидаи туркманчага, 1969 йилда Жалил Муҳаммадқулизода, Муҳаммад Ҳоди, Али Султонали, Ҳасрат ва бошқалар тарафидан озарбайжончага, 1964 йилда А.Челидзе, В.Котетишвили, М.Годувлар томонидан грузинчага, 1969 йилда Собирхон Асанов, Абираш Жамишевлар томонидан қozoқчага, 1970 йилда Саид Аҳмад, Али Раҳим, Нури Арслонов, Лабиба Эҳсонова ва бошқалар томонидан татарчага, 1971 йилда Аҳнаф Харисов, Рами Ғариповлар тарафидан бошқирдчага, 1958 йилда Мисик тарафидан украинчага ағдарилди. 1971 йилда Вахтанг Котетишвили Ҳофиз девонини гуржи тилига янгидан таржима қилиб, чоп эттирди.

Ҳа, улуғ шоир ғазал ва рубойлари, таржебанд ва “Соқийнома”си таржималари унинг тобора оммалашиб бораётгани, ўлмас шеърят қайси миллат фарзандлари бўлмасин, миллионлаб қалбларни забт этаётганлигидан далолат беради.

ҲОФИЗ МАЪНОЛАРИ: ТАЛҚИН, ШАРҲ ВА ТАРЖИМА

Шарҳ шоирлари ғазалнинг ҳар бир байти ва мисрасига кўп маъно юклашга эътиборни қаратганлар. Шоир Абдулла Орипов ўзининг: “Юзинчи маъно” сарлавҳали мақоласида Шарҳнинг кўзга кўринган шоирларидан бири Мирзо Абдулқодир Бедилнинг бир мисраси ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Мақолада айтилишича, бедилхонлардан бири шоир битта мисрасининг 99 маъносини кашф қилишга муяссар бўлган. Унинг ғолиблигини ҳамма бирдай тан олган. Аммо ўша йнғитнинг тушида Бедилнинг ўзи намоён бўлиб, унга миннатдорчилик билдириб, мисранинг юзинчи маъносини айтиб берган.” Байт ва мисраларнинг кўп маънолилиги ва мажозийлиги Ҳофиз ижодига ҳам хос хусусият. Я.Рипканинг Ҳофизни энг буюк мажозчилардан бири сифатида тилга олиши бежиз эмас. Ҳофиз ва бошқа ижодкорларни мажозий, рамзий воқиталардан фойдаланишга кўп вақт тарихий шароит, феодал зулм мажбур қилган эди, деб ёзади Рипка “Эрон адабиёти тарихи” китобининг “Зулм ва феодализм таъсири” бобида.¹⁰⁰ Бундай услуб Ҳофиз маъноларини тушуниб етишни қийинлаштиради. Шоир ўзининг сочма байтлардан ташкил топган ғазалларида фалсафий фикрларини муҳаббат шеvasи билан баён этиш, тасаввуфона байтларни ҳаётни улугловчи ғазаллар орасига қистириб ўтиш йўлидан борган. Улар шеъринг завқининг юксаклиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Шунинг учун ҳам таниқли рус шоири ва таржимони А.Фет Ҳофиз ғазалларидан қилинган таржимасига ёзган муқаддимасида: “Бизнинг шоир билан ҳатто, юзакигина танишиб чиқишимизнинг ўзи ҳам шубҳасиз икки ҳақиқатнинг гувоҳи бўла олади: биринчидан, шоирлар ва

мутафаккирлар ижодида бизни ҳайратда қолдираётган юксакликни кишилик руҳи аллақачон қўлга киритган, иккинчидан, қайси тупроқда ва қайси даврда униб-ўсанлигидан қатъи назар, ҳақиқий поэзия чечаклари асло сўлмайдилар?¹⁰¹

Шарқ шеърятига хос ҳодиса бўлган вазн-ўлчовлар, анъанавий образ, мажоз, ташбеҳлар воситасида иш кўрувчи ғазални, жумладан, Ҳофиз ғазалларини тушуниб етиш, муваффақиятли таржима қилиш осон эмас. Бирок шоир асарларини тушуниш ва таржима қилишга бел боғлаганларга ёрдамга келувчи муҳим манбалар бор. Улар Ҳофиз ғазалларига ёзилган шарҳлардир. Судий, Ҳаррот, Муса Бегиев шарҳлари шундайлар сирасидандир. Хусусан, Судий шарҳи ўзининг кўлами, батафсиллиги ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради. Унда Ҳофизнинг ҳар бир байтига алоҳида-алоҳида изоҳ берилган. Дастлаб, Судий тушунилиши қийин, шарҳталаб сўзларга тўхталади, уларнинг бир неча хил маъноларини (агар икки-уч хил маъно билдирадиган сўз бўлса) айтади. Йўлма-йўл изофа ва боғловчилар, юклама ва бошқа қўшимчаларни ҳам изоҳлайди. Воқеа-ҳодисалар, афсоналарга муносабат билдиради. Бу воқеа-ҳодисалар, афсоналар яна қайси манбаларда учрашини айтади. Ўзга шоирларнинг изоҳланаётган байтга мазмунан яқин ёхуд байт маъноларини очишга хизмат қилувчи воқеа-ҳодисалар қайд қилинган байтлари, шеърларидан парчалар келтиради.

Судий шарҳининг афзалликларидан бири шундаки, унда Ҳофиз ҳар бир ғазалининг бош қисмида, китоб ҳошиясида унинг баҳри ва вазни берилиб, зиҳофлари кўрсатилади. Бу аввало, шеърхоннинг ғазал оҳангига тез тушиб олишига кўмаклашча, иккинчидан, китобхоннинг ўзи истаган ғазални осон топиб олишига ёрдам беради.

Судий баъзан ўзи шоҳиди бўлган, байт мазмунини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи воқеа-ҳодисаларни ҳам келтиради. Энг муҳими, у Ҳофиз байтларидан яширин маъно изламайди. Ҳолбуки, бошқа шарҳларда, жумладан Озарбайжон Фанлар Академияси қўлёзмалар фондида А-355F13389 рақами билан сақланаётган “Шарҳи девони Ҳофиз” да газаллар сўфиёна истилоҳлар асосида тушунтиришга ҳаракат қилинади.¹⁰² Шуниси диққатга сазоворки, Судий шарҳи хоразмлик Муҳаммад Харрот томонидан қилинган шарҳ-таржима учун манба бўлган.¹⁰³ Тўғрироғи, Харрот бу шарҳни ўзбекчалаштирган. Шунинг учун китобнинг дастлабки саҳифаси юқори қисмида “таржимаи шарҳи Румийи девони Хожа Ҳофиз раҳматулло” деб ёзиб қўйилган.

Харрот таржимасини Судий шарҳи билан солиштириб кўриш хоразмлик олимнинг Судий шарҳидан самарали фойдаланганлигини кўрсатади. Мисол тариқасида Ҳофиз Шерозийнинг машҳур:

*Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.
Фигон, к-ин лўлиёни шўхи ширинкори шахрошуб,
Чунон бурданд сабр аз дил, ки туркон хони яғморо!*

байтларидаги “турк” ва “лўлиён” сўзларининг ҳар икки шарҳдаги талқинларини кузатайлик:

Судий: “Турк - асл луғатда тотор синфини дерлар. Бунлар золим ва бераҳм ва хуни ўлдуқлариндин шуаройи ажам маҳбубалари бутлара ташбия эдуб, турк дерлар ва баъзи шерозилардан масҳудурки, Ҳалоку аскариндан кўп кимса Шерозда ватан эдуб, қаносул айлади, бас, онларнинг авлодина ҳақиқатга турки шерози демак саҳиҳдур”.¹⁰⁴

Харрот: “Турк деб асл луғатда тоғор синфларига айтурлар ва булар зояим ва бераҳм бўлгонлари учун шоирлар маҳбубаларга ташбеҳ этиб, турк дерлар ва баъзи шерозилардан мусаммудурким, Ҳалоку лашкариндин кўб киши Шерозда ватан тутуб, таваллуди қаносул этдилар, бас, аларнинг авлодларига ҳақиқата турки шерози демак истиора ва ташбеҳсиз саҳиҳдур”.¹⁰⁵

Судий: “Лўлиён – лўлининг жаъмидур. Ажамда бир тоифадурки, қара гўзли ва қара қошли, сиёҳ чурда ўлурлар ва жумласи созанда ва гўянда ўлурлар. Бириси-ла биз уч йил миқдори ихтилот айладук. Тўқод шаҳринда айламишди. Зарифий тахаллус эдар шоир эди”.¹⁰⁶

Харрот: “Лўлиён – лўлининг жамъидурким, ажамда бир тоифадур: қаро кўз ва қаро қошлиғ ва бомўй бўлур ва борчаси созанда ва гўянда бўлурлар ва аларнинг бириси била биз уч йил миқдори хилт этдук, Тўқот шаҳрида аёлдор бўлмиш эрди, Зарифий тахаллус этган шоир эрди”.¹⁰⁷

Судий ва Харрот шарҳларидаги бошқа байт ва сўзлар талқинида ҳам шундай яқинликни кўрамиз. Демак, Харротнинг Судий шарҳини таржима қилиши ҳам ўзбек адабиёти тарихида муҳим воқеа ҳисобланади. Судий шарҳининг мукамал ва пишиқ-пухталиги, савияли ёзилганлиги, байтлардан яширин маъно изламай, мазмунини тўғри берганлиги ва бошқа қатор фазилатлари туфайли ҳам Харрот уни таржима қилган.

Харрот таржимасида Судий шарҳидан фарқ қилиб, ғазаллар вазни кўрсатилмаган. Шарҳланадиган ҳар бир байт тўрт бурчакли чизиқ ичига олинган. Ғазаллар бошида унинг нечанчи эканлиги “Биринчи ғазали Хожа Ҳофиз” ёки “Ўнинчи ғазали Хожа Ҳофиз” тарзида кўрсатиб ўтилган.

Харрот шарҳ таржимасида байтларга қандай изоҳ берилганлигини яхши тасаввур этмоқ учун “Душ аз масжид сӯи майхона омад пири мо” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг дастлабки уч байтига берилган изоҳни кузатайлик:

*“Душ аз масжид сӯи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо.*

Душ - тун, кеча демак... Масжиддан мурод – Макка ва “душ” дин мурод замони собиқдур. Ва ҳақиқати мурод демакдур. Зероки, бу ғазалнинг уч байти шайх Санъон, яъни шайх Абдураззоқ қиссасига ишорат-дурким, анинг қиссасида туркийча бир китоб битилмишдур ва форсийда шайх Аттор ҳазратлари “Мантиқ.ут-тайр” китобида анинг аҳволи баёни учун бир муфассал қисса келтирмушдирким, ул китобнинг андин узун қиссаси йўқдурким, анинг аввало бу байт:

*Шайх Санъон буд пири муҳтарам,
Бо муриде чорсад андар ҳарам.*

Ҳазрати Хожанинг бу ғазалдан ўзга неча ғазалида бу қиссага талмеҳ ва ишоратлари бордур. Иншооллои таоло поёнида келгусидур. Бас, бу ерда радиф бўлган “мо” лафзлари мазкур шайхнинг муридлари жонибидандур. Ҳосили байт будурким: ўтган кеча бизнинг пиримиз Маккадан қайсарнинг шаҳрига келди, бовужуд ул шаҳар кофир қўлида эрди. Ва майхонадин ҳам мурод будур, эй тариқат ёронлари, бундан буён тадбиримиз недур.

Бу қиссанинг тафсилига огоҳ бўлмоқни истаган киши “Мантиқ.ут-тайр”нинг ул ҳикоятин топиб кўрсун ва баъзилар бу ишоратга мутгалеъ ва огоҳ бўлмоғин-дин,

бу ерда ажойиб сўзларни ёзмусдурким, қабул ибрат
демагилдур.

*Мо муридон рӯ ба сӯи Каъба чун орем, чун,
Рӯ ба сӯи хонаи хаммор дорад пири мо.*

Харобот-майхона, муғон-майхоначилар ё мутлоқ
кофирлардур. Яъни, хароботи муғонда бизлар ҳам
пиримиз била ҳамманзил бўлурмиз, зероки рӯзи азалда
қазо ва қадаримиз мундоқ воқе бўлмишдур. Ва бу уч
мазкур байт ул қиссага рамз ва ишорат бўлғусидур”.¹⁰⁸

Юқоридаги байтлар Судий шарҳида ҳам шундай
изоҳланган. Харрот уни таржима қилиб берган. Лекин
шуниси ҳам борки, у баъзи ўринларда бирмунча
эркинликка йўл қўйган. Судий ҳар бир байтдаги сўзларни
изоҳлагач, охирида, албатта, “маҳсули байт” деб,
мисралар мазмунини келтиради. Харрот таржимасида эса
маҳсули байт бирикмасини қўллаш ҳамиша қатъий шарт
қилиб қўйилмаган.

Биз шарҳда тушунилиши қийин ҳар бир сўз
ағдалииб, уларга алоҳида, батафсил изоҳлар берилган,
дедик. Фикримизнинг далили сифатида Ҳофиз девонини
бошловчи “Ало ё айюҳассоқӣ, адир касъан ва новилҳо”
мисраси билан бошланувчи ғазалнинг:

Маро дар манзили жонон, чи амну айш, чун ҳар

дам,

*Жарас фарёд медорад, ки барбандед маҳмилҳо!
Ба май сажжода рангин кун, гарат пири муғон*

гўяд,

Ки солик беҳабар набвад зи роҳу расми манзилҳо.

(Д. 1971. 23)

байтларидаги жарас, солик сўзларининг Харрот шарҳида изоҳланишини кузатайлик: “Жарас – чангдур, яъни тевалар ва хачирларнинг бўйнига осилган нарсадур... Маълум бўлгайким, аввал замонда кўчарнинг вақтида ҳар ким огоҳ бўлсин деб, жарас, яъни занг қоқар эрмишлар. Аммо усмонийлар ноқус чаларлар”.¹⁰⁹

“Солик деб йўлчига дерлар. Манзиллардан мурод майхонадир”.¹¹⁰

Шуниси диққатга сазоворки, Судий шарҳи қатор афзалликлари туфайли шуҳрат қозонди ва Ҳофиздан қилинган бошқа шарҳлар учун намуна-ибрат ролини ўйнади. Жумладан, XX аср бошларида татар адиби Муса Бегиев томонидан яратилган “Девони Ҳофиз таржимаси”¹¹¹ ҳам ўз услубига кўра Судий шарҳига яқин. У Ҳофиз девонидан 700 байтнинг таржима ва шарҳини ўз ичига олади. Муса Афанди Судий изидан бориб, фалсафий тафсирларга берилмаган, байтлар маъноларини тўғридан-тўғри изоҳлаб кетаверган. Муаллиф бу ҳақда китобининг бошида: “Хожа Ҳофизнинг маътиқодлариндан Саид Қосим Анвор ҳазратлари Ҳофизнинг шеърларини қусурсиз ижтиҳодла жам эдуб, адабиёти форсий илминда энг машҳур “Девони Ҳофиз” тартиб этмишлар. У одоб хазинаси ўлон девон Оврупо лисонларининг аксарина таржима қилинмиш, давлати Усмония уламози адабосида у девоннинг шеърларина мафтун ўлуб, гўзал таржима, илмий шарҳлар ёзмишлар.

Банда Русияда рағбатли талабаларнинг истифодаларина арзэтмак фикри ила ҳар бир байт узрина ёлғиз биргина сатр маъни вермак улули-да таржима ёзуб...”¹¹² китобхонларга туҳфа этди, дейди.

Муса Афанди шарҳининг Судийникидан фарқи шундаки, унда тафсирларга кенг ўрин берилмайди.

Сўзлар лингвистик жиҳатдан Судий шарҳичалик кенг изоҳланмайди. Унда байтлар мазмуни ўгириб кетилаверган. Масалан, Муса Бегиев Ҳофиз девонининг бошидаги “Ало ё айюҳассоқи, адир каъсан ва новилҳо” мисраси билан бошланувчи ғазал байтларини қуйидагича шарҳлайди:

*“Ало ё айюҳассоқи, адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушкилҳо.*

Эй соқи, косайи барор-барор сўн-да, бенга-да вер!
Зеро ишқ аввал енгил кўрунди. Лекин сўнгра кўп мушкуллар тушди.

*Ба бўйи нофае, к-охир сабо з-он турра бикшояд,
Зи тоби жаъди мушкинаш чи хун афтод дар*

дилҳо.

Сабо ели у туррадан оча чиқ, нофа қўқўеи-ла маҳбубанинг мушкул зулфидан кўнгуллара нақадар қон душди.

Ба ... сажжода рангин кун, гарат пири муғон

гўяд,

Ки солик беҳабар набвад зи роҳу расми манзилҳо.

Номозлигингни май ила бўя, агар маъжумнинг пири сенга амр эдар эса. Зеро йўл юрар инсон йўлнинг, манзилларнинг расмонидан, урфонидан ғофил ўлмаз”.¹¹³

Ғазалининг бошқа байтлари ҳам, асосан, шу йўсин изоҳланган. Шунга кўра, Муса Афанди шарҳини Ҳофиз ғазал ва рубойларининг насрий таржимаси дейиш ҳақиқатга яқинроқдир.

Умуман, ҳар қандай шарҳ ҳам таржима бўлиб, асарни китобхонга тушунтирувчи, яқинлаштирувчи воситадир.

Ҳофиз ғазаллари шарҳланишининг яна бир сабаби, уларнинг қадимийлиги ва ёши билан, тил ва тушунчалар, удум ва анъаналарнинг бирмунча эскирганлиги, биздан узоқлашганлиги, тарихий шахслар, жойлар номлари, айрим фразеологик бирикмалар, диний тушунчалар ва колоритни ифодаловчи кўпгина сўзларнинг архаиклашгани, тушунилиши қийин бўлганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун шоир ғазалларини таржима қилишда шарҳлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Ҳофиз ғазалларини таржима этишда Судий, Харрот, Муса Афанди шарҳларининг самара бериши шубҳасиз.

Ҳофиз ўз ғазалларида турлича услуб ва усуллар, мақол ва мажозлар, халқ орасида машҳур образлардан усталик билан фойдаланади. Унинг шеърларида коса тагида ним коса қабалидаги гаплар, қочирим ва ишоралар, икки хил маънода келувчи байт ва мисралар, бирикма ва сўзлар сероб. Уларни ҳамма ҳам тушуниб етавермас эди. Ботиний ишоралар кўпинча шеърхонларни мушкул аҳволда қолдирарди. Масалан, Ҳофизнинг

*Аз хаёли лутфи май машиотай чолоктаъб,
Дар замири барги гул хуш мекунад тинҳон гулоб.*

(Т.1958. 36)

байтини оддий ва тўғри маънода, яъни Чустий таржима этган тарзда тушуниш мумкин:

*Покиза майнинг хаёли бирла эсан шўх сабо,
Ёширур хуб яхши, гул баргига гулианда гулоб.*

(Т.1958. 37)

Ҳофиз май хаёлидаги хуштаъб пардозчи соҳибжамолнинг сочлари орасига гулоб яширади, деб дилбар сочларининг хушбўйлигига ишора қилипти. Гарчи

Ҳофиз Шерозий иккинчи мисрада гул ва унинг баргларини тилга олса-да, аввалги мисрадаги “май умидидаги машшота” гап одам ҳақида кетаётганлигини билдираяпти. Шоир қўшмаъноликни сақлаш учун атайин бирмунча мавҳумроқ “машшотаи чолоктаъб” бирикмаси қўллаган. Бу байтнинг яна бир маъноси шуки, шоир май хаёли туфайли бу енгил таъб оғизга сув келтирди – бу сув (гулоб) гул янрпоқлари (қирмизи лаблар) аро пинҳон демоқда.

Байтда, май хаёли орзусида ёнган юрак ўз янрпоқлари (юрак очилмаган ғунчага ўхшатишмоқда) аро гулоб (қон)ни пинҳон қилган деган маъно ҳам мавжуд. Чустий таржимасида эса “машшотаи чолоктаъб” – бирмунча мавҳумликни ифодаловчи сўзларнинг “шўх сабо” деб конкретлаштирилганлиги, бунинг устига, гулшаннинг тилга олиниши ўзбекчалаштирилган байтни кейинги маъноларидан узоқлаштирган.

Мутаржимлар “турки шерозӣ”, “холи ҳунду”, “нузҳатгоҳи унс”, “жойи амн”, “чоҳи Бобул”, “Хорут-Морут” каби Ҳофиз ва унинг замондошларига таниш, аммо бугунги кун кишилари учун тунилиши қийин бўлган айрим воқеа-ҳодисалар, афсоналар билан боғлиқ бирикмалар, сўз ва ибораларни таржима этишда қийинчилик сезадилар.

Шоирнинг машҳур “Агар он турки шерози...” деб бошланувчи ғазалнинг дастлабки байти-матлаънинг бир неча тилларга қилинган таржималари ва улрда айрим бирикмакларнинг бирилишини шарҳлар билан солиштириб кузатиш бу фикрни тасдиқлайди.

*Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.
Яъни, агар у шерозлик турк (гузал) бизнинг*

кўнглимизни олса, унинг қора (ҳинду) холига Самарқанд ва Бухорони бахш этардим.

Аввало, Ҳофиз бу байтда нега “турки шерози”, “холи ҳинду” бирикмаларини қўллаганлигини кўриб ўтайлик.

Маълумки, Ҳофиз Амир Темур кўпгина мамлакатларни, жумладан, Эронни қўлга киритган бир даврда яшарди. Амир Темур Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари шуҳратини оламга ёйиш учун курашди. Бошқа мамлакатлардан орттирилган бойлиқлардан бир қисмини Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини обод қилишга сарфлади. У ҳатто Самарқандни “сайқали рўйи замин” – ер юзининг сайқали-жаҳон пойтахти деб эълон қилиб, унинг атрофидаги қишлоқларга машҳур шаҳарлар номини берди. Ҳофиз Амир Темурга киноя қилиб, “Мен сенинг миллатингдан бўлган шерозлик гўзалнинг холига Самарқанд ва Бухорони бахш этиб юборган бўлардим, ҳолбуки, сен уларни безатиш учун менинг халқим бошига шунчалар жабру жафолар солдинг” демоқда. Демак, у Самарқанд ва Бухорога муқобил тарзда “турк” сўзини танлаган. Ҳолбуки, бу ерда жонон сўзи маъносини берувчи бошқа бирор каломни, масалан, ёр сўзини ҳам ишлатиши мумкин эди. Шуниси ҳам борки, бир вақтлар турк қизлари ўз гўзалликлари билан донг таратганликлари туфайли ҳам Бағдод халифалари уларни ўз саройларида канизак сифатида сақлаганлар. Ҳофизнинг ғазал учинчи байтида “турк” сўзини яна тилга олиши (Чунон бурдад сабр аз дил, ки туркон хони яғморо) унинг матлаъда бу сўзни бежиз қўлламаганлигидан далолат беради. Фикримизнинг далили сифатида Харрот шарҳига мурожаат этайлик: “Туркон” – туркнинг жамъидур, икки маъно эҳтимоли бордур, бири мазкур татар синфигаким, Шероз шаҳрида

ватан этганлардур ва бири си дағи машриқ туркларидурким, халифайи Аббосий аларни хизматкор этар эдилар. Нечунким, “Таворихи халифа” да мастур ва мазкурдирким, бас, бу ерда туркони гадоён маъносидадур деган киши туркни ва гадоёни билмас эмишдур.¹¹⁴

Холиқ Мирзозода Ҳофиз газалларининг 1957 йилда чиққан нашридаги изоҳларида: “Бу мисрада дилбарнинг дилдан сабрни олиб кетиши турклар томонидан Яғмо хонининг муваффақиятли асир олиб кетилиши воқеасига ташбеҳ этилган”,¹¹⁵ – дейди.

Шуниси диққатга сазоворки, “турк” сўзи маҳбуба маъносида айёр, тошюрак, сеҳргар, раҳмсиз аёлларга нисбатан қўлланилган. Харрот шарҳида байтдаги бу сўзнинг изоҳланишига эътибор беринг: “Турк деб асл луғатда тотор синфаларига айтурлар ва булар золим ва бераҳм бўлғонлари учун шоирлар маҳбубаларини аларга ташбеҳ этиб, турк дерлар”.¹¹⁶

Демак, Ҳофиз бу сўзни фақат ёр маъносидагина эмас, ундан ҳам кенгроқ мазмунни кўзлаб, кўп маънолиликни сақлаш мақсадида қўллаган.

Таржимада “турки-шерози” ва байтдаги бошқа бирикмаларнинг берилиши хусусида турли фикрлар мавжуд. Тожик адабиётшуноси Вали Самад “Бир газал қадри”¹¹⁷ номли мақоласида юқоридаги байтнинг славян ва туркий тилларга қилинган 13 таржимасини келтиради:

*Если та шеразская турчанка примет мое сердце,
Я за одну индийскую родинку на ее подарю*

Самарканд и Бухару.

(К.Фрейтаг)

*Когда та милая турчанка мое бы сердце приняла,
За родинку на дивной щеке я бы отдал бы царство*

без числа.

(Е.Дунаевский)

*Дам турчанке из Ширази Самарканд а если надо,
Бухару! А в благодарность жажду родинки и*

взгляда.

(К. Липскеров)

*Когда красавицу Ширази своим кумиром изберу,
За родинку ее отдам я и Самарканд и Бухару.*

(С. Липкин)

*Если та шеразская красавица возьмет а руки
мое сердце,
Я за её индийскую родинку отдам Самарканд и
Бухару.*

(К. Котетишвили)

*Агар ол турки Шерозий биза лутф этса пинхоний,
Уҳинди холина верем Самарканду Бухорони.*

(Ҳасрат)

*Агар ул Шероз гўзали маним қалбима ола олса,
Онун гара холина бағишларам Самарқанду*

Бухорони.

(Ж. Мамадқулизода)

*Дилимни сийласа шояд бу Шероз шахри жонони,
Қаро холига бергайман Самарқанду Бухорони.*

(М. Шайхзода)

*Эгер бер Шираз гўзале басха йорак ярахин,
Бер мингене бирер инем Семерқенд, Бохарахин.*

(Рами Фарипов)

*В земи сьерцето мы смутено девойко негина от
Шираз,
И Самарканд, и Бухара ше дам за бенката ты аз*

(Й. Милев)

*Агар кўнглемене хош этса Ширазнин бу гўзал яри,
Анин бер менгена бирам Самарқанд ва Бохорани.*

(Нури Арслонов)

*Агар у шерозлик турк кўнглимни олса,
Ҳиндча холига бағшилайман Самарқанд ва*

*Бухорони.
(А.Қаюмов)*

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қора холига баҳш этгум Самарқанду Бухорони.*

(Хуршид)

В.Самад “турки шерози” бирикмаси В.Котетишвили, Ж.Мамадқулизода, Хуршид таржималарида гўзал, жонон деб тўғри берилган, уни “ширазская турчанка” (Фрейтаг), “милая турчанка” (Дунаевский), “турчанка из Шераза” (К.Липскеров), “ол турки Шерози” (Ҳасрат), “шерозлик турк” (А.Қаюмов) тарзида ағдарганлар нотўғри қилишган деб ҳисоблайди. Бу фикрга қўшилиш қийин. В.Котетишвили, Ж.Мамадқулизода, Хуршид таржималарида Ҳофиз маъносининг бир қирраси -- жонон акс.этган бўлса, Фрейтаг, Дунаевский, К.Липскеров, Ҳасрат ва А.Қаюмов таржималарида шерозлик турк қизи ўз ифодасини топган.

Шоир кейинги байғда ҳам “Дилимдан элтилар қилиб туркларча яғмони” деб, фикрини ривожлантириб, ёрнинг золимлигини таъкидлаб тасдиқламоқда. “Турк” сўзини раҳмсиз гўзал, талончи маъносида ишлатиш шоирнинг бошқа ғазалларида ҳам учрайди.

Юқоридаги матлаъни Азимжон Суюн бирмунча муваффақиятли ўзбекчалаштирган:

*Агар кўнглимни олалса ўшал Шероз жонони,
Қора холига баҳш этгум Самарқанду Бухорони.¹¹⁸*

Чунки “ба даст орад” (кўнглимни олса) бирикмаси Азимжон Суёнда “кўнглимни ололса” тарзида ўгирилган. Бу бирикманинг Хуршид таржимаси “дилимни шод этса” эса “кўнглимни ололса” гапининг бир қиррасинигина ифодалай-олувчи, маъноси торроқ бирикмадир.

Матлаъ Азиз Қаюмов ўгирмасида ҳам қойилмақом эмас. “Ба холи ҳиндуяш” бирикмаси унинг ағдармасида “ҳиндича холига” тарзида берилган. Бирикма “ҳинду холига” тарзида таржима этилса, холининг ҳам қоралилига, ҳиндиларга хос эканлигига ишора сақланган бўларди. “Ҳиндича” каломининг қўлланилгани сўзнинг иккинчи маъносидан маҳрум этган.

Шайхзоданинг таржимаси ҳам ўзига хос. Унинг ағдармаси “ба даст орад” “дилимни сийласа” деб берилган. Ўзбекларда “кўнглимни олса, дилимни шод этса” тарзида ишлатиладиган бирикмалар бор. Лекин “дилимни сийласа” тарзида ган тузилмайди. Бунинг устига, Шайхзода “Шероз шаҳри жонони” деб ўгирган. Эҳтимол, Ҳофиз Шероз шаҳри жононини эмас, Шероз водийсининг бошқа ерида яшайдиган дилбарни назарда тутаётгандир.

Байтдаги сўзлар Харрот шарҳида қуйидагича изоҳланади:

“Орад – аслида овард эрди. Овардиндан муштақ – кетурмақ демакдур... Моро – оро таҳзиси учундир. Ҳиндуяш - Ҳинд мамлакатагида таваллуд этган одамларга мустаъмалдур. Аммо Ҳиндда ватаи этиб, ҳинди улуси бўлмаганга ва ўзга кимсаларгаким, Темур ва қалами улулардан ғайриларга ҳинди дерлар ва ҳинду демаслар. Маълум бўлгайким, бир калиманинг охирида “вов” ва ё “йа” ва ё “алиф” бўлса, “бўяш” ва “пояш”дек ҳолат

изофада ирмони исбот этмак қондадур. Ва “шин” замири
гайб таркига роҳидур.

“Бахшам” – феъли музориҳи мутакаллами вожибдур.
“Бахшидан” дин муштак - бағишламоқ маъносидур.
“Самарқанд ва Бухоро” икки шаҳарнинг исмидурким,
одамлари туркдур. Бас, бу ерда ул муносабат билан зик
бўлмишдур. Ва “ро” одағи мафъулдур. Ҳосили байт
будурким: агар ул Шероз шаҳрининг маҳбуби бизнинг
кўнглимизни қўлига кетурса, яъни бизга риюя этса, анинг
холи ҳиндусига Самарқанд ва Бухорони бағишларман.
Ҳинду лугзини ҳинди мақомида зикри мажозийдур”.¹¹⁹

Судий ва Харрот шарҳларида Ҳофизнинг ҳар бир сўз
ва бирикмани не мақсадда қўллаганлиги таъкидланади.
Масалан, Харрот шарҳида шоир уқоридаги ғазалининг

*Зи ишқи нотамоми мо жамоли ёр мустағнист,
Ба обу рангу холу хат чи ҳожат рӯи зеборо!*

байтидаги “зи ишқи нотамоми мо” бирикмаси
қуйидагича изоҳланади: “Ҳазрати Хожа жононнинг
жамоли бо камолига нисбат бериб, одоб юзидан ўзининг
ишқини ноқис ва нотамом эътибор этар. Зероки, баъзи
ошиқлар орасида гуфтугў бордурким, жононнинг ҳуснига
бизнинг ишқимиздур, яъни муҳаббатимиздур. Андоқким,
бизлар андин зарни қатъ этсак, анга ҳеч кишини назари
эътибори етмас эрди, дерлар. Бас, Ҳазрати Хожа
буюрдиким, бизнинг жононимизнинг ҳусни камолдур.
Анга кўра, ошиқлар ишқи ноқисдурким ва нотамом
деганлари ҳеч кимнинг муҳаббатига эҳтиёжи йўқдур”.¹²⁰

Ҳофизнинг “Айби риндон макун, эй зоҳиди
покизасиришт” мисраси билан бошланувчи ғазалида:

*На ман аз хонаи тақво бадар афтодаму бас.
Падарам низ биҳишти абад аз даст биҳишт.*

(Д.1971.41)

байти мавжуд. Унинг мазмуни қуйидагича: тақво хонасидан йироққа бўлган фақатгина мен эмасман, бир вақтлар отамиз ҳам жаннатдан қувилган эди.

Шоир бу ерда Одам Атонинг жаннатдан қувилиши билан боғлиқ воқеага ишора қилипти. Судий бу байт мазмунини: “Хилват ва тақводин ташрни ҳамон бан душмадим... Балки Ҳазрат Одам дахи бир исён сабабила жаннати абдиёдан солив эрди, яъни тарк айлади”,¹²¹ деб Одам Ато билан Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши байтнинг маъносини тўла тушуниб етмаганлиги учун уни бошқача мазмунда таржима қилган:

*Не один с порога дома благочестия я пал,
И отец не добил рая на земном своем веку.*¹²²

Судий ва Хоррот шарҳларининг яна бир хусусияти шундаки, уларда Ҳофиз девонларининг турли нусхаларида ҳар хил кўринишларда учрайдиган бирикмалар, сўз ва иборалар ўзаро қиёсланиб, мувофиқ вариантлари кўрсатилади. Судий баъзи нусхаларда тушиб қолган байтларни ҳам келтириб, шарҳлайди. Масалан, ҳозиргина кўриб ўтилган байтдаги “хонаи тақво” бирикмаси Ҳофизнинг 1971 йилда Тошкентда нашр этилган “Ғазаллар” мажмуасидаги форс-тожик тилидаги “хонаи тақво”,¹²³ Судий шарҳида эса “хилвати тақво”¹²⁴ тарзида берилган. Бундай хилма-хиллик ўша пайтлардаёқ мавжудлигини Судий қайд этган: “баъзи нусхаларда хилват, бирини хона, баъзи нусхада парда душмиш”¹²⁵ деб ёзади у. Бу жиҳатдан “Агар он турки шерози...” деб бошланувчи ғазалнинг “Ба обу рангу холу хат чи ҳожат рӯи зеборо” мисрасидаги “Ба обу ранг” бирикмасининг Харрот шарҳида изоҳланиши ҳам диққатга сазовордир: “Ба обу ранг – вов бу ерда жони ман ва жони шумонинг додидакдур. Зарурати вазн учун

зиёда айтилмушдур. Аслида оби рангдурким, хотунлар юзига суртган оқликдур. Баъзи нухада “ба бўйу ранг” воқе бўлмушдур”.¹²⁶

Шарҳчи Ҳофизнинг:

*Гар ниҳодат ҳама ин аст, зиҳи нек ниҳода,
В-ар сириштат ҳама ин аст, зиҳи хуб сиришт*

сатрлари устида тўхталиб, “Байт... аксар нухада йўқдур, аммо баъзисинда мавжуд ўлдиғичун, тақтими фойда учун шарҳ ўлунди”¹²⁷ дейди. Дарҳақиқат, бу байт 1971 йилда Душанбедаги “Ирфон” нашриётида чоп этилган мажмуада йўқ. 1958 йилда Тошкентда босилган мунтахаботда эса бир оз ўзгартирилган ҳолда учрайди. Бу мисол Судий ўз шарҳида Ҳофиз ғазаллари қурилишини тиклаш, турли нухалар орқали шоир девонининг тулиқ ва бекаму куст бўлишини таъминлашга ҳаракат қилганлигини ҳам кўрсатади.

Судий энг майда унсурлардан тортиб, умумлашма маъноларгача изчил мантиқ билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Масалан:

*Ҳар кас ки бидид чашти ў гуфт,
Ку мухтасибе, ки маст гирад.*

(Т.1958.102)

Яъни, унинг хумор кўзини ким кўrsa, бу мастни тутувчи мухтасиб қани, деди. Бу байтнинг иккинчи мисрасидаги “он” (у) олмошининг яшириниб келганлиги таржимон Чустийни янглиштирган:

*Ким кўrsa унинг кўзини дейди:
Мастни тутадир бу миршаб айёр.*

(103)

Унинг таржимасида хумор (маст) кўзнинг ўзи

миршабга айланиб қолган. Эркин Воҳидов байт маъносини тўғри ифодадай олган:

*Ҳар ким кўзини кўрса, дейди
Маст тутғучи бормикан, тутолгай.*¹²⁸

Судий мазкур байт хусусида қуйидагиларни ёзади: “Ку - қани демакдир... Маҳсули байт: ҳар кимс ки онинг мастона чашмини кўрди, қани муҳтасибки, сархуша тута. Мастона боқишли жувоннинг чашмина маст дерлар (мажоза).¹²⁹

Шу ғазалнинг кейини:

*Дар баҳр фитодаам чу моҳи,
То ёр маро ба шаст гирад.*

Байт мазмуни қуйидагича: ёрим мени зулф-қармоғи билан тутармикан, деган умидда кўзим ёши дарёсида балиқ каби сузиб юрибман. Байтни таржимон Чустий қуйидагича ўзбекчалаштирган:

*Дарёда юрурман ул балиқдек,
Ёрим тута қолса деб умидвор.*

Буни нотўғри таржима деб бўлмайди. Аммо у Эркин Воҳидов таржимаси олдида бирмунча рангсиз.

*Ашк баҳри аро балиқ бўлбман,
Қармоғини ёр чу сувга солгай.*

Эркин Воҳидов таржимасининг афзаллиги шундаки, у Ҳофизнинг аллақандай дарёда эмас, ашк баҳрида сузаёганлигига урғу берган. Айни вақтда унинг ағдармасида ўрнинг зулф-қармоғига ҳам ишора қилинган.

Судий бу байт таржимасини қуйидагича шарҳ этган: "Моҳи каби дарёя душмишам, яъни ашкима фарқ ўлмишам, то ёр бани гилоф зулфи-ла туга-йа".¹³⁰

Бу шарҳ Эркин Воҳидов таржимасининг пухталигини кўрсатади. Ҳофиз асарларига ёзилган шарҳлар билан танишиш шоир томонидан қўлланилган ибораларнигина эмас, балки кўпгина образ ва ташбеҳларнинг моҳиятини, уларнинг қандай мақсадда қўлланилганлигини англашга кўмаклашади. Чунончи:

*Магар, ки лола бидонист бевафоии даҳр,
Ки то базоду бошад жоми май аз кафи наниҳод.*

байтини Судий қуйидагича шарҳлайди: "Лола даҳрнинг вафосизлигини билди, туғилди, ниру ўландин жоми май қўймади, яъни умри пиёлагирлик ила ва бода нўшлиғ-ла кечди. Лола пиёла-йа ва жома ташбеҳи-йа машҳурдир".¹³¹

Ҳа, қатор афзалликлари туфайли ҳам Судийнинг туркча изоҳлари Брокгоуз таҳрири остида 1863 йилда Лейпцигда уч жилдда нашр этилган Ҳофиз девонининг биринчи жилдидаги 80 ғазалга илова қилинган. Судий шарҳларининг таъсири 1891 йилда Калькуттада босилган Ҳофиз девонининг Вильберфорс-Кларк томонидан қилинган икки томлик инглизча насрий таржимаси ва изоҳларида ҳам кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлэзмалар фондида Муса Бегиевнинг юқорида тилга олинган татарча шарҳидан тавиқари Ҳофиз ғазалларига ёзилган иккита форсча шарҳ ҳам мавжуд.¹³² Шунингдек, бу ерда Судийнинг 1871 йилда Истанбулда босилган икки жилдди ҳамда 1904 йилда Искандарияда чоп этилган уч

жилдли туркча “Шарҳи девони Ҳофиз” ҳам 4251, 4252, 9079, 9080, 9081 рақамлари остида сақланмоқда. Судий шарҳи ва унинг Харрот томонидан қилинган таржимаси Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Навоий, Бобур асарлари ва умуман, ўзбек классик адабиётини ўрганиш, ғазалнинг нозик қирралари, байтларнинг хилма-хил маъноларини очиб беришда, адибларимиз маҳоратини ўрганишда, классик асарларнинг тилини таҳлил этиб, изоҳли луғатлар тузишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларда шарҳланган поэтик ибора ва сўзлар, образларнинг аксарияти ўзбек классик адабиётида ҳам мавжуд. Ҳа, адабий асарларга шарҳ боғлаш илгари кенг тарқалган эди. У орқали адабиётлар оммалаштирилар, китобхонларга яқинлаштириларди. Афсуски, классик адабиётшуносликнинг муҳим қирраси бўлган мазкур соҳа ҳалигача етарли ўрганилмай келмоқда. Ваҳоланки, бу иш жадал йўлга қўйилса, фойдали натижалар қўлга киритилиши мумкин.

ҒАЗАЛ МАЪНОСИНИНГ ТАМАЛ ҒОШИ

Ҳофиз ғазалларини таржима қилиш сермаънаққат иш. Бу қийинчилик шоир байтларининг қўп маънолилиги билан боғлиқ. Ҳофиз, султоним, деганда, баъзан ёрми, баъзида эса Худони назарда тутати. Ғоҳида ёр деганда, чаҳор ёрларни тушунади. Форс тилида род категорияси йўқ. Рус тилида бог-мужской, крассавица эса женский роддадир. Шунинг учун Ҳофиз ғазалларидаги ёр маъносида ҳам, Худо маъносида ҳам тушунилиши мумкин бўлган сўзларнинг русча ўтirmaда фақат битта маъносида келганлигига ажабланмаса ҳам бўлади:

*Ты – тонкий среди луни в заравечерный,
И на тебя не всем дано взглянуть
Напрасен плач Хафиза. Безответна
Душа твоя, как скал гранитных круть.*¹³³

Ҳофиз байтларда, асосан, Худони назарда тутган. Аммо рус шеърхони буни англаб етмаслиги мумкин. Чунки русча ўгирманинг олдинги байтларида ёр, сўзи фақат маҳбуба маъносида келган. Ҳофизнинг:

*Сўфи ар сархуш аз ин аст, ки каж кард кулоҳ,
Ба ду жоми дигар ошуфта шавад дастораи.*

(X.C.1957. 320)

Байтини икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчидан, кўп маст бўлган сўфий ўзини эплломай, кулоҳи қийшаяди. Яна икки қадаҳ ичса, салласи ҳам чувалиши турган гап. Иккинчидан, сўфий кайф шодумонлиги билан бахтдан маст бўлиб, ўзбеклар дўшписини бошига дол қўйди дегандай, кулоҳини қийшиқ қийиб, яна икки қадаҳ ичгач эса жўшиб кетиб, салласини чуватиб ёрга уради. Байт ва уни ўз ичига газал таржимасида муваффақиятли чиққан:

*Сўфий ичган бўлмаса нега кулоҳи қийшаяр,
Икки жом ичса яна салла чувалгай, эй нигор.*

(137)

Бу каби таржималарда ҳофизона маъно, шеърый завқ, оҳанглик, ўйноқлик, муҳими, шоир руҳи тўла акс этган. Масалан, шоир Чустий Ҳофизнинг “Ёраб, он шамъи шабафруз...” деб бошланувчи газалини яхши ағдарган. Мана газалнинг бошловчи ва якунловчи байтлар:

*Ёраб, он шамъишабафруз зи кошонаи кист?
Жони мо сӯхт, бипурсед, ки жононаи кист?*

Таржима:

*Қайси уйнинг шамъидур у, қайси жойда хонаси?
Уртада жонни сӯранг, кимнинг эрур жононаси?*

Ҳофиз:

*Гуфтам: оҳ аз дили девонаи Ҳофиз паи ту,
Зери лаб хандазинон гуфт, ки девонаи кист?*

Таржима:

*Оҳ ким, Ҳофиз дили девонадур сенсиз, дедим,
Шӯх табассум бир-ла: бу кимнинг деди, девонаси?*

(49)

Ҳофизнинг “Даст аз талаб надорам...” деб бошланувчи газали ҳам Хуршид таржимасида маъно жиҳатидан ва шаклан муваффақиятли берилган:

*Даст аз талаб надорам, то коми ман барояд,
Ё тан расад ба жонон, ё жон зи тан барояд,
Бикшой турбатамро баъд аз вафот; бингар,
К-аз оташи дарунам дуд аз кафан барояд.*

(118)

Таржима:

Қўл тортмағум тилакдан лутф этмагунча

дилбар,

*Ё жон чиқар танимдан, ё васл булур муяссар.
Улғич, очиб мазорим, боқинг йўлук танимга,
Бағримда ўт, кафандан кўкка чиқар тутунлар.*

(119)

Ҳофизнинг “Аё соқий, суниб жоминг...”, “Сабо

дегил...”, “Қаёнда ўнгламоқ ишни...”, “Келди масжиддан бу кеч...”, “Ғами токим дилимга...”, “Дил саройи...”, “Дўстлар базми висолин...”, “офтоб каби ҳар кўзга...”, “Сарви равоним не учун...”, “Мен намоз ичра...”, “Тол ости сув лабида...” деб бошланувчи ғазаллари ҳам савияли таржима қилинган.

Умуман, таржима жараёнида сўз маъносига катта аҳамият бериш керак. Биргина калом ҳам катта маъно ташиши мумкин. Ҳофиз эса бу борада маҳорат кўрсатган шоир. Навоий уни бежиз “маъно адосига лофиз” демайди.

Ҳофиз Шерозийнинг машҳур “Агар он турки шерозий...” деб бошланувчи ғазалидаги “Ғиғон, к-ин лўлиёни шўхи ширинкори шаҳрошуб, Чунон бурданд сабр аз дил, ки туркон хоңи яғмор”! байтини Хўршид, “Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар қўлидан дод, Кўнглумдан элтдилар сабрим қилиб туркларча яғмони” (29) тарзида ағдарган. Мазмунан нотўғри таржима эмас. Лекин унда “лўлиён” – лўлилар сўзи акс этмаганлиги Ҳофиз маъносининг тўлақонлигига пўтур етказган.

Маълумки, лўли қизлари аксарининг кўзлари қора, шаҳло, ўзлари эса хушбичим бўлишади. Шўху шаддодлик, фитнаангезлик уларга хос хусусият. Баъзан фол кўриш, сеҳру жоду баҳонасида содда кишиларни шилиб кетишдан ҳам қайтишмайди. Ҳофизнинг лўлилар билан талон-тарож сўзларини муқобил қўллаши ҳам бир томондан шунга ишора. Кўриниб турибдики, Хўршид таржимасида ўша нарса акс этмаган.

Ҳофизнинг “Субҳи давлат медамад, ку жоми ҳамчун офтоб?...” деб бошланувчи ғазалида шундай байт бор:

*Хилвати хос асту жои амну нузҳатгоҳи унс,
Ин ки мебинам ба бедорист, ёраб, ё ба хоб.*

(36)

• (Хос хилват, яъни осойишта жой кўнгил хушлашга мосдир, эй Худо, менинг бу кўраётганларим ўнгимда ёки тушимда содир бўлдаётirmi?) Бу байт Чустий таржимаси:

*Хос хилват тинчу инсонга томоша жойидур,
Буки, мен кўрмоқдаман: ўнгимми, ёраб, ёки хоб.*

(37)

тарзида берилган. Ҳофиз маъноси акс этмаган. Дарҳақиқат, хилват жой шоир айтганидай кўнгил хушлашга қулай, аммо таржимон изоҳлаганидай томоша жойи эмас. Бунинг устига, таржимада мутаржим қўллаган расмий “инсон” сўзи шоир тасвирлаётган муҳитга мос тулмаган. У мисрани тўлдириш учун келтирилган. Шунинг учун шеърхонга гайритабиий туюлади.

Таржимада воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ нарсалар-предметлар, касб-ҳунар, мансаб-вазифага оид номларни сақлаш маъноларни тўғри акс эттиришга хизмат қилади. Уларга юзаки ёндашиш ва нотўғри таржима қилиш шеърхонда янглиш тасаввур туғдиради.

*Воизон, к-ин жилва бар меҳробу минбар мекунанд,
Чун ба хилват мераванд, он кори дигар мекунанд.*

(С.1957. 261)

Воиз, меҳроб сўзлари ўзбек шеърхонига яхши таниш. Улар таржимада айнан сақланса, бўлаверади. Негадир мутаржим Хуршид бу сўзларни ижобий маънода ҳам қўлланувчи домла ва минбар сўзлари билан алмаштиришни маъқул кўрган.

*Домлалар минбар уза сўз қилса такрор ўзгача,
Айлагай хилватда турли фитна бедор ўзгача.*

(109)

Таржимада гап гўё минбарда талаба олдида гаириб, ўзлари панада айтганларига хилоф иш тутаётган

домлалар (ўқитувчилар) ҳақида кетаётгандай туюлади. Ш.Шомухаммедов эса ўз таржимасида воиз ва меҳроб сўзларини сақлаб қолиш орқали кўзланган мақсадга эриша олган:

*Меҳробу минбарда воизлик қилурлар ошкор,
Аммо кўр, хилватда киргач, ўзгачадир қору бор.*¹³⁴

Чустий “Сабо, ту накҳати он зулфи мушкбу дорй” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг яқунловчи байтидаги “савмаа” (Д.1971. 154) сўзини бугхона деб эмас, мадраса деб ағдарган. (191) Ҳолбуки, мусулмонлар христиан динидагиларнинг зиёратгоҳини савмаа дейишган, мадраса эса мусулмонларнинг таҳсил оладиган жойидир.

Ҳофизнинг “Шаробу айши ниҳон чист...” деб бошланувчи ғазалининг:

*Бинӯш бодаи софи ба нолаи дафу чанг,
Ки бастаанд, ба абрешими тараб дили шод.*

(С.1957. 220)

Шоир дил торларининг чанг торларига боғлиқлиги, шунинг учун ҳам унинг нолалари остида бода ичиш афзаллигини таъкидлайди. Чанг ва у билан боғлиқ ўхшатиш ўзбек, қозоқ ва рус тилларига қандай берилганлигини кузатайлик:

*Дафу чанг овози остида соф бодани ич,
Севинч ипақларидан қилди пардасини ижод.*

(69)

*Ҳофизга ўқсап иш шарапти,
Шангебўз куй қўнғиретсин!*¹³⁵

(Абираш Жамшиев таржимаси)

*Как Хафиз, берись за кубок лишь при звуке нежных
струн:*

*Струны сердца перевети нежной шелковин.*¹³⁶

(К.Липскеров)

Кўриниб турибдики, ўзбекча таржимада маъно тўғри акс этган, қозоқчада эса чанг бутунлай бошқа музыка асбоби – чангқовузга айланиб кетган. Натижада, мутаржим иккинчи мисрадаги маънодан воз кечишга мажбур бўлган. Русча ўгирмада эса чанг акс этмай, торлар қолган.

Фазаллардаги нарсалар, касб-ҳунар номларини бир тилдан иккинчи тилга ағдарганда улар яратилган вақт нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда иш кўриш керак. Бу эса давр руҳини акс эттиришда муҳим аҳамиятга эга. Таржимон Э.Воҳидов Ҳофизнинг:

*Бикүшо банди қабо, то бикүшояд дили ман,
Ки кушоде, ки маро буд зи паҳлуи ту буд.*

(Д.1971. 95)

байтини:

*Тугмаларни ечгилу дил мушкулун айла кушод,
Ким очилмоғимга боис дилкушо кокиллларинг*¹³⁷

тарзида ағдарган. Байт маъносининг берилишига эътироз билдирмаганимиз ҳолда “банди қабо-либос боғичи” ўрнига “тугма” сўзининг ишлатилганлиги давр руҳига мос эмаслигини ва шунинг учун эриш туюлишини таъкидламоқчимиз. Ҳофиз замонида либосларда тугма эмас, боғич бўлган. Рус таржимонининг мана бу ўгирмасида ҳам шундай камчиликни кузатиш мумкин:

*Кровь потоками струиться у врачей из рукавов,
Хоть бы руку приложили к сердцу, сжато му*

*втысках!*¹³⁸

“Врач” сўзи билан “табиб” каломи маънолари орасида катта фарқ бор, албатта. Бу ерда таржимон “лекар” сўзини ишлатганда, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳофизнинг “Шаробу айши ниҳон чист...” деб бошланувчи ғазалининг

*Зи ҳасрати лаби Ширин ҳанўз мебинам,
Ки лола медамад аз хоки турбати Фарҳод*

(С.1957. 220)

байтининг мазмуни қўйидагича: Ширин лабларининг ҳасратидан куйган Фарҳод қабри узра униб чиққан лолаларни кўраяпман. Шоир, туби Фарҳод дили каби доғли, ранги Ширин лаби каби майгун, Фарҳод жигар қони янглиғ алвон лолаларга ишора қилиб, улар ошиқ қалбининг қонидан унган, демоқда. Хуршид таржимасида бу мазмун акс этмаган:

*Кўзимнинг олдидаким, Ширин ишқу ҳасратидан,
Ётарди лолалазор ичра ватан тугиб Фарҳод.*

(67)

Кўриниб турибдики, таржимада Ширин лабларининг ҳасратида ёнган Фарҳод лолалар ичра кўкка боққагича, оқ тўртиб ётибди, деган маъно чиқиб қолган.

Ус мутаржими байт маъносини дуруст бера олган:

И теперь ещё я вижу: всходит пурпурный

тюльпан,

Не из крови ли Фархада в страсти к сладной

Ширин!¹³⁹

Кўп маънолилик Шарқ поэтикасига – ташбеҳ-истиоралар, мураккаб санъатлар, кўчма маъноли

ибораларга бориб тақалади. Ҳофиз улардан фойдаланишда маҳорат кўрсатган. Шоир битта байтнинг ўзида оламжаҳон мазмуни мужассам этган:

*Сабо, ба лутф бигў он гизоли раъноро,
Ки сар ба кўху биёбон ту додаи моро.*

(1971. 28)

*Сабо, дегил у кийик гўзали шўх раънога:
Равона қилдинг ўзинг бизни тоғу сахрога.*

(25)

Шоир, эй гўзал, шаҳло кўзинг оҳуникига ўхшаш, шунинг учун биз унинг кўзини кўрмоқ иштиёқида тоғу сахрога чиқиб кетдик, демоқда. Кўриниб турибдики, таржимада ҳам Ҳофиз маъноси яхши акс этган. Шоирнинг “ҳануз” радифли газалини икки таржимон ўзбекчалаштирган. Иккови ҳам муаллиф услуби ва руҳини, маъноларини сақлашга ҳаракат қилган:

*Рўзи аввал рафт динам дар сари зулфайни ту,
То чи хоҳад шуд дар ин савдо саранжомам ханўз.
Аз хато гуфтам шабе зулфи туро мушки Хутан,
Мезанад ҳар лаҳза теги мў бар андомам ханўз.*

(124. ўз)

Хуршид:

*Икки зулфинг боис улди, кетди дин аввалги кун,
Ушбу савдода не бўлғай, йўқса анжомим хануз.
Янгилишиб бир тун сенинг зулфинг дедим мушки*

Хўтан,

Тиг ўлиб ҳар тола тук бузмоқда оромим хануз.

(125)

Жонибек:

Кеча горат бўлди диним икки зулфинг домиди

Ушбу савдода не тус олгай саранжомим ҳануз.

Англишиб тунда Хўтан мушки дедим зулфингни

мен,

Тигдайн ботгай сочинг, қон сочгай анжомим

ҳануз.¹⁴⁰

Ҳар иккисида ҳам Ҳофиз шеърӣ маъноси, оҳаиғи ва кайфияти акс этган. Таржималарда радиф, демак, у билан боғлиқ ҳолда асл нусха муסיқийлиғи ҳам сақланган.

Ҳофиз ўз шеърларида Худо ва пайғамбарлар, афсонавий ва тарихий шахслар, турли воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ном ва аматаларни кўп ишлатади. Уларнинг аксари ўзбекчада форс-тожик тилларига яқин талаффуз қилинади. Шунингдек, бу афсоналар ва шахслар ўзбекларга ҳам яхши таниш. Бу эса мутаржимлар учун қулайлик туғдиради. Хўш, пайғамбарлар ва тарихий шахслар номларига дуч келганда нима иш қилиш керак? Масалан, Ҳофиз ғазалиетида Ёқуб, Юсуф, Исо, Одам Ато, Момо Ҳаво, Кайковус, Баҳром каби исмлар кўп учрайди. Улар кўп халқларда мавжуд. Масалан, Юсуфни грузинлар Иосиф, поляклар Юзеф, украинлар Осаф, италянлар Жузеппе, қозоқлар Жусуп, қирғизлар Усуб тарзида ишлатишади. Ёқубни қозоқ ва қирғизлар Жақўп, руслар Яков, белоруслар Якуб, арманлар Акоп, инглизлар Якоб тарзида қўллайдилар. Яҳудийлар пайғамбари рус тилида Моисей, ўзбекчада Мусо, инглиз тилида Мосес тарзида, Одам ва Ҳаво Европа тиллари Адам и Ева тарзида учрайди. “Диний китобларда зикр этилган авлиёлар, малоика ва пайғамбарларнинг номларини таржима қилишда бутунлай ўзгача йўл тугилади. Бу номларнинг

ҳар хил дин вакиллари томонидан ҳар хил талаффуз этилиши туфайли тилларда қабул қилинган нормаларга рия қилинади”¹⁴¹

Ана шу нуқтаи назардан олганда Ҳофизнинг “Агар он турки шерози...” деб бошланувчи ғазалининг

*Ман аз он ҳусни рӯзафзун, ки Юсуф дошт,
донистам,
Ки ишқ аз пардаи исмат бурун орад Зулайхоро.*
(С.1957. 33)

байтидаги Юсуф ва Зулайхо исмларининг берилишини кузатайлик:

*Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим,
Чиқормиш ишқ номус пардасидан ул Зулайхони.*
(29)

Қозоқчаси:

*Қуштарлүктүнг кўзули отўн кўрдим Жусўп
кўркинен,
Ғашўк болп Зўлұха оған, уят қалдў бугўген.*¹⁴²
Русчаси:

*Красота Юсуфа, знаю, в Зулайхо зажгла желанья,
И была завесы скромной ею сорвана преграда.*¹⁴³

Ўзбекча ва русча таржималарда Юсуф ва Зулайхо сўзлари форс тилидагидай жаранглайди. Ўзбекчада у асл нусха тилидагидай айтилгани учун айнан сақланган бўлса, русча ағдармада бу номлар рус тилида бўлмагани учун ўзгаришсиз қолдирилган. Айни пайтда русча таржима матни пастида бу номлар билан боғлиқ афсона

тилга олинган. Қозоқчада эса исмлар шў тилга хос жаранглайди.

Баъзи ўринларда Ҳофиз маънолари таржимонлари томонидан тўғри тушунилгани ҳолда кўнгилдагидек ағдарилмаган. Мутаржимлар вазн, қофия ва оҳанг тақозоси билан Ҳофиз фикрини тўлақонли акс эттирувчи сўзлардан воз кечиб, бошқа каломларни қўллаганлар. Масалан: “Воизон, к-ин жилва...” деб бошланувчи ғазалдаги қуйидаги байт:

*Мушкиле дорам зи донишманди мажлис бозпурс:
Тавбафармоён чаро худ тавба қамтар мекунад?
(С.1957. 261)*

Мазмуни: мажлис билимдонига бир мушкул саволим бор, тавба қил деб буюрувчиларнинг ўзлари нега кам тавба қиладилар?

Буни Хуршид қуйидагича ағдарган:

*Ушбу мажлиснинг билимдонига бор мушкул савол:
-Тавба бергувчига (?) тавба не учун ор ўзгача (?)*

форсча “тавбафармоён” (тавба қил де буюрувчилар) ўзбекчада “тавба қилувчи” деган маънони билдирмоқда. Яъни, Ҳофизнинг диндорларга кинояси акс этмай қолган.

Ҳофизнинг “Гуфтам: ғами ту дорам...” мисраси билан бошланувчи ғазали ишқ ва маъшуқа суҳбатидан иборатдир. Савол-жавобларда киноя-қочирим омухта. Бу ғазал жонлилигини, ўқилишлилигини оширган. У айтишувга ўхшаб кетади. Ушбу ажойиб ғазалнинг кўшгина байтлари Хуршид томонидан муваффақиятли ўзбекчалаштирилгани ҳолда баъзи ўринларда вазн ва қофия йўлида маъно қурбон қилинган. Масалан:

*Гуфтам, ки: бӯйи зулфат гумроҳи оламам кард,
Гуфто: агар бидони ҳам ут раҳбар ояд.*

(76)

Яъни: зулфинг хушбӯйлигидан беҳуш бўлиб, йўлимни йўқотдим, яъни оламда энг гумроҳ одамга айландим, дедим. У, агар билсанг, худди ўша хушбӯй ҳиднинг ўзи сенга йўл кўрсатувчи ҳам, деди.

Маҳбубанинг ўз ошиғига ноз-истиғнолар билан шундай жавоб бериши табиий. Байт ёрнинг олдинги мисралардаги жавобларини қувватлаб-тўлдириб келган. Ўзбекчада эса гўзалнинг жавоби томдан тараша тушгандай, яъни ошиқ-маъшуқларнинг ёқимли савол-жавобларига, руҳиятига мос тушмайдиган даражада қўпол чиқиб қолган. Маҳбубанинг жавоби ошиқ гапига мос эмас.

*Дедим: сочинг исси-ла йўлдан бутун адашдим,
Дедики: бандалик эт, бўлгай нигор хотам.*

(77)

Ҳазал таржимасида бадиий таҳрирга, пишитишга муҳтож мисралар анчагина. Жумладан:

Гуфтам, ки моҳи ман шав, гуфто, агар барояд

(Менинг оғим бўлгин деган эдим, у, агар бундан бирор нарса чиқса ёки ой чиқса, деди) сатри таржимаси:

Дедимки, менга бул ой, деди: чиқар бирор дам(?)

ва:

*Гуфтам ки, бар хаёлат роҳи назар бубандам,
Гуфто ки, шабрав аст ў, аз роҳи дигар ояд.*

(Хаёлинг орзуси билан йўлингга кўз тутдим, дедим, у,
тунда кезувчи бошқа йўлдан келади, деди) байги
таржимаси:

Дедим: хаёлинг ила термулдим кўз йўлингга!

Дедики: тун борарнинг сўқмоғи бошқа олам.

Таржимада Ҳофиз маъноси умумий тарзда акс этган бўлсада, иккинчи мисра таҳрирга муҳтож. “Сўқмоғи бошқа олам” бирикмаси кўнгилдагидай чиқмаган. Қофия учун қўлланилган “олам” сўзи эса мавҳумлик келтириб чиқарган.

Ҳофиз шеърятини маъноларини ўзбек ўқувчиларига тўлиқ етказиш ҳақида гап кетар экан, 1958 йилда Тошкентда чиқарилган ўзбекча ғазаллар мажмуаси корректураси хусусида ҳам алоҳида гўхталиб ўтиш жоиз. Тўпламнинг бир саҳифасида ғазал ва рубоийлар таржимаси, бир бетида эса унинг асл нусхаси араб алифбосида берилган. Бу шеърят мухлисларининг асл нусхани ҳам ўқиб, завқ-шавқ олишлари (араб алифбоси ва форс тилини биладиғанлар, албатта) ағдармаларни у билан солиштириб кўришлари имконини беради. Аммо форсча матнда ҳам ғазал қурилиши бузилишлари, хатоликлар учрайди. Улар ғазаллар маъносига салбий таъсир кўратган. Асл нусха ва таржимада байтларнинг турли жойларда келиши деярли ҳар бир ғазалда учрайди. Жумладан, “Ало-ё айюҳассоқй...”, “Сабр, ба луғф бигў...”, “Салоҳи қор кужову...”, “Соқи, ба нури бода барафрўз...”, “Ёрам, чу қадаҳ ба даст гирад”, “Дил аз ман бурду...” деб бошланувчи ғазалларда шундай ҳолни кўриш мумкин. Эътиборсизлик оқибатида китобнинг 77-бетидаги “Дединг, гаминг чекарман...” мисраси билан бошланувчи ғазал охириги байтининг иккинчи мисраси 79-бетидаги “Дедимки, хато қилдинг...” деб бошланувчи ғазал

матлаъининг иккинчи мисраси бўлиб кетган. Мусаҳҳиҳнинг мумутоз шеърийят қонун-қоидаларидан беҳабарлариги, шоир номи, асосан, газал охирида келишини, араб ёзуви форс тилини матлаъ (бошловчи байт)нинг ҳамиша а-а тарзида қофияланишини билмаслиги шундай хатонинг ўтиб кетишига олиб келан.

Шунинг учун Воҳид Зоҳидов “афсуски, адабий ёдгорликлар нашрларнинг барчасини ҳам юксак савияда ва қониқарли деб бўлмайди. Бу борада жиддий ва қўпол хатоларга йўл қўйилган. Анчагина сўзларни ғалат ўқиш, ёзиш ва нотўғри талқин қилишлар, ноўрин танлаш ва қисқартиришлар, матбаа хатолари ўрин олган”,¹⁴⁴ – дейди.

Ҳофиз газалларининг ўзбекча таржималарида йўл қўйилган имло хатолари байтлар маъноларига путур етказган ўринлар оз эмас. Масалан:

*Ер юзидан ўзгаси манзур эмас,
Хушни банд этгувчи ҳар суратки бор.*

(101)

*Қиюлмас бундай ти Ҳофизга душман,
Қачон ё қошлар отса тири мужгон.*

(99)

Бир мақомда сайр этиб, тош лаъл бўлган

ойидалар,

Бўлса-ю аммо жигар қони-да бўлгай эътибор.

(93)

*Дедим: лабинг майининг орзуси бир-ла ўлдим,
Дедики: сабр қилсанг, бўлгуси дардга марҳам.*

(77)

*Нечук шукр қилай, эй гам селі, кечирсин ҳақ,
Ки мендан ўлмас эдинг кимеасиз чоғимда жуда.*

(141)

Ҳолбуки, тагига чизилган сўзлар “ер юзи”, “ёй”, “дейдилар”, “малҳам”, “жудо” тарзида ёзилиши керак эди. Ҳофизинг “шамъдек” радифли ғазалининг:

*Менга ҳижрон кечаси йўлла висол парвонасин;
Йўқса, оҳим тайлагай оламни вайрон шамъдек*

байтидаги “йўлла” буйруқ феъли мусаҳҳиҳ айби билан “йўлда” бўлиб кетган (139). Бу мисра мазмунини мавҳумлаштирган. В.Зоҳидов бу байтни иқтибос сифатида келтирганда унинг маъносини аниқлаштириш мақсадида бўлса керак, дастлабки мисрани “Менга ҳижрон кечаси йўлда висол парвонаси” тарзида ўзгартирган.¹⁴⁵ Натижада, бутунлай бошқача маъно чиқиб қолган.

Ҳа, иш бўлган жойда камчилик бўлиши мумкин. Гап уни тузатиш, бартараф эта боришда. Уйлаймизки, Ҳофиз девонининг кейинги нашрларида бу каби нуқсонлар бартараф этилади.

Улуғ шоир ғазал ва рубойлари, таржеъбанд ва “Соқийнома”ларининг таржима ҳамда шарҳлари унинг тобора оммалашиб бораётганини, ўлмас шеърятни қайси миллат фарзандлари бўлмасин ва қай даврда яшамасин, миллионлаб қалбларни забт этаётганлигидан далолат беради.

ҲОФИЗ ТАРЖИМОНЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Ҳофиз Шерозий Саъдийдан кейин ғазал жанрини камолга етказишга энг кўп ҳисса қўшган шоир. Маълумки, Саъдий ва унинг замондошлари даврида ғазал поэзиянинг алоҳида формаси сифатида ажралиб чиқди. Унинг мавзу доираси кенгайиб, асосий қонун-қоидалар таркиб топди. Шибли Нуъмонийнинг таъкидлашича, Авҳадий, Аттор, Жалолиддин Румий, Ироқий каби сўфий шоирлар ҳам ғазал жанрида ёздилар, аммо уларнинг шеърлари етарлича оммалашмади, чунки бу ижодкорлардаги мавзу чекланганлиги, фақат мистик севиғини улуғлаш бунга имкон бермади. Саъдий ғазалларида эса Худони севиш ҳам, дунёвий севиғи ҳам мужассам эди. “шунинг учун унинг ғазаллари туғила бошлаган нарса кейинчалик бутун Эронни оташда ёқди”¹⁴⁶ Саъдийнинг асосий хизматларидан бири шундаки, у ғазалнинг ўзига хос жиҳатларини ишлаб чиқди. Яъни, улар ўйноқилиги, латифлиги, муסיқийлигига катта эътибор берди. Ғазал тили бошқа шеърый жанрларникидан ажралиб турадиган бўлди. Унинг кўи қофиялилиги, ички қофиялари, радифи Саъдий даврида вужудга келиб, ривожланди. Ғазалда матлаъ ва мақъаънинг барқарорлашуви давом этди. Шунинг учун ҳам Навоий ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида “ғазалда мухтарии вақт (ихтирочи – М.А.) шайх Муслиҳиддин Саъдий ва ягонаи аср Хожа Ҳофиз Шерозий...”¹⁴⁷ деган эди.

Ғарчи ғазал алоҳида шеър формаси сифатида ажралиб чиққан бўлса-да, Саъдий ижодида ўзининг камолот чўққисига чиқа олмади. Масалан, ҳали ҳар бир байтнинг маъно-мазмунан мустақилликка интилиши жараёни давом этаётган эди. Бунинг устига, тахаллуснинг ғазал

мақтайдан ўрин олиши қатъий одат тусига кирмаганди. Саъдийнинг баъзи ғазалларида тахаллус, ҳатто, матлаъда ҳам учрайди, баъзиларида эса у умуман йўқ.

Ғазал Саъдийдан сал кейинроқ яшаб, ижод этган Ҳофиз Шерозий ижодида камолга етди. Шунинг учун академик А. Мирзоев “Шахсан Ҳофиз ва унинг замондошлари ижоди билан ғазалнинг жанр сифатидаги тараққиётига яқун ясалди”,¹⁴⁸ дейди. Ҳофиз ғазалларида тахаллуснинг мақтаъдан ўрин олиши қатъий одат тусига кирди. Маъно жиҳатдан мустақиллиги таъминланди. Ҳатто, ғазалдаги баъзи байтларни (матлаъ ва мақтаъдан ташқари) ташлаб кетса ҳам унинг умумий мазмунига путур етмайдиган бўлди. Ҳофиз ғазал мавзуини жуда кенгайтди. Унга фалсафий ва сиёсий қарашлар ва фикрларни қистириб ўтадиган бўлди. Ғазаллар тили янада латифроқ, нозикроқ, гўзалроқ бўла бошлади.

Ҳофиз арузнинг турли баҳрларида ўз қалам кучини синаб кўрган шоир. Маълумки, аруз илми Арабистондан келиб чиққан. Аруз сўзи шу ерда водий нөмидан олингандир. Водий кишилари кўркам ва серҳашам ўтов тиклаганлар. Уни байт деб аташган. Ўтовнинг тўрт устун эса рукнлар деб аталган. Шеъринг вазн арузда ҳам рукнлар муҳим роль ўйнайди. Ғазалда ана шу ритмик бўлақлар байтларни ташкил этади. Назм аъзои вазнини уч рукн-сабаб, ватад, фосила билан ўлчайди. Бу ҳаракатли ва сокин ҳарфларнинг жойлашишига, ҳарфларнинг узун ёхуд қисқа ўқилишига катта эътибор берилади, демак. Оҳангнинг маълум меъёрида қайтарилиб туриши натижасида ғазаллар мусиқий чиқади. Ўқилмайди, қарийб куйланади. Шоирнинг қайси баҳр ва вазнда шеър битиши унинг кайфиятига, ғазалда айтмоқчи бўлган фикрига ва шу каби омилларга боғлиқ. Масалан, хуш кайфиятдаги, кўтаринки ғазаллар учун, асосан, энгил

ўқилувчи, ўйноқи вазнлар, маъюс, ўйчан ғазаллар учун эса бирмунча салмоқли вазнлар танланган. Ҳофиз ғазаллари хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Улар қайси вазнда бўлмасин, баркамоллиги билан фикрни тортади.

Демак, ғазал вазн, ҳижо, оҳанг, қофия, радифлар воситасида иш кўрадиган мураккаб шеърий шаклдир. Унда шеърий санъатлардан: иғроқ, литота (кичрайтириш), тазод, тажнис, китобат, такрор, ружуъ ва бошқалардан маҳорат билан фойдаланиш мумкин.

Ҳофиз ўздан олдин ўтган Шарқ шеърияти даҳолари анъаналарини дадиллик билан давом эттирди. Алишер Навоий, ғазал энг ками 7 байтдан иборат бўлишини таъкидлаган эди. Ҳофиз ижодий меросини текшириш, унда, айниқса, 7,8,9 байтли ғазаллар кўпчиликини ташкил қилишини кўрсатади. Узоққа бормаилик, шоирнинг 1971 йилда Душанбедаги “Ирфон” нашриётида чоп этилган “Ашъори гузида” (Танланган шеърлар) китобида кўздан кечириш кифоя. Мажмуадаги 137 та ғазалдан 17 тасини 7 байтли, 31 тасини 9 байтли, 27 тасини 8 байтли, 11 тасини 10 байтли, 6 тасини 6 байтли, 3 тасини 5 байтли, 4 тасини 12 байтли, 1 тасини 14 байтли, 1 тасини эса 15 байтли ғазаллар ташкил этади. Ҳофизнинг бошқа девонларида ҳам 7 ва 9 байтли ғазаллар нисбатан кўпдир.

Ҳофиз ғазалларини таржима этиш учун ҳам, аввало, у қалам тебратган форс-тожик тилини билиш керак. Чунки Б.Томашевский таъкидлаганидек, шеър тузилиши нақадар ўзига хос бўлмасин, у тилга мансуб ҳамда миллий тил формалари чегарасида такрорланмасдир.¹⁴⁹ Шеърият ҳамма вақт санъатнинг миллий формаси бўлиб қолиши сабаби ҳам ана шунда. Муаллиф руҳига кириб бориш учун, аввало, асл нусха тилини пухта билиш лозим. Таржимоннинг ўзи ағдараётган асар тилини билишига, асл нусхадан таржима қилишига нима етсин.

Аввало, шеърни бошқа тилга ағдариш учун таржимондан нималар талаб этилади. Профессор Ш.Шомуҳаммедов таъбирича, шеърин таржима қилиш учун, аввало, таржимоннинг ўзи поэтик талантга эга бўлиши керак.¹⁵⁰ Шунингдек, у рассом, ҳам олим бўлиши,¹⁵¹ ўзи ағдараётган шоир ижодини тадқиқ қилиши, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилай олиши лозим. Таржима қилаётганда, эркин ағдаришга ҳам, ҳижжалаб ўгиришга йўл қўймаслиги, меъёрни билиши талаб этилади. Тўғри, айрим илм аҳллари, адабиётшунос ва таржимонлар ағдаришда эркинлик тарафдори. Масалан, А.Антокольский "... эркинлик поэтик ижоднинг бош шартидири. Айниқса, таржимада бу яна ҳам зарур",¹⁵² дейди.

Таржима ҳеч қачон асл нуханинг барча тароватини, ҳамма қирраларини ўзида акс эттира олмайди. Шунинг учун бўлса керак, Л.Мкртчян ўзининг "Ҳаққонийлик ва аниқлик" сарлавҳали мақоласида: "Бадий асарни аниқ таржима қилишга мен ишонмайман. Қуруқ маъно берилган бўлса-ю, шира қолиб кетса, асарни таржима қилинди деб ишонинг гўлликдир",¹⁵³ деб шеърин таржимани ҳам назарда тутса, фақат мундарижани таржима қилиш билан иш битмаслигини таъкидласа, А.Фет "Гениал асарнинг ажралмас хусусияти бўлган шаклнинг умумий жозибасини қисман бўлса-да, бера олган таржимондир",¹⁵⁴ дейди. Дарҳақиқат, шеър шаклини таржимада бериш хусусида гап кетар экан, ғазал вазни, оҳанги, қофия, радифи, унда шеърин санъатлар-тажнис, ифрок, такрор ва бошқаларни акс эттириш лозимлиги эътиборни тортади. Албатта, таржима жараёнида асар савияси, шоир услуби, миллий руҳ, шеърнинг эстетик қимматини бериш ҳам таржимон назарида туради. Ғазалда, ҳагто, ҳар бир сўз ва ҳарф, товуш муҳим ўрин

тутишини таъкидлаш керак. Ғазал каби шарқ шеърлятига хос, миллий характерга эга шеърй жанрни поэтик анъаналари ўзгача рус ва бошқа Европа тилларига ўгиришда мутаржим олдида Шарқ назмига хос анъаналар: буйни сарвга, қошни ёйга, сочи тунга, қизил ёноқни анорга, лаб ва қошни нунга, қоматни алифга, белни толга, киприкни ёй ўқиға, тишни дурга, кўзни оҳу чашмига, зулфий домга ўхшатилиши ва бошқалар араб ёзуви билан алоқада бўлган ташбеҳларни бериш, афсоналар билан боғлиқ ном ва атамаларни етказишдек бир қатор муаммолар кўндаланг бўлади. Уларни муваффақиятли ҳал этиш катта маҳорат ва билим, ижодий топқирлик ва дадиллик, тадқиқ ва изланиш талаб этади.

Жанр муаммоси миллийлик билан боғлиқ. Ғазал Шарқ шеърлятига хос ҳодиса бўлиб, у Ғарб шеърхонлари учун бегона. Ҳофиз ва бошқа Шарқ шоирларининг ғазаллари немис ва европадаги бошқа тиллар учун сунъий бўлган арузда таржима қилинганда, муваффақият қозонмаганлиги маълум. Аммо бу муваффақиятсизлик ғазал ва рубоийларни Европа тилларига фақат силлаботоник вазнда таржима қилиш керак экан-да, деган маънони бермайди. Маълумки, немис, инглиз, рус таржимонлари кўилаб ғазалларни а-а, б-б тарзида қофиялаб, радифлари ва шеърй санъатларини сақлаб, ўз тилларидаги ғазал вази ва оҳангига яқин ўқилувчи шеър формалари билан муваффақиятли бера олганлар.

Ғазал мазмуни, вази, оҳанги, қофия ва радифи унинг бадий қувватини белгиловчи тош-тарозилардир. Таржимада уларнинг битгаси акс этмаса, ўгирма асл нуханинг битга муҳим фазилатидан маҳрум бўлади. Масалан, Саъдийнинг “Эй сорбон, оҳиста рон к-орони жонам меравад” матлаъи, маъносининг чуқур ҳиссиёти, айрилиқ олдидаги руҳиятини, ғам-алам ва

Ўтинчини ифодаловчи ғазалини ёхуд Рудакийнинг “Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме. Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме” матълали, рамали мусаддаси маҳзуф вазнида битилган, соғинч ва айрилиқ дардида ўртанган киши тилидан айтилаётган ғазалини анча енгил ва ўйноқи оҳангда ўқилувчан, қувноқ кайфиятни ифодаловчи:

*Не ба уштур бар саворам, не чу уштур зери борам,
Не Худованди раият, не гуломи шахриёрам.*

(Минишга уловим ҳам, туяда юким ҳам йўқ, Худо йўлидаги одамман-у на шоҳлар қулиман) байти битилган рамал баҳрининг мусаммани солим бериб бўладими? Тўғри, бу уч байтни ўқиганда ҳам кишининг кўз ўнгида бир хил манзара: қўнғироқларини жирингла тиб кетаётган туялар карвони жонланади. Лекин улар юришида, руҳиятида катта фарқ бор. Дастлабки икки байтда туялар карвонининг оҳиста қадам ташлаши маъюслик ҳиссиётлари билан уйғунлашган. Ғазаллар ҳазинлик билан ўқилади. Учинчи байтда эса карвоннинг бирмунча тезроқ юраётгани, беғам ва озод кишининг қувноқ кайфияти ўз аксини топган. Демак, ғазални таржима қилаётган-да, худди ана шу муҳим жиҳатларни - вазн ва оҳангни, ўзига хосликни илғаб олиш зарур.

“Агар таржимада вазн, оҳанг, шеърий қаторлар ва услуб сақланмас экан, асар ўзининг миллий қиёфасини бутунлай йўқотади”,¹⁵⁵ деб ёзади Абдулла Орипов. Данте “Илоҳий комедияси”нинг моҳир таржимони қаторлар деганда, асосан, шеърий асар қурилишини назарда тутмоқда. Шеър-қурилишининг бузилишига йўл қўйилиши унинг маъноси, бадиий қувватига катта зарар еткази. Бизда бундай ҳолларга, афсўски, тез-тез йўл қўйилмоқда. Таржимонлар ағдарилаётган шеърни ё

Ўринсиз қисқартириб юборадилар ёхуд унга ўзларидан сатрлар қўшадилар. Ҳар бир асар асл нусха ҳолида ўқувчиларда ютуқ ва камчиликлари билан қандай таассурот қолдирган бўлса, таржимаси ҳам худди шундай кайфият туғдириши лозим. Унинг заиф жойларини қисқартириш, афзаллигини ошириш учун қўшимчалар киритиш, яъни йўқ сифатларни бахш этиш нотўғридир. Бундай қилиш, таржимоннинг ўз-ўзини тавсия этиши деб баҳоланмоғи лозим. Чунки ташлаб кетилган ҳар қандай парчада ҳам диққатга сазовор нимадир бўлади. Ҳазалда, ҳатто, сўз ҳам муҳим маъно ташиши мумкин.

Ҳазалларни таржима этганда, бошқа муҳим сифатларини назардан қочирмаган ҳолда қурилишини сақлашга эътиборни қаратиш керак. Уларни маъноси, вазни, радифи ва қофияларини сақлаган ҳолда бошқа тилга кўчириш шоир куйини, бинобарин, кайфият ва туйғуларини акс эттириш демакдир. Ўғирмада фақат байт маъноларини бериш билан муваффақиятга эришиш қийин. Мана бир мисол. Машҳур тожик шоири Рудакийнинг ҳикмат даражасига кўтарилган:

*Ҳар ки н-омӯхт аз гузашти рӯзгор,
Низ н-омӯзад зи ҳеч омӯзгор*

байтини М.Муинзода ва Ш.Шомуҳаммедовлар ўзбекчалаштиришган.

Таржималари:

*Ҳаёт сабоқларин этолмаса ёд,
Уни ўргатолмас ҳеч қандай устод.*

(М.Муинзода)

*Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим,
Унд ўргатолмас ҳеч бир муаллим.*

(Ш.Шомуҳаммедов)

Таржималарнинг ҳар икковида ҳам байт маъноси тўғри ифодаланган. Аммо оҳангдорликда ва шоир поэтик фикрини етказишда Ш.Шомуҳаммедов таржимаси устун. Шу боисдаи ҳам у ўзбеклар орасида асл нусхадай машҳур.

Форс-тожик тилидаги ғазалларни таржима қилишга жазм этган ўзбек мутаржимлари рус таржимонларига қараганда бир қадар қулайликка эгалар, албатта. Ўзбек ва форс-тожик шеърини анъаналарининг бир-бирига ўхшашлиги, бу халқлар кўпгина урф-одаглариининг муштараклиги шулар жумласидандир. Гарчи ўзбек ва форс-тожик тиллари сўз қурилиши жиҳатидан бошқа-бошқа гуруҳларга мансуб бўлсалар-да, уларнинг ҳар иккисида бир хил маъно билдирувчи сўзлар кўп. Бунинг устига, баъзи форс-тожик тилидаги сўзларнинг ўзбеклар, туркийча сўзларни эса тожиклар фаҳмлаши ишни янада осонлаштиради. Бундай яқинлик форс-тожик тилидаги баъзи байтларни ўзбекчага айнан кўчириш ёхуд ўзбекча мисраларни жузъий ўзгартиришлар билан тожикчалаштириш имконини беради. В.Раҳмон ўзининг “Шероз булбули наволари” мақоласида Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги:

*Суманбарлар бари зебову нозук,
Хунарварлар бағоят чусту чобук*

байтини таржимон Муҳиддин Аминзода

*Суманбарҳо ҳама зебову нозук,
Хунарварҳо бағоят чусту чобук*

тарзида, салгина ўзгартириш билан берганлигини кўрсатиб ўтган. Аммо адабиётшуноснинг ундан чиқарган хулосасига қўшилиб бўлмайди. “Афсуски, – дейди В.Раҳмонов, - форс-тожик адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржимасида бундай қулайликлар ҳозирги

вақтда мавжуд эмас. Нега бундай? Гап шундаки, ўзбек таржимони асл нусхадаги деярли барча сўзларни она тилига ўгириб чиқишга мажбурдир”¹⁵⁶

Кўриниб турибдики, муаллиф “нега бундай?” деб ўзи қўйган саволга жавоб бермаяпти. Адабиётшунос нега энди ўзбек таржимони асл нусхадаги барча сўзларни она тилига таржима қилишга мажбур бўлишини кўрсатмайди.

Тўғри, ўзбеки тили илгариги туркий тилга қараганда анча ўзгарди. Бу кўироқ рус тилининг таъсири, фан-техниканинг тараққиёти билан боғлиқ. Аммо бу олдинги даврларда ишлатилган сўзлар эндиликда ўзбеклар учун тушунарсиз бўлиб қолди, деган гап эмас. Ҳозир ҳам форстожик тилидаги баъзи байтларнинг айрим сўзларинигина таржима қилиб, ўзбек шеърхонига етказиш мумкин. Чустийнинг Ҳофиз таржеъбандини, М.Муйинзоданинг шоир “Соқийнома” сини муваффақиятли ағдарганлигининг сабабларидан бири ҳам уларнинг ана шу имкониятдан усталик билан фойдаланганликларида. Мутаржимлар байтлардаги айрим сўзларни ўгириш билангина олти ярим аср муқаддам (!) яшаб ўтган Ҳофиз назм дурдоналарини ўзбек шеърхонига етказа олганлар. Фикримизнинг исботи сифатида шоир таржеъбанди ва унинг таржимасидан мисоллар келтирамиз.

Форсчаси:

*Эй сарви суманбари гуландом,
Аз орази ту хижил маҳи шом.*

(С.1957. 546)

Ўзбекчаси:

*Эй қомати сарву гуландом,
Хижлатда юзингдан ой ҳар оқшом.*

(236)

Форчаси:

*Эй роҳати жони беқарорам,
Уммеди дили умедворам!*

(547)

Ўзбекчаси:

*Жон роҳати – севгили нигорим,
Орзули дилим умиди ёрим.*

(237)

Ёки “Соқийнома”дан муганнийга мурожаат қилинган айрим байтларни олиб кўрайлик:

Форчаси:

*Муганни, навои тараб соз кун!
Ба қавлу газал қисса оғоз кун!*

(552)

Ўзбекчаси:

*Муганний, қувонч нағмаси оғоз қил,
Газал йўлида қисса оғоз қил.*

(247)

Форчаси:

*Муганни, дафу чангро соз деҳ,
Ба ёрони хушнагма овоз деҳ.*

(552)

Ўзбекчаси:

*Муганний, дафу чангга соз бер,
Ҳарифларга ёқимли овоз бер.*

(247)

Форсчаси:

*Муганни, биё удро соз кун!
Наво ин навои нав оғоз кун!*

(552)

Ўзбекчаси:

*Муганний, келиб удни соз эт!
Навони янги йўлда оғоз эт!*

(249)

Кўриниб турибдики, ўзбек таржимони катта қулайликка эга. Ҳофиз ғазалларини таржима этишда ҳам ана шу лугавий ва услубий яқинликдан самарали фойдаланиш мумкин.

XX асрнинг бошида Ҳофиз ғазаллари туркий тилларга таржима қилина бошланди. Татар адиби Муҳаммад Аҳмад Жалил, ўзбек шоири Абдулла Авлонийлар шундай заҳматли ва шарафли ишга қўл уришди. Шу ўринда адабиётшунос олим Н.Комиловнинг “ўзбек таржимонлари, асосан, йирик эпик асарларни таржима қилиш билан шуғулланганлар. Кичик ҳажмдаги лирик асарлар (ғазал, рубоий, қитъа, қасида) алоҳида ҳолда деярли таржима қилимаган деса бўлади”,¹⁵⁷ деган гапи ёдга тушади. Унга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, инқилобдан олдинроқ ўзбекларда ҳам рус халқи таъсирида кичик ҳажмдаги лирик асарлар таржима этила бошланди. Тўғри, Алишер Навоий даврида ҳам у қадар катта бўлмаган асарлар ўтирилган. Масалан, Навоийнинг ўзи Жомийнинг 40 та мустақил қитъадан иборат “Арбаин”ини ўзбекчалапгирган. У бу ишга бел боғлар экан, асар бошида қуйидагиларни айтади:

*Наср ила назмни мураккаб этиб,
Форсий лафз била муруттаб этиб,
“Арбаин”е чиқордиким, жонлар,
Балки қирқ арбаин чиқоргонлар.
Топтилар анда нашъаи мақсуд,
“Арбаин”дан нечукки аҳли муҳуд.
Форсийдонлар айлабон идрок,
Ори эрди бу лафздин атрок.
Истадимки, бу халқ ҳам бори
Бўлмагайлар бу нафдан орий.*

Лекин бундай шеърий таржималар кам бўлганлигини таъкидлаш жоиздир.

Умуман, юқоридаги мисоллар ва таржимонлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик лирик асарлар, жумладан, ғазаллар таржимаси ҳам катта изланиш, билим, малака, маҳорат талаб этади. Ғазалнинг ўзига хос хусусиятларини бермасдан туриб, яъни қурилишини сақламасдан, қофия, радиф, вазн, туроқ, шеърий санъатларини бошқа тилда қайта яратмасдан туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Хўш, ўзбек мугаржимлари ғазал тош-тарозилари бўлмиш ана шу шаклий хусусиятларни акс эттиришга қандай ёндашадилар?

МУКАММАЛЛИК ВА МУТАНОСИБЛИК ШАРТИ

Композиция – лотинча композитио сўзидан олинган бўлиб, тузилиш, қурилиш, таркиб маъноларини беради.¹⁵⁸ Композиция бадий асардаги қисмлар, образлар, бадий воситаларнинг муайян гоъвий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашишидир. Демак, асар мазмунини мукамал тусда реалаштирувчи шаклий категориядир. Асарнинг қурилиши, биносини ташкил этувчи композиция ижодкордан катта маҳорат, қунт ва иштиёқ талаб қилади. Унинг муваффақияти ҳам кўп жиҳатдан ана шу муҳим категорияга боғлиқ. Ана шундан келиб чиққан ҳолда асар хоҳ у шеърӣй, хоҳ у насрий бўлсин, бошқа тилга ағдараётганда, таржимон унинг композициясини сақлашга диққатни қаратмоғи лозим. Маълумки, аваллари мутаржимлар бирор асарни таржима қилганда, уни қисқартириш, ўқувчилар дидига мослаштириш, соддалаштириш, маҳаллийлаштириш йўлини тутганлар. Айримлар эса сиёсий, диний ва бошқа мақсадларни кўзлаб, ўзларидан катта-катта парчалар қўшганлар, композициясини бузиб юборганлар. Шунинг учун ҳам улуғ аллома Абу Райҳон Беруний “Калила ва Димна” асари таржималари ҳақида афсусланиб: “Калила ва Димна” китоби деб машҳур бўлган “Панчатантра” деган китобни имконият топиб таржима қилсам деган орзуим бор. Чунки китоб Абдулла ибн ал-Муқаффа каби ўзгартириб юбормасликларига инониб бўлмайдиган бир гуруҳ кишилар тили билан ҳиндчадан форсчага, сўнгра форсчадан арабчага таржима қилиниб келди. Абдуллаҳ ибн Муқаффа “Калила” китобига (ўзидан) Барзовайҳ бобини қўшди, бундан мақсади динга эътиқодлари кучсиз кишиларни шак-шубҳада қолдириш ва уларни Маннония мазҳабига чақираётганларга зарба бериш эди. (Китобга)

боб қўшиб, ишончсиз бўлган киши таржимада ҳам (жумла) орттириб, ишончсиз бўлишдан четда қололмайди”¹⁵⁹ – деб ёзганди.

Ҳар бир асарнинг ютуқ ва камчилиги уни композицион яхлитликда олиб қарагандагина кўзга яққол ташланади. Таржима мобайнида асарга қўшимчалар киритиш, қисқартириш ва ислоҳлар қилиш унга салбий таъсир кўрсатиши, асл нусха қиёфасини ўзгартириб, таниб бўлмайдиган ҳолга тушириб қўйиши турган гап. Таржимон асар доирасидан четга чиқмаслиги, асл нусхани ютуқ ва камчиликлари билан ағдаравериши керак. Битта сўз ҳам маъно ташиши мумкин. Қисқартириш эса шеърга узукка кўз қўйгандай бўлиб турган поэтик фикрни юлиб ташлаши, ўғирмани асл нусхадаги муҳим фазилатдан маҳрум қилиши мумкин.

Бу фикр Ҳофиз ғазалларига ҳам тааллуқли, албатта. Бирор байтни олиб ташлаш ғазал маъносига путур етказганидек, унга суст маъноли, шеърий завқи паст байт қўйиш ҳам гавҳар шодаларига мунчоқ аралаштириш билан тенг. Тўғри, Ҳофиз ғазалларининг кўпчилигида композиция мусалсал ғазаллардагидек барқарор эмас, уларда экспозиция, тугун, асарнинг энг юқори нуқтаси, ечим сўнгари омиллар тўла-тўкис кўринавермайди. Лекин бу Ҳофиз ғазалларидаги исталган байтни олиб ташласа ҳам маъносига путур етмас эканда, деган фикрни туғдирмаслиги керак. Ҳофиз ғазаллари ўз матлаъ ва мақтаъи, баъзан кульминацион нуқтасига эга. Улар қофия ва радифи, ташбеҳлари, бошқа шеърий санъатлари билан бир-бирини тўлдириб, қувватлаб-таъкидлаб келувчи байтлардан ташкил топгандир. Шоирнинг мусалсал, воқебанд ғазаллари ҳам оз эмас. Уларда мавзу ва композицион яхлитлик кўзга ташланади.

Хўш, мутаржимлар Ҳофиз ғазалларини таржима

қилганда, уларнинг композициясини сақлашга қандай ёндашганлар? Шоирнинг ўзбекчалаштирилган 82 та ғазалидан кўпи 23 тасини 7 байтли, 17 тасини 8 байтли, 17 тасини 9 байтли, 7 тасини 10 байтли, қолганларини эса 11, 12 ва 14 байтли ғазаллар ташкил этади. Таржимонларимиз уларни ағдарганда эквивалентликка – тенг сатрликка эришиш, композициясини сақлаш орқали Ҳофиз фикр-ўйини, ҳис-туйғусини ўзбек ғазалхонларига етказишга ҳаракат қилишган. Изланиш бор жойда муваффақият бўлади, албатта. Шоирнинг “Дўш аз масжид сўи майхона омад пири мо”, “Соқие, бархезу дардеҳ жомро”, “Ғамаш то дар дилам маъво гирифтаст”, “Гул дар бару май дар кафу маъшуқа ба ком аст”, “Саҳни бўстон завқбахшу суҳбати ёрон хуш аст”, “Ёраб он шамъи шабафрўз зи кошонаи кист?”, “Гуфтам: ғами ту дорам, гуфто: ғамат сарояд” мисралари билан бошланувчи ва бошқа бир қатор ғазаллари композицияси бузилмаган, улар қисқартириш ва қўшимчалардан, байт алмаштиришлардан холи.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ҳофизнинг айрим ғазаллари парокандага ўхшаб кўринса-да, ички боғланиш ва яхлитликка эга. Шоир уларда тасвир изчиллигига эришиш, дастлабки байтда айтган фикрни кучайтириб боришга эътиборни қаратган. Масалан:

*Эй бод, нишони ёр эрурсан,
Дилбар соридан чонар эрурсан.
Зинҳор кўлингни чўзма, сақлан,
Зулфин силаб айбдор эрурсан.
Эй гул, ёзига не нисбатинг бор?
У мушқу тиканга ёр эрурсан,
Наргис, қанисан у маст кўзлар
Кайфин сурару хумор эрурсан.*

*Эй сарв, у баланд қад олдйда сен
Бог ичра кам эътибор эрурсан.
Эй ақл, унинг ишқига берилдинг,
Бу чоқда бахтиёр эрурсан.
Ҳофиз, сенга васл улур муяссар,
Гар сабрда барқарор улурсан.*

(Т.1958. 185. Хуршид)

Маҳбубаси ишқида ёнган ошиқ дастлаб сабога мурожаат этипти, унинг хушбўйлигини таъкидлаб, сен ёрнинг нишонисан, унинг бўйи билан мушкинсан, дейди. Кейинги байтларда у соҳибжамолнинг юзи, зулфи-сочи, кўзи, қаддини сабо, гул, наргис, сарвга солиштиради. Ёрнинг яхши сифатларини ўхшатиш, таққослаш орқали кўрсатади. Ҳазалдан бирор байтни тушириб қолдириш ҳам унинг мазмунига сезиларли путур етказган бўлар эди. Бундай ҳазаллар Ҳофизда кўп. Уларнинг анчаси ўзбекчага композицияси бузилмаган ҳолда таржима қилинган. Аммо камчилик-нуқсонлар ҳам бор.

Ҳофиз девонидаги айрим ҳазаллар байтлари ё кўпайтирилиб, ё қисқартирилиб таржима қилинган. Шоирнинг 1958 йилда Тошкентда чиқарилган ва биз фикр юритаётган девоннинг бир томонига ҳазал ва рубоийларнинг форсчаси берилган, у шеърхонларга таржима этилган ҳазал ва рубоийлар асл нусхада қандай жаранглаши, ғоявий-бадий қуввати қай даражадалигини билиш ва шу орқали таржимон маҳоратини баҳолаш имконини беради.

Форсча ва ўзбекча матнларни солиштириш кўпгина ҳазаллар байтларининг асл нусха ва ўгирмаларда бир хил тартибда жойлашганлигини кўрсатади. Масалан, 23-бетдаги “Ало, ё айюҳассоқи...” деб бошланувчи ҳазалнинг форсчадаги 3-байти ўзбекчада 4-байт бўлиб кетган. 24-

бетдаги “Сабо, ба лутф бигу он ғизоли раъноро” мисраси билан бошланувчи ғазал байтлари ҳам ўзбекча таржимада аралаш-қуралаш келади. Бундай ҳолни “Қаёнда ўнгламоқ ишни ва мен хароб қаён? (27), “Эй, соқи, бода нури-ла норлат жомимиз” (33), “Дил саройи муҳаббатидур унинг” (57), “Дилим олгач, юзини қилди пинҳон” (99), “Илгига пиёла тутса дилдор” (103) мисралари билан бошланувчи ғазаллар таржималарини асл нусха билан солиштирганда ҳам кўриш мумкин. Бу каби эътиборсизлик, албатта, ағдармани асл нусха билан солиштириб ўқимоқчи бўлган ва араб-ёзувини ўқишга малака ҳосил қилмаган шеърхонларни чалғитади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Ҳофизнинг турли даврларда кўчирилган ва чоп этилган девонларида ҳам кўпгина ғазаллар байтлари тушириб қолдирилган, ўрни алмаштирилган. Масалан, Ҳофизнинг 1329 ҳижрий йили Когонда чоп этилган девонида унинг 9 байтли машҳур “Агар он турки шерози...” деб бошланувчи ғазали 7 байтли қилиб берилган.¹⁶⁰ “Ман на он риндам, ки тарки шоҳиду соғар кунам” мисраси билан бошланувчи ғазали 1958 йилда Тошкентда чоп этилган тўпламда 10 байтлидир (152). Шу саҳифадан ўрин олган унинг таржимаси эса 12 байтлидир. Эътиборсизлик натижасида икки байт ташлаб кетилган. Ўзбекча мажмуадаги ғазалнинг форсча матнини шоирнинг Душанбедаги “Ирфон” нашриётида (1971) чиқарилган тўпламдаги сатрлар билан солиштириш ҳар икки нусхада ҳам айрим байтлар тушириб қолдирилганлигини кўрсатади. Масалан, ўзбекча мажмуадаги форсча матнда:

*Чун сабо мажмуаи гулро ба оби лутф шуст,
Каж дилам хон, гар назар бар сафҳаи дафтар*

қунам.

*Бо вужуди бенавои, рӯ сияҳ бодам, чу моҳ,
Гар қабули файзи хуршеди баландахтар кунам.
Ман ки имрӯзам бихишти нақд ҳосил мешавад,
Ваъдаи фардои-зоҳидро чаро бовар кунам?!*

(Т.1958. 152)

байтлари йўқ бўлса, тожикча тўпلامдаги ғазал матнида:

*Гўшаи меҳроби абруи ту меҳоҳам зи бахт,
То дар онҷо ҳамчу Мажнун дарси ишқ азбар* кунам,

*Боз каш як дам чунон эй турки шаҳрошуби ман,
То зи ашки чехра роҳат нур зару гавҳар кунам.*

байтлари учрамайди. Ҳар ғазалдан бир-иккита байт
тушириб қолдириш катта йўқотишдир. Ўзбекча
тўпلامдаги форсча матнда йўқ. Шунинг учун ҳам
ағдарилмаган бир байтнинг ғазал маъносига нечоғлик
салбий таъсир қилганлигини кўрайлик:

*Гўшаи меҳроби абруи ту меҳоҳам зи бахт,
То дар онҷо ҳамчу Мажнун дарси ишқ азбар* кунам,

*Ман ки имрӯзам бихишти нақд ҳосил мешавад,
Ваъдаи фардои зоҳидро чаро бовар кунам?*

Душ лаълат ишваҳо меодод, ошиқро, вале.

Ман на онам, к-аз вай ин афсонаҳо бовар кунам.

Мазмуни: бахтимдан унинг қошлари меҳробининг
гўшасини талаб қиламан, чунки у ерда Мажнун янглиф
ишқ дарсии тақрорлайман. Бугунги жаннагининг ҳосили
нақд турганда, зоҳиднинг эртанги кун ҳақидаги
ваъдаларига ишонайми? Лаъли лабинг Ҳофизга ишва
этар экан, мен ундай афсонага ишонадиганлар хилидан
эмасман.

Ғазалнинг ўзбекча таржимасида ўргадаги байт ташлаб кетилганлиги сабабли гап қанақа афсона ҳақида бораётганлиги иомалум бўлиб қолган: Ҳофиз ғазалининг маъноси ўқувчига етиб бормаган:

*Қошлари меҳробини бахтимдан айларман талаб,
Унда Мажнун янглиг ишқинг дарсини такрор.*

этай.

*Ушбу лаблар ишва айлар эрди Ҳофизга мудом,
Не учун афсонага бовар қилай, икрор этай.*

(153)

Шунингдек, 158-бетдаги “Беҳтар аз ин” радифли, 168-бетдаги “Диламро шуд сари зулфи ту маскан” мисраси билан бошланувчи ғазаллардан ҳам бир-бир байт ташлаб ўтилганки, бу ҳол таржима қимматини пасайтиради. Асл нусхадаги айрим байтларни ташлаб кетиш шеър мазмунига қандай таъсир кўрсатса, мутаржимларнинг ўзларидан бирор нарса қўшишлари ҳам ундан кам зарар етказмайди.

Ҳофиз бир ғазалида ўз шеърларини сув қўшилма-ан майи нобга (53) ўхшатган эди. Улар қуймалиги, табиийлиги билан кишини лол қолдиради. Бу ғазалларда сунъийлик, ялтироқлик, ортиқчалик йўқ. Айниқса, Ҳофизнинг мана бу ғазали ўзининг латифлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам у қўшиққа айланиб кетган:

*Гул бе рухи ёр хуш набошад,
Бе бода баҳор хуш набошад.
Тарфи чаману тавофи бўстон
Бе лолаузор хуш набошад.
Рақсидани сарву ҳолати гул,*

*Бе савти ҳазор хуш набошад.
Бо ёри шакарлаби гуландом
Бе бўсу канор хуш набошад.
Ҳар нақш ки дасти ақл бандад,
Жуз нақши нигор хуш набошад.
Жон нақди муҳаққар аст, Ҳофиз,
Аз баҳри нисор хуш набошад.*

(100)

Таржимаси:

*Гул жамоли дилга ёқмас бенигор,
Завқи йўқдир бодасиз бўлса баҳор.
Баҳраси йўқ боғу бўстон сайрини
Бўлмаса бир лола юзли гулизор.
Қилмаса булбул тараннум боғаро,
Сарву гул рақсида бўлмас эътибор.
Нозу неъмат, боғу гул яхши, вале,
Лаззати йўқ бўлмаса суҳбатда ёр.
Ёр юзидан ўзгаси мánзур эмас,
Ҳушни банд этгувчи ҳар суратки бор.
Гулбадан, лаъли шакар дилдор билан
Бўсасиз бўлса висол не завқи бор?
Қадри йўқ Ҳофиздаги жон нақдини
Арзимас қилмоқ учун ёрга нисор.*

(101)

Кўриниб турибдики. 6 байтли ғазал мутаржим Чустий таржимасида 7 байтли бўлиб кетган. Таржимон қўпган.

*Нозу неъмат, боғу гул яхши, вале.
Лаззати йўқ бўлмаса суҳбатда ёр*

қўш мисраси ғазалнинг иккинчи байтини мазмунан такрорлаган. 24-бетдаги “Сабо, ба лутф бигў он ғизоли

раъноро” мисраси билан бошланувчи 8 байтли ғазал ҳам ўзбекчага 9 байтли қилиб ағдарилган. Асл нусхадаги:

*Чу бо ҳабиб нишиниву бода паймои,
Ба ёд ор ҳарифони бодапайморо.*

(24)

байти ўзбекчага 2 байт қилиб ўгирилган ва бошқа-бошқа ерда келади:

*Ичишда ёр ила май эсла майпарастларни,
Шу хилда ўтди улар келиб дунёга.
Бу бахту суҳбату дўстларни шукрин эсла!
Ғарибларингники, овора даишту сахрога*

(25. Чустий)

Ҳофизнинг барча девонларида ҳам байтлари тащлаб кетилган ғазаллар учрайди. Масалан, шоирнинг “Соқи, ба нури бода барафруз жоми мо” мисраси билан бошланувчи ғазали Ҳофиз девонининг Когон нусхасида 10 байтли, Тошкентда 1958 йилда чиққан мажмуада 9, 1971 йилда Душанбедаги “Ирфон” нашриётида чоп этилган “Ашъори гузида”да ҳам 9 байтли қилиб берилган. Уларнинг учовида ҳам бир-бирида йўқ байтлар мавжуд.

Эътиборсизлик оқибатида “Шаби суҳбат ғанимат дону доди хушдили бистон” мисраси “Дарахти дўсти биншон...” (96) деб бошланувчи ғазалда ҳам, “Канори обу пой беду табъи шеъру ёре хуш” мисраси билан бошланувчи ғазалда (130) ҳам келтириб, “Ғанимат англа суҳбат гунларин, бўл доимо дилхуш” (131. Хуршид) ва “Бу суҳбат гунларин билгил ғанимат, шоду хандон бўл” (37. Чустий) тарзида ўгирган. Аслида эса мисра “Дарахти дўсти биншон” деб бошланувчи ғазалда “Шаби суҳбат

ганимат дон, ки баъд аз рӯзгори мо” (Ҳофиз. Ашъори гузида. Душанбе: Ирфон. 1971. Б.80) тарзида бўлиши керак эди.

Шуниси ҳам борки, Ҳофиз ғазалини мусалсал қилиш, ундаги парокандаликни камайтириш мақсадида айрим таржимонлар баъзи байтларнинг ўрнини адмаштириб бериш, баъзиларини ташлаб кетиш йўлини тутганлар. Масалан, Ҳофизнинг “Эй подшоҳи хубон, дод аз ғами танҳои” мисраси билан бошланувчи ғазалини ағдарган рус таржимони И.Сельвинский қисқартириш қилган. У “Ғазални таржима қилишда унинг ички сюжет томирини сақлаш мақсадида бирмунча қисқартиришга йўл қўйилди. Жумладан, ринд характери тавсиф этувчи байт тушиб қолдирилди”,¹⁶¹ – дейди. Бизнингча, Ҳофиз бундай кўмакка муҳтож эмас. Чунки байтлар мустақиллиги Ҳофиз ғазалларининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Унга бошқа фазилатни бахш этишга уриниш мутаржимнинг вазифасига кирмайди.

Матлаъ (бошловчи байт) ғазалнинг гултожи ҳисобланади. У деярли ҳамма вақт а-а тарзида қофияланмоғи, ҳам шаклан, ҳам мазмунан гўзал бўлмоғи керак. Ҳофизнинг ошиқ ва маъшуқанинг савол-жавоби тарзидаги матлаъи ҳам шундайлар сирасидан:

*Гуфтам, ки хато кардиву тадбир на ин буд,
Гуфто, чи тавон кард ки тақдир чунин буд.*

(78)

Аммо бу байтнинг ўзбекча таржимасида иккинчи мисра ўрнига бошқа бир ғазал охиридаги байтнинг иккинчи мисраси бериб юборилган. Муҳаррир ва мусаҳҳиҳларнинг, ҳатто матлаънинг нега а-а тарзида қофияланмаётганлигига, доим-мақтаъ (тугалловчи

байт)нинг иккинчи мисрасида келадиган Ҳофиз номининг нега ғазал бошида келаётганига ҳам эътибор бермаганликлари ажабланарли:

*Дедимки: хато қилдинг, эмасди бу таманно,
Деди: жим ўлки, Ҳофиз, кечгай шу қайғу мотам.*

(79)

Ҳофизнинг “Дил аз ман бурду рўй аз ман ниҳон кард” (Дилим олгач, юзини қилди пинҳон” (99) мисраси билан бошланувчи ғазалидан қуйидаги ажойиб байт қолиб кетган:

*Киро гўям, ки бо ин дарди жонсўз,
Табибам қасди жони нотавон кард?*¹⁶²

Табибимнинг ўзи чорасиз жонимга қасд қилгандан кейин бу жон куйдурувчи дардимни кимга айтай.

Демак, Ҳофиз ғазаллари композициясини сақлаш, унинг байтларини ўзбек шеърхонларига тўлиқ етказиш учун мутаржим олдида яна бир муҳим вазифа турибди. Таржимон, аввало, Ҳофизнинг турли йилларда кўчирилган, чоп этилган бир неча девонини чоғиштириб, ўзи таржима қиладиган ғазалларнинг композицион бутунлигини таъминлаши, баъзи бирикмалардаги сўзларнинг мақбулини, мазмунга путур етказмайдиганини танлаши лозим. Чунки Ҳофиз ғазалларининг кўпчилигида шом ўрнига субҳ, хонаи хилват ўрнига хонаи тақво каби бир бирикма ўрнига иккинчиси ишлатиб юборилган.

Шундай қилинганда, хаттот ва ноширлар томонидан йўл қўйилган кўплаб хато-камчиликлар, чалкашликларга барҳам берилган, шеърхонлар шоирнинг ғазалларининг тўлиқ ва бекаму кўст таржималарини ўқишдек шарафга ноил бўлардилар.

МУҲИМ УНСУР БЎЛСА БЕҚУСУР...

Шеърнинг энг муҳим унсурларидан бири қофиядир. Қофия арабча калом бўлиб, кетидан борувчи, эргашуви деган маънони билдиради. Ҳозирги пайғда шеърда байт ва мисралар охиридаги сўзга мос бўлишини билдиради.¹⁶³ У фақат поэзияга хос ҳодисадир. Баъзи адабиётшунослар кўпинча қофияни сажъ билан аралаштириб юборадилар. Сажъ насрий асарларга хос хусусият.

Қофия шеърнинг тузилиши ва интонацияси, мисраларнинг ўзаро синтактик-семантик боғланишида муҳим роль ўйнайди. У шеъринг нутқинг оҳангдор ва таъсирли чиқишига хизмат қилади, мисраларнинг эсда сақланишини осонлаштиради.¹⁶⁴ Демак, қофия мисралар охиридаги оҳангдош сўзлар такроридир. Баъзилар мисралар бошидаги ҳамоҳанг сўзларни ҳам қофия, дейишади. Бу хато фикр. Қофия шеърнинг композицион яхлитлигини таъмиилайди, ўқувчи диққатини маълум масалага қаратишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Шарқ шеърлятида унга катта эътибор берганлар. Ҳатто, унли ва ундош товушларнинг жойлашиши ҳам муҳим ҳисобланган. Эҳтиёж натижасида қофия илми яратилган. Профессор Н.Комилов ўзининг “Фирдавсийнинг шеъринг карвони” сарлавҳали мақоласида қофия ролига юксак баҳо бериб: “Қофиясиз шеър жуда хунук кўринар экан: шип-шийдам қилинган йга ўхшамайди. Файзсиз. Насрий баён ёки тахтуллафз буцдан кўра таъсирлироқ, чунки унда маъно қирралари тўлароқ акс этган бўлади,”¹⁶⁵ дейди.

Шарқ шоирлари ғазалларни шаклий-шеъринг хусусиятлари, тили, икки ёки ундан ортиқ шоир томонидан яратилганлиги, қофияларига қараб фарқлаганлар. Шу нуқтаи назардан олганда, улар:

1. Оддий ғазаллар (а-а, б-а, в-а тарзида қофияланади).

2. Ғазали ҳусни матлаъ (а-а, а-а, б-а, в-а тарзида қофияланади).

3. Ғазали қитъа (а-б, а-б, а-б тарзида қофияланади).

4. Ғазали мусажжаъ (ички қофияли).

5. Ғазали муламмаъ (ширу шакар, шаҳду ширу шакар ғазаллар).

6. Ғазали мувашшаҳ.

7. Ғазали мушоира:

8. Ғазали зулқофиятайн (аб-аб тарзи қофияланади).

9. Ғазали зебқофия (ҳамма мисралари қофияланади)га бўлинади.¹⁶⁶

Ҳофиз шеърятининг асосий қисмини оддий ғазаллар ташкил қилади. Унинг ижодида ҳусни матлаъли ғазаллар, ғазали қитъа, ғазали мусажжаъ, ғазали зулқофиятайн, ғазали зебқофиялар нисбатан кам. Аммо мавжудларининг ўзиёқ улуғ шоирнинг бу борада юксак маҳорат эгаси эканлигидан далолат беради.

Ҳофиз Шерозий ғазаллар қофиясига катта эътибор берган. У қофия учун равон, жарангдор, шеърхон кайфиятга таъсир эта оладиган сўзларни танлаган. Шоирнинг ғазал ва рубоийлари қофиялари табиий, мисранинг ўзидан чиққандек, ўрнини бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайдигандек таассурот қолдиради.

Хўш, мутаржимларимиз Ҳофиз ғазаллари қофияларини узбек тилида беришда қандай йўл тутганлар? Таъкидлаш керак, улар бу вазифани кўп ҳолларда муваффақиятли уддалаганлар. Таржимонларимиз ҳам қофияни мисралар мазмунидан келиб чиққан ҳолда танлашган. Тўлиқ, тўқ ва равон сўзларни қўллашган.

- *Алоё, ё айюҳассоқи, адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушкилҳо.
Ба май сажжода рангин кун, гарат пири муғон*

гўяд.

*Ки солик беҳабар набвад зи роҳу расми манзилҳо.
Шаби торику бими мавжу гирдобе чунин ҳоил,
Кужо донанд ҳоли мо сабукборони соҳилҳо.*

Бу олам ишларида чигаллик кўрган, ғам-алам, жафо теккан, шайх-зоҳидлар икки гапнинг бирида тилга оладиган нариги дунёнинг борлигига шубҳа билан қаровчи, шунинг учун ҳам май ичишга, фоний дунё лаззатлари ва ишқ-муҳаббатни қадрлашга даъват этувчи дарвешнамо кишининг гаплари. Қофиялар учун мисралар маъносини кучайтирувчи сўзлар таъланган, урғу ҳам, асосан, қофияга тушади. Байт сайин оҳангтаъкид ошиб боради. Ғазалдаги новилҳо-мушкилҳо-манзилҳо-соҳилҳо оҳангдош сўзларидаги қофия – илҳо. Бунда л-равий, и-радифи муфрад, о-васлдир. Демак, у қофияли мувассала.

Ғазал таржимони Хуршид Ҷигрмада Ҳофиз қофияларини имкони борича сақлашга ҳаракат қилган:

Аё соқий, суниб жоминг, қил эҳсон яшнасин диллар,

Кўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушкиллар.

*Ботир сажжодани майга агар пири мугон айтса,
Йўловчига эрур маълум йўл аҳволи ва манзиллар.
Қоронғидир кеча, кўрқинчи мавҷи, даҳшатлидир* гирдоб,

На билгай ҳолимизни четда турган юки енгиллар. (Т. 1958. 33)

Юқоридаги байтларнинг таржимасида Ҳофиз ишлатган қофияларнинг ярми сақланган. Тиллардаги луғавий яқинлик шарофати шундаки, мушкиллар,

манзиллар сўзлари таржимада ҳам асл нусхадагидек қофия сифатида қўлланган. “Диллар”, “мушкиллар”, “манзиллар”, “енгиллар” сўзларидаги биринчи –л ҳарфи равий, –лар форма ясовчи қўшимчасидаги –л васл, –р хуруждир. Демак, таржимон Ҳофиз ғазалидаги тўла қийматли тўқ қофияни ўзбекчада муваффақиятли бера олган.

Ўзбек мутаржимлари Ҳофиз ғазалларининг мусиқийлиги ва оҳанги, жарангоси, асиллигини сақлаш мақсадида кўп ҳолларда тилларнинг луғавий яқинлигидан оқилона фойдаланган ҳолда у қўллаган қофияларни айнан беришга муваффақ бўлишган. “Соқийнома”дан мисол:

*Чу ғам лашкар орад биёро сафе,
Зи чангу рубобу зи ною дафе.*

(С.1957. 553)

Таржимаси:

*Ғам этса ҳужум унга туз қарши саф,
Қатор эт рубобу наю чангу даф.*

(249)

Ҳофизнинг рамал баҳрида ёзилган, қофияси жарангли, анчагина ўйноқи мана бу ғазалидаги деярли барча қофиялар таржимада ҳам сақланган. Гарчи таржимада радиф ташлаб кетилган бўлса-да, қофия сўзларнинг мусиқийлиги, –онаси қўшимчасининг радиф вазифасини бажариши ўзбекча ўтирманинг оҳангдор чиқишини таъминланган:

*Ёраб, он шамъи шабафрӯз зи қошонан кист?
Жони мо сӯхт, бипурсед, ки жононан кист?
Бодаи лаъли лабаи, к-аз лаби мо дур мабод,
Роҳрави кисту паймондеҳи паймонан кист?*

Ўзбекчаси:

*Қайси уйнинг шамъидур у, қайси жойда хонаси,
Ўртада жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?
Лаблариниңг бодаси ҳаргиз лабимдан кетмасун,
Кимга сўз бермиш вафодан май тўла паймонаси?*

(49)

Ҳазал байтлари асл нусха ва ўгирмасидан кўриниб турибдики, Ҳофиз қофиялари деярли айнан сақланган. Бу ағдармада ҳам асл нусха тароватини, оҳорини қочирмай бериш имкониятини туғдирган. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Ҳофиз матлаъи зулқофиятайнли (икки қофияли)дир. Унда зи билан ки ҳамда кошона билан жонона сўзлари ўзаро қофия бўлиб келган. Ўзбек мутаржими кошона сўзини хона каломи билан алмаштирган. Ўгирмада матлаънинг зулқофиятайнлиги йўқолган.

Таржимонларимиз кўнгина ўринларда қофияни беришда чинакам ижодкорлик ва топқирлик кўрса-тишган:

*Бирав, зоҳид, ба уммеде ки дори,
Ки дорам ҳамчунои уммедвори.*

(176)

байтларидаги дори, уммедвори қофиядош сўзлар ўрнига ўзбекча шаклдош каломлар-омонимлар муваффақиятли қўлланган. Матлаънинг дастлабки мисрасидаги “бор” – буйруқ феъли, кейинги сатрда эса “бор” сўзи мавжудлик маъносида ишлатилган.

*Сен, эй зоҳид, ўз орзуйинг сари бор,
Менинг ҳам шундай мақсадим бор.*

(177)

Ҳофиз ғазаллари таржималарини кўздан кечириш мутаржимлар қофияни беришда бир неча хил йўлдан борганликларини кўрсатади.

1) Ҳофиз қофия қилган сўзларни ўзбекча таржимада ҳам айнан сақлаш йўли билан;

2) Форс тилида қофияга олинган сўзни ўзбекчага таржима қилиш йўли билан;

3) Форсча қофия сўз ўрнига бошқа, маъно жиҳатидан мос келадиган ўзбекча сўз қўллаш орқали.

Мисолларга мурожаат этайлик:

1) Шоирнинг ҳусни матлаъли ғазалидаги қофияларнинг ўзбекча таржимада берилишини кузатайлик:

*Сабо, ба лутф бигў он ғазоли раъноро,
Ки сар ба кўху биёбон ту додаи моро.
Шакарфуруш, ки умраш дароз бод, чаро,
Тафаққуде накунад тўтйи шакархоро?*

(Х.Д. 1971. 28)

Икки байт ҳам а-а, а-а тарзида қофияланган. Бу улар мусиқийлигини таъминлаган. Ўзбекча таржимада иккинчи байтнинг биринчи мисраси қофияга олинмаганлигидан ғазалнинг ҳусни матлаъилиги йўқолган, аммо, умуман, унинг қофиядорлиги сақланиб, мусиқийлиги бир қадар юзага чиққан:

*Сабо, дегил у кийик кўзли шўх раънога,
Равона қилдинг ўзинг бизни тоғу сахрога.
Шакарфурушки, омон бўлсин, ул нега боқмас,
Мудом шакар егувчи тўтйи шакархога.*

(25)

Кўриниб турибдики, тиллардаги луғавий яқинлик парофати билан ўзбекча таржимада форсча қофиялар

“раъно” ва “шакархо” сўзлари айнан сақланган. Фақат, мутаржим форс тилидаги –ро кўмакчисини ўзбекча жўналик келишиги қўшимчаси –га билан алмаштирган.

Ёки:

*Субҳи давлат медамад, ку жоми ҳамчун офтоб?
Фурсате з-ин беҳ кужо бошад, бидеҳ жоми шароб!*

(С.1957. 50)

Гаржимаси:

*Бахт тонгидир, қани ул жоми мисли офтоб,
Қайда бундан яхши фурсат, менга сўн бир жом шароб.*

(37)

бу таржимада ҳам Ҳофиз қофиялари айнан сақланган. “Ажаб Шерозким йўқдир мисоли” (135. Хуршид), “Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони” (29. Хуршид), “Келди масжиддан бу кеч майхона сари пирымиз” (31. Хуршид), “Соқийё, кел энди сўнғил жомни” (35. Хуршид), “Қайси уйнинг шамъидур у, қайси жойда хонаси?” (49. Чустий). “Дил саройи муҳаббатидур унинг” (57. Хуршид), “Мастман ёдинг билан писанд эмас шароб” (61. Чустий) мисралари билан бошланувчи таржима-ғазалларда ҳам асл нусха қофиялари аксар сақланган. Бу эса Ҳофиз Шерозий руҳини бериш, асл нусха тароватини акс эттиришга хизмат қилган.

2) *Муғанни, навои тараб соз кун,
Ба қавлу ғазал қисса оғоз кун.*

(246)

Ўзбекчаси:

*Муғанний, қувонч нағмасин соз қил,
Ғазал йўлида қисса оғоз қил.*

(247)

Бу ерда “кун” (қил) сўзи бошқа сўзлар билан бирикиб, янгича мазмун ифода этиб келган бўлса-да, мутаржим уни ағдариб бериш орқали кўзланган мақсадга эришган. “Соз”, “оғоз” сўзлари ўзбекларга тушунарли бўлгани учун таржимон уни ағдармаган:

*Биё, жано, мунаввар кун зи рўят мажлиси моро,
Ки дар пешат газал хонему дар поят сар андозем.
Сухандони-ю хушхони напеварзанд дар Шероз,
Биё, Ҳофиз, ки мо худро ба мулки дигар андозем.*

(146)

Ҳофиз радиф қилиб олган “андозем” сўзи мисрадаги бошқа каломлар (кўпинча қофия сўзлар) билан бирикиб (сар андозем, ба мулки дигар андозем, худро андозем) турли маъноларда келган. Таржимон Хуршид уларни таржима қилиб, қофия сифатида қўллаган:

Кел, эй жонон, юзинг нури билан мажлисни
Қошингда шеър ўқуб бу дам, оёгинга-бои
Билимдонлик ва хушхонлик эмас Шерозда ҳеч
Кел, эй Ҳофизки, биз юзни бўлак юртга

портлатгил,

ургаймиз.

манзур,

ўгургаймиз.

(147)

3) Гул дар бару май дар кафу маъшуқа ба ком

аст,

Султони жаҳонам ба чунин рўз гулом аст.

(С.1957. 80)

“Ком аст”, “гулом аст” қофиялари ўрнига ўзбекчада

янги қофиялар – “жондур”, “жаҳондур” сўзлари қўлланилган. Таржимон Хуршид “аст” боғламасини “дур” тарзида муваффақият билан берган.

*Номози шони гарибон чу гирья оғозам,
Ба муяҳои гарибона қисса пардозам.
Ба ёди ёру диёр ончунон бигирьям зор,
Ки аз жаҳон раҳу расми сафар бар андозам.*

(Д.1971. 131)

Ўзбекчаси:

*Фариблик тунида ҳамдам оху фарёдим,
Фариблик гаму ҳасратларимдур ижодим.
Диёру ёр хаёлида зор йиғларман,
Сафар отин йўқотиш бўлди фикр ила ёдим.*

(149)

Бу ерда ҳам асл нусхадаги қофиялар -оғозам, пардозам, “андозам” ўрнига янгича “фарёдим”, “ижодим”, “ёдим” сўзлари қофия қилиб олинган. Бундай мисолларни Ҳофизнинг “Соқийнома”сидан ҳам келтириш мумкин. Масалан:

*Ҳамон марҳал аст ин биёбони дур,
Ки гум шуд дар ў лаиқари Салму Тур.*

(С.1957. 551)

Ўзбекчаси:

*Бу чексиз биёбон эрур эски йўл,
Адаштирди Салм ила Турни шу чўл.*

(245)

Шуниси ҳам борки, баъзи мутаржимлар асл нусха

мисралар таркибидаги сўзларни қофия сифатида қўллашган. Бу бевосита байт ва ўша мисра мазмун-моҳиятидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам уларни муваффақиятли равишда қўлланган қофиялар сирасига киритиш мумкин.

*Марҳабо, эй пайки муштоқон бидеҳ пайғоми дўст,
То кунам жсон аз сари рағбат фидои номи дўст.*

(42)

Марҳамат қил, дўст саломин келтур, эй боди

сабо,

Айлайн завқим билан дўст номига жоним фидо.

(43)

Чустий асл нусхадаги қофиялар – “пайғоми” ва “номи” ўриига мисралар таркибидаги “бод” ва “фидо” сўзларини ўғирмада қофия сифатида қўллаган. Яна бир мисол:

*Нисбати рўят агар бо Моҳу Парвин кардаанд,
Сурати нодида таибехе ба тахмин кардаанд.
Шаммае аз достони шиқи шўрангези мост,
Ин ҳикоятҳо ки аз Фарҳоду Ширин кардаанд.*

(С.1957. 260)

*Ҳар нечаким юзларинг ой, кунга нисбат қилдилар,
Суратинг кўрмай туриб, тахмин-ла тухмат*

қилдилар.

*Ишқимизнинг шўришидан зарра миқдориндадур,
Ҳарнаким Фарҳоду Шириндан ҳикоят қилдилар.*

(81)

Кўриниб турибдики, Хуршид биринчи мисрадаги “нисбат” ва иккинчи мисрадаги “ҳикоят” сўзини қофия

сифатида қўллаган. Бундай мисолларни Ҳофизнинг бошқа ғазаллари таржималарида ҳам кўриш мумкин.

Ғазали мусажжаъ (ички қофияли ғазал) яратиш ижодкорлардан катта маҳорат талаб қилади. Ички қофиялар ғазаллар муеиқийлигини, таъсир кучини оширади. Уларии ёз олишни осонлаштиради. Маънони кучайтиришга хизмат қилади. Шоирлар кўпинча бундай ғазалларни ижодларининг гуллаган даврларида яратганлар.

Ғазали мусажжаъни таржима этиш ҳам катта маҳорат ва изланиш талаб қилади. Ғазал маъноси, шеърый санъатлар, радиф ва бошқаларни назардан қочирмаган ҳолда ички қофияларни бошқа тилда яратиш лозим. Бу таржимон олдида яна бир доvon турибди демак. Аммо таржимага ижодий иш, санъат деб қараган ҳолда илҳом билан ёндашиш натижасида бу қийин вазифани муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигини Ҳофиздан ўзбекчалаштирилган ғазали мусажжаълар мисолида кўриш мумкин. Шоирнинг ўзбекчалаштирилган тўпламидан ўрин олган иккита ғазали мусажжаъси таржимаси Хуршид қаламига мансуб. Ҳар икки таржимада ҳам қофиялар ҳофизона маҳорат билан берилган. Уларда сунъийлик йўқ. Тўғри, баъзи қурбонлар ҳам қилинган. Аммо ғазал муеиқийлиги туфайли уларнинг ўрни унчалик билинмайди:

*Он кист, к-аз рӯи карам бо ман вафодори кунад,
Бар жои бадкори чу ман як дам накукори кунад?
Аввал ба бонги ною най гӯяд ба ман пайғоми вай,
В-онгаҳ ба як паймона май бо ман ҳаводори кунад.
Дилбар, ки жои фарсуд аз ў, коми дилам накуд*

аз ў,

Навмед натвон буд аз ў, бошад ки дилдори кунад.

(С.1957. 138)

Ўзбекчаси:

*Ул кимки эҳсон йўлидан менга вафодорлик қилур,
Мендек ёмонлик ўрнига ҳар лаҳза ғамхўрлик*

қилур.

*Соз айлаб аввал нағмани, дилбар сўзин менга дегай,
Ул дам суниб бир коса май, менга харидорлик*

қилур.

*Дилбарки, эсоним ёқди у, кўнглимга тўлган орзу,
Будир умид – ул жавр жў, шоядки, дилдорлик*

қилур.

(105)

Асл нусхадаги “вафодор”, “накўқори”, “дилдори” каби асосий ва “най”, “вай”, “фарсуд аз ў”, “буд аз ў” каби ички қофиялар таржимада “вафодорлик”, “ғамхўрлик”, “харидорлик”, “дилдорлик”, “дегай”, “май”, “у”, “орзу”, “жў” тарзида берилган. Афдармада фақат иккинчи байтнинг дастлабки мисрасидаги бир ички қофия акс этмай қолган, холос. Дарвоқе, шу ғазал таржимасида акс этмаган ягона қофия ҳам ана шу. Бундай кам қурбон қилган ҳолда ғазал қофиясини бериш таржимоннинг маҳоратини кўрсатади. Мутаржим яна излаганда, бу қофияни ҳам бериши турган гап эди.

Хуршиднинг ҳам таржимон, ҳам ижодкор сифатидаги чинакам маҳорати “Мутриби ҳушнаво бигў тоза ба тоза, нав ба нав” мисраси билан бошланувчи ғазал афдармасида яққол кўринади. Унда вазн ва поэтик маъно, мусиқийлик тўла тикланган, қофия ва радифлар учун тўқ ва жарангдор, асл нусхадаги сўзлар ўрнини боса олувчи каломлар қўлланган. Шунинг учун ҳам таржима асл нусхага тенг қувват билан жаранглайди, шеърхонга таъсир этади.

*Мутриби хушнаво бигў тоза ба тоза, нав ба нав,
Бодаи дилкушо бижў тоза ба тоза, нав ба нав!
Бо санаме чу лўъбате, хуш бинишин ба хилвате
Бўса ситон ба ком аз ў тоза ба тоза, нав ба нав!
Бар зи ҳаёт кай хўри, гар на мудом май хўри,
Бода бихўр ба ёди ў тоза ба тоза, нав ба нав!*

(С.1957. 457)

Ўзбекчаси:

*Чолғувчи, айлагил наво янги ва янги, хилма-хил,
Изла шароби дилкушо янги ва янги, хилма-хил.
Кўнглинг очувчи ёр ила, хилват ўтур нигор ила,
Бўса-ла ком этиб раво, янги ва янги, хилма-хил.
Сенга тилак бўлурми ром, кўтармасанг қадаҳ
мудом,
Ёди-ла майни ич расо янги ва янги, хилма-хил.*

(173)

Хуршид Ҳофиз ишлатган “бигў”, “бижў”, “жў”, “ў”, “лўъбате”, “хилвате”, “кай”, “хўри” сўзлари ўрнига “наво”, “дилкушо”, “раво”, “расо”, “ёрила”, “нигорила”, “ром”, “мудом” калималарини қофия сифатида муваффақиятли қўллаган. Бундай етук таржималар шеърхонга завқ бағишлайди.

Бироқ шундай ўгирмалар ҳам мавжудки, уларда қофияни деб мазмунга путур етказилган ёхуд қофия сифатида олинган сўзлар байт ва мисралар маъносини очишга хизмат қилмайди. Сунъийлиги сезилиб туради:

*Дилим зулфинг учуда тутди маскан,
Куйи солма, синур, дилбарлик эт фан.
Агар зулфинг каби тортса кўнгил бош,
Кўлингга ол, оёққа солма бошдан.*

(169)

Күриңиб турибдики, ҳар икки байтнинг иккинчи мисрасидаги маъно маъхум бўлиб қолган. Зайниддин Восифийнинг айтишича, “шужоъ” исми яширинган¹⁶⁷ машҳур:

*Дарахти дўсти биншон, ки коми дил ба бор орад,
Ниҳоли душмани баркан, ки ранжи бешумор орад.*

(С.1957. 192)

байти жуда мусиқий ва халқчиллиги билан ажралиб туради. Унинг қофиялари тўқ ва оҳангдор. Ўғирмада қўлланган қофиялар жарангдор бўлса-да, сунъийлик, зўрма-зўракилик билан мисраларга ёпиштирилган, улар маънони очишга хизмат қилмайди:

Ширин ҳосил берур, дўстлик дарахтин ўтқиз,

эй инсон,

У душманлик ниҳолин юлки, бергай ғам, алам,

армон.

(97)

асл нусхада йўқ “эй инсон” сўзини ўғирмада бермаса ҳам маъно тушунарли. Шунда ҳам насиҳат кишиларга қаратилаётганлиги аниқ. Иккинчи мисрадаги “ғам” сўздан кейинги “алам” каломи қандай ортиқча бўлса, қофия сифатида олинган “армон” хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Афғарманинг кейинги байтида ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин:

Бўлиб майхона меҳмони, май ич мастоналар

бирлан,

Хумори бўлма ҳаргизким, бошинг оғрийди, эй

жонон.

“Эй жонон” сўзлари мисрага фақат қофия учун, зўрма-зўракилик билан тиркалган.

*Саргайди баргу қолмади шодликни чолғуси.
Токи айла нола, доира, гавгосин айла зам.*

(171)

*Кўюб тур тавбани гул мавсумида,
Давом этмас ўтар гул фасли ночор.*

(177)

Бу каби таржималар ҳамда нуноқлик билан ишлатилган қофиялар Ҳофиз ғазаллари қийматини пасайтиради, албатта.

Демак, ғазалларни ағдараётганда, унинг энг муҳим унсури - қофиясига алоҳида эътибор билан қараш, уни муваффақиятли бериш ва шу йўл билан автор услуби, руҳи, кайфияти, давр руҳи ва миллийлигини ўзга тилга қайта яратилишига эришилган бўлади.

ҚОФИЯГА ЭРГАШГАН САЊЪАТ

Радиф арабча сўз бўлиб, суворийга мингашган киши, ҳамроҳ маъносини англатади. Шеърятда қофияга мингашиб, ундан кейин такрорланиб келадиган сўз ёки бир неча калимага радиф дейилган. Радифлар, ҳатто, бешолти сўзли ҳам бўлган. Масалан, Навоийнинг қуйидаги рубойси деярли қофия ва радифдан ташкил топган дейиш мумкин:

*Жондан сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак андин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Кўриниб турибдики, уч мисрада жондин, сондин, ондин сўзлари ўзаро қофия, қолган калималар эса радиф бўлиб келган. Бундай мисолларни Жомий, Хусрав

Деҳлавий, Лутфий, Бобур ва бошқа форс-тожик ҳамда ўзбек мумтоз шоирлари ижодида ҳам учратиш мумкин. Радиф ва унинг таржимаси ҳақида Камолиддин Ҳусайн Кошифий,¹⁶⁸ М.Ҳамроев,¹⁶⁹ Н.Комилов,¹⁷⁰ Ш.Шомуҳаммедов,¹⁷¹ С.Олимов¹⁷² ва бошқалар қимматли фикр-мулоҳазалар баён этишган.

Ҳазалнинг ўзига хос хусусиятларидан бири радифли бўлишидир. Радиф ҳазал оҳангдорлигини таъминлайди, маънони қуюқлаштиришга хизмат қилади. Таъкидни оширади, композицион яхлитликни таъминлайди. Тасвир изчиллигини ошириш, асосий фикрға эътиборни қаратишга ёрдам беради.

Тўғри, радиф фикр ва мавзу доирасини бирмунча чеклайди. Масалан, ҳазалларда “кел” сўзи радиф қилиб олинганда, шоир ҳар иккинчи мисра охирида бу каломни қўллаш учун байтнинг биринчи мисрасиданоқ ҳозирланиб боради. Мисралар маъносини “кел” сўзини ишлатишга қаратади. Демак, шоир маълум бир мавзу доирасидан четга чиқа олмайди. Лекин радиф катта ижобий фазилятларга ҳам эга. Шунинг учун Шарқ шоирлари уни маҳорат билан қўллаганлар.

Ҳофиз Шерозий шеърининг меросининг катта қисмини радифли ҳазаллар ташкил этади. Шоирнинг ўзбекчага ағдарилган 81 та форсий ҳазалининг 52 таси радифлидир. Хуршид ва Чустийлар уларнинг 29 тасини радифи билан беришган, 23 та ҳазал радифсиз ағдарилган. Таржимон Хуршид ўзи ўзбекчалаштирган 40 та радифли форсий ҳазалдан кўп қисми – 26 тасини, Чустий эса 12 та радифли ҳазалдан жуда ками – 3 тасинигина радифи билан берган.

Маълумки, радифни бошқа тилда акс эттириш мураккаб ва кўп меҳнат, изланишлар-талаб қиладиган иш. Шунинг учун ҳам, форс-тожик адабиётининг билимдони, етук олим, шоир ва таржимон Ш.Шомуҳаммедов

“Радифни бериш таржимон учун жиддий қийинчилик, қолаверса, баъзан ҳал қилиб бўлмайдиган чигалликлар туғдиради. Шу сабабли, айрим таржимонлар уни акс этгирмайдилар. Ҳолбуки, радиф шеърда фақат шаклий безак эмас, балки катта маъно ҳам ташиydi. Асарнинг таъсир кучини шеърнинг жарангдорлигини оширишга хизмат қилади”,¹⁷³ – дейди.

Ҳофиздан қилинган таржималар астойдил ҳаракат қилинса, изланилса, бошқа тилда ҳам радифни муваффақиятли бериш мумкинлигини кўрсатади. Таржимонларимиз Ҳофиз ғазаллари радифини беришда бир неча хил йўлдан борганлар.

Дастлаб улар Ҳофиз ғазалларидаги радиф сифатида олинган сўзга ўзбекчада ҳам имкониятига қараб ана шундай вазифа юклаганлар. Тилларнинг луғавий яқинлиги бунга имкон берган. Мутаржимлар бу билан шоир ғазалларининг шаклини ҳам бир мунча сақлашга муваффақ бўлишган. Масалан, Ҳофизнинг “Бас” радифли ғазалини Хуршид ана шу нуқтаи назардан муваффақиятли ағдарган:

*Гулузоре зи гулистони жаҳон моро бас,
Аз чамансояи он сарви равон моро бас.*

(Д.1971. 103)

Ўзбекчаси:

*Бу жаҳон гулшанина ул юзи гул раъно бас,
Бу чаманда у қади сарвиравон танҳо бас.*

(129)

каби. Ҳофизнинг “Бар наёмад аз таманнои лабат комам ҳануз” мисраси билан бошланувчи ғазали таржимасида ҳам асл нусхадаги радиф айнан сақланган:

*Бар наёмад аз таманнои лабат комам ҳануз,
Бар умиди жоми лаълат дурдошомам ҳануз.*

(С.1957. 291)

Ўзбекчаси:

*Лабларингдан кутган орзу бўлмади камим ҳануз,
Кўрмади май лойқасидан ўзгани жомим ҳануз.*

(125)

каби.

Шунингдек, таржимонларимиз Ҳофизнинг кўпгина ғазаллари радифини таржима қилиб беришдек саналган йўлдан борганлар. Бу мутаржимларнинг ағдармада асл нусха доирасидан четга чиқмасликка олиб келган. Ҳофизнинг “Дил саропардаи муҳаббати ўст” мисраси билан бошланувчи ғазали ёрнинг таъриф-тавсифига бағишланган. Шоир ошиқнинг дилбар ишқида, хижрониди қаттиқ қийналаётганини байтма-байт очиб боради. Бунга ёрнинг беқиёс гузаллиги, қатор фазилатлари сабаб бўлаётгани, дилдор ҳақиқатдан ҳам ошиқ қийналишига арзийдиган санам эканлигига урғу беради. Бундай таъкид учун у радиф сифатида “ўст” (унинг) сўзини олган. Бу шеърини санъатнинг ғазалдаги вазифа ва аҳамиятини пайқаган ўзбек таржимони Хуршид ҳам, рус мутаржими В.Звягенцева ҳам асл нусха радифини таржима қилиб берганлар.

Ҳофиз:

*Дил саропардаи муҳаббати ўст,
Дида оинадори талъати ўст.*

(Д.1971. 33)

Хуршид:

*Дил саройи муҳаббатидур унинг,
Кўз ёритгувчи талъатидур унинг.*

В.Звягенцева:

*Душа лишь сосуд для вмещения ее,
И в зеркале глаз-отраженье ее.*

(79. X.рус)

Демак, таржимонлар агар радиф байтлар мазмуни билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда таъкид бўлиб келса, уни сақлаш кўпинча таржима қилиб беришга интиланлар. Бу анча қийин. Аммо таржимонлар уйддаласа бўладиган ишдир. Таниқли олим ва таржимон Ш.Шомуҳаммедов шуни назарда тутган ҳолда “Назаримда радифли шеърни ўз радифини сақлаб таржима қилиш, шу радифда янги шеър ёзишдан кўра мушкулроқдир. Чунки шу радифда ўзи шеър ёзган шоир жумлани, яъни шеърдаги мисра ёки байтни ўз тилида радиф бўлиб келаётган сўзнинг туриши, грамматикаси асосида тузиш, бунинг учун эса фикрни ёки образни ўзига мақбул ҳолда ўзгартириш имконига эга”,¹⁷⁴ дейди.

Қийинчиликларга қарамасдан мутаржимларимизнинг чинакам изланганликлари ижодий тоиқирликлари кўпгина ғазаллар радифининг муваффақиятли берилганлигида кўринади.

*Рўзи васли дўстори он ёд бод!
Ёд бод он рўзгори он ёд бод!*

(С.1957. 201)

Мутаржим Хуршид “ёд бод” радифини ўзбекчалаштириб, унга асл нусхадагидек вазифа юклаган. Айни пайтда, радиф қилиб олинган сўз шеърини санъатнинг бошқа бир тури – тардиаксифатида ўзбекча ағдармада қайта тикланган:

*Дўстлар базми висолин эсда тут,
Эсда тут дўстлар жамолин, эсда тут.*

(69)

Яна бир мисол:

*Салоҳи кор кўжову мани ҳароб кужо?
Бубин тафовути раҳ, к-аз кужост, то ба кужо?*

(Д.1971. 32)

Таржимаси:

*Қаёнда ўнгламоқ ишни ва мен хароб қаён?
Бу йўл қаёнда-ю мен қайдаман, жавоб қаён?*

(27)

Кўришиб турибдики, Ҳофиз радиф сифатида қўллаган сўзнинг ўзбекча таржимаси ҳам таъкидни кучайтириш йўлини топа олмай, олам сирларини англай олмай ҳайрон-сарсон турган ринд қиёфасини, ҳолатини бўрттириб кўрсатишда жуда қўл келган:

Ҳофиз ижодида бир неча сўзли радифлар ҳам талай. Уларни ўзбекчада беришда таржимонлар ижодий изланувчанликларини, маҳоратларини намоиш этишган. Фикримиз далили сифатида Ҳофизнинг:

*Мутриби хушнаво бигў тоза ба тоза, нав ба нав,
Бодаи дилкушо бижў тоза ба тоза, нав ба нав.*

(С.1957. 457)

байти билан бошланувчи ғазали таржимасини кўриш мумкин. Унинг радифи тўрт сўздан ташкил топган. Ғазалининг Хуршид томонидан қилинган таржимасида ҳам ра-

диф сақланган. Фақат таржимада матлаъдаги икки қофиядан бири (бигў ва бижў) тушиб қолган.

*Чолғувчи айлагил наво янги ва янги, хилма-хил,
Изла шароби дилқушо янги ва янги, хилма-хил.*

(173)

Кейинги байтда ички қофиялар берилган. Бу эса ағдарманинг асл нусхадагидай жарангдорлигини таъминлаган:

*Бар зи ҳаёт-кай хўри гар на мудом май хўри,
-Бода бихўр баёди ў тоза ба тоза, нав ба нав.*

(С.1957. 457)

Таржимаси:

Сенга тилак бўлурми ром қўтармасанг қадаҳ

мудом,

Ёди-ла майни ич расо янги ва янги, хилма-хил.

(173)

Ўзбекчада радиф сифагида қўлланилган “янги ва янги хилма-хил” сўзлари мазмунан ва шаклан ҳамда оҳангдорлик жиҳатидан асл нусхадаги шеъринг унсурнинг ўрнини боса олади. Рус мутаржими К. Липскеров ҳам шу ғазал ўғирмасида радифни муваффақиятли берган:

*Песня брызнуть будь готова вновь и вновь, и вновь
и снова!*

*Чашу пей в ней снов основа вновь и вновь, и вновь и
снова!*

(С.1955. 60)

Шуниси ҳам борки, гарчи форс-тожик тилидаги

кўпгина сўзлар ўзбекча сўзлар билан бир хил маънони англатсада, ҳамиша ҳам асл нусхадаги радифни айнан сақлаш имконини бермайди. Форс-тожик тилида мусиқий чиқадиган айрим феъл радифларини тўғридан тўғри таржима қилиб, радиф сифатида қўллавериш бир ёқламаликка таржималарнинг гўр ва юзаки чиқишига олиб келган бўлурди. Шунинг учун ҳам Ҳофиз мутаржимлари кўп ҳолларда ўз ағдармаларида асл нусхадаги калом ўрнига бошқа сўзни радиф сифатида қўллаб, унинг оҳангдорлиги ва сўзларнинг маъно товланишларини бера билганлар. Айни вақтда, бу билан ижодкор сифатида ўзбек тили имкониятларини намоён этганлар. Масалан:

*Акси рӯи ту чу дар оинаи жом афтад,
Ориф аз хандаи май дар тамаъи хом афтад.*

(70)

*Юзларинг акси тушиб бода тўла жом ичра,
Кулди май сўфини кўйди таъмаи хом ичра.*

(71)

Ҳофиз қўллаган “афтад” ўрнига Хуршид ўзбекча “ичра” сўзини радиф қилиб олган. У асл нусхадаги сўзни “тушди” деб таржима этиб, радиф сифатида қўллаб, ҳам асл нусха маъносини шеърхонга етказа олиши мумкин эди. Аммо бундай таржимада муҳим бир нарса - Ҳофиз ғазалидаги мусиқийлик, демакки, ғазал таъсир кучининг ярми йўқолган бўлурди. Чунки Ҳофиз радиф учун мисра охирида оҳангни кўтарувчи сўз танлаган. “Афтад” калимасининг дастлабки қисми “аф” тилда юмшоқ сирғалиб, мулойим чиқади. Сўз охирида “д” жарангловчи портловчи эса овозни кўтаради, ургуни кучайтиради. “Тушди” да аксинча, сўз охирида оҳанг пасаяди. Умуман,

бундай ҳол ўзбекча феълларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам ўзбек шоирлари феъл қофиядан фойдаланмасликка ҳаракат қилишади. Мутаржим Хуршид ишлатган “ичра” сўзи муסיқийликда асл нусхадаги калом билан беллаша олади. Хуршиднинг радиф борасидаги изланувчанлиги, топқирлиги унинг Ҳофиздан қилган бошқа таржималарида ҳам кўринади.

Воизон к-ин жилва бар меҳробу минбар мукунад,

Чун ба хилват мераванд он кори дигар мекунанд.

(Д.1971. 59)

Бу ерда ҳам юқоридагидек йўл тutilган. Хуршид асл нусхадаги форс-тожикча феъл радиф ўрнига ўзбекчада “ўзгача” сўзини радиф сифатида қўллаган.

Домчалар минбар уза сўз қилса, такрор ўзгача,

Айлаг ай хилватда турли фитна бедор ўзгача.

(109)

Хуршид Ҳофизнинг:

Канори обу нои беду табъи шеъру ёре хуш,

Муошир дилбари ширину соқи гулӯзоре хуш.

(С.1957. 321)

ма тлаъли ғазалини ҳам маҳорат билан ағдарган. У “хуш” ўрнида “ўлсин” сўзини радиф сифатида муваффақиятли қўллаган:

Тол ости сув лабида шеър ила олдингда ёр ўлсин,

Ҳам улфат дилбари ширину ёри гулизор ўлсин.

(131)

Бу сўзнинг муваффақиятли дейишимизнинг боиси шундаки, асл нусхада шоир сув лаби ва ёрнинг яқинлигини

улар билан бўлиш кераклигини таъкидлаб уқтиряпти. Таржимада ҳам ана шу таъкид-уқтирув тилак сақланган. Гарчи унда “яхши” деган гап бўлмасада байт мазмун моҳиятидан шоирнинг ўз қаҳрамонини улар билан бўлишга ундаётганлигидан шу маъно англашилади. В.Раҳимов ўзининг “Шероз булбули наволари” сарлавҳали мақоласида шу газал радифи ва унинг ўзбекча таржимада акс эттирилиши хусусида тўхталади: “...газалнинг радифи “хуш” (яхши)дир. Шоир нима ҳақида баҳс этмасин ўша объект, воқеани яхши деб уқтиради. Таржимада эса радиф “хуш” маъносини бера олмайдиган “ўлсин” (бўлсин) сўзи билан ифодаланганки, таъкид-уқтирув оҳанги ўз-ўзидан йўқолиб (?- М.А.) қуруқ тилак қолган, холос”, дейдида, “Хуршид таржимасидаги байтнинг ўзида бир тажриба ўтказиб кўрайлик...”,¹⁷⁵ деб:

*Тол ости сув лабида шеър ила олдингда ёр яхши,
Ҳам улфат дилбари ширину ёри гульзор яхши.*

байтини, яъни ўзи “яхши” сўзни радиф қилиб олган мисраларни ҳавола этади. Тўғри, “яхши” сўзи асл нусхадаги “хуш”нинг айнан таржимаси бўлсада, унинг маъносига яқин калом. Бироқ у “ўлсин” сўзидан шоирона ва мусиқий эмас. “Ўлсин”да гарчи икки ундош “л” ва “с” бир жойда келган бўлсада, улар икки тарафдаги анча чўзиб ўқилувчи “у” ва “ин” таъсирида дағаллигини йўқотади. “Яхши” сўзидаги “я” ҳарфи эса “у” га нисбатан қисқа талаффуз қилинади. Бунинг устига “и” унлисининг сўз охиридалиги деярли йўқ даражада қисқа ўқилишига олиб келган. Натижада, “х” ва “ш” ундошлари дағал эшитилади. “Ёр”, “гулизор” сўзларидаги ярим бўғишли “р” дан кейин қисқа ўқилувчи “я”нинг келиши ҳам оҳангни бўғиб қўйган. Шунинг учун ҳам В.Раҳмонов таржимасида,

байт охирига яқинлашганда равонлик “синиб” қоляпти. У Хуршид ағдармасидагидай мусиқий эмас. Демак, радиф учун танланган сўз ҳар жиҳатдан асл нусхадаги сўз ўрнини боса оладиган бўлиши керак. Шундагина у узукка қўз қўйгандай ярашиб туршади.

Мутаржимларимизнинг яна бир маҳорати шундаки, улар Ҳофиз шеърини латифлиги, мусиқийлигини шоирнинг айрим радифсиз байтларини радиф билан бериб таъминлашган. Бундай иш тутиш орқали улар таржима жараёнида асл нусханинг қурбон қилинган айрим фазилатларини тиклашга муваффақ бўлишган. Радифли байтларни радифли қилиб бериб, улар мусиқийлигини таъминлаш. Бу унсурга катта ҳурмат ва муҳаббат билан қараган Ҳофиз услубига ёт эмас. Буни ҳам мутаржимнинг ўз ағдармасининг асл нусхага яқинлаштириш йўлида қилинган ижодий изланишларидан бири сифатида қараш керак.

Асл нусхада йўқ радифни таржимада яратиш анчагина қийин, ижодкорлик ва жиддий изланиш талаб қилинадиган иш. Айниқса, ғазаллар ағдармасида бу шеърини санъатни қўллаб, муваффақиятга эришиш анча мураккаб. Шунинг учун бўлса керак, радиф яратиш асосан Ҳофизнинг а-а тарзида қофияланган маснавий асарлари таржимасида учрайди. Хусусан, шоир “Соқийнома”сининг бир қисмини муваффақиятли таржима қилган. М.Муйинзода бу борада маҳорат кўрсатган. У асл нусхадаги радифларни сақлабгина қолмасдан, бир қатор радифсиз байтларни ўзбекчада шу шеърини унсур билан бера билган:

*Магар хотирам ёбад осойише,
Ки набвад зи гам бо вай олоише.*

*Мугани, бизан хусравони суруд,
Бигу бо ҳарифон ба овози руд.*

(246)

Таржимаси:

*Шу бирла менинг хотирам шод эт,
Гаму қайғудан буткул озод эт!
Муганний, у шоҳона куйни соз қил.
Ҳарфларга рудингдан овоз қил!*

(247)

*Чунон барқаш оҳанги ин довари,
Ки Ноҳиди чанги ба рақс овари.*

(246)

Таржимаси:

*Бу шоҳона оҳангни чал соз этиб,
Фазо-Ноҳиди уйнасин ноз этиб.*

(247)

*Муганни, ту сирри маро маҳрами,
Замоне ба най зан даме ҳамдами!*

(248)

Таржимаси:

*Муганний, бу сиримга маҳрам ўзинг.
Найинг чалу бўл менга ҳамдам ўзинг.*

(259)

Бундай мисраларни яна келтириш мумкин. Афсуски, таржимонларимиз шоирнинг кўпгина ғазаллари радифини ташлаб ўгиришган. Бу билан Ҳофиз шеърлари муסיқийлиги, равонлиги ва кўтаринкилигига анча путур етказилган. Тўғри, шундай таржималар ҳам борки, уларда

қофия қилиб олинган сўзлар бу камчиликни кўпам
сездирмайди. Масалан, Ҳофизнинг:

*Ё раб он шамъи шабафрӯз зи қононаи кист?
Жони мо сӯхт, бипурсед ки жонона кист?*

(48)

матлаъли ғазали радифли. Унинг таржимасида эса,
радиф сифатида олинган алоҳида сўз йўқ. Икки байтни
кўздан кечирайлик:

*Қайси уйнинг шамъидур у, қайси жойда хонаси,
Уртади жонни сўранг, кимнинг эрур жононаси?
Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади,
Билмадим кимнинг эрур у мунису ҳамхонаси?*

(49)

Қофиялар таркибидаги “онаси” радиф ўрнини босиб
келаяпти. “Биё, то гул барафшонему май дар соғар
андозем” мисраси билан бошланувчи радифли ғазал
таржимасида ҳам шундай ҳолни кўрамиз:

*Кел, энди гул сочиб ҳар ён, қадаҳ қўлда ўтиргаймиз,
Бузиб чарҳ эски томин янги бир тарҳила*

кургаймиз.

Ҳофизнинг кўлгина ғазаллари радифсиз ўтирилгани
учун олмослардан мунчоқлар даражасига тушиб қолган.
Ш.Шоҳмуҳаммедов ағдармаларининг яхши томони
уларда радифларнинг сақланганлигидадир.

Ҳофизнинг ҳикмат даражасига кўтарилган мана бу:

*Царахти дўсти биншон, ки коми дил ба бор орад,
Ниҳоли душмани баркан, ки ранжи бешумор орад.*

(Д.1971.80)

матлаъли ғазали ўғирмасида радифдан воз кечилганлиги катта йўқотиш бўлган. На гижада, бу бошловчи байт ҳам кейинги мисралар ҳам ўргамиёна, қулоққа ёқмайдиган оддий, панд-насиҳатга айланиб қолган:

*Ширин: ҳосил берур дўстлик дарахтин ўтқиз, эй
инсон
У душманлик ниҳолин юлки, бергай ғам, алам, армон.
(97)*

Гарчи ғазалчиликда биздек анъаналарга эга бўлиш-масада, ғазалларни таржима қилиш ўзбек тилидагига нисбатан қийин кечсада, рус таржимони А.Качетков радифни муваффақиятли бера олган:

*Дерево дружбы посади плод белого зерна принесёт,
Ветку злости сорви: сто страданий она принесёт.
(С.1955. 85)*

Шоирнинг “намекунад” радифли ғазали ўзбекча таржимасида ҳам радифдан воз кечилган.

*Сарви чамони ман чаро майли чаман намекунад,
Ҳамдами гул намешавад, ёди суман намекунад?
Ди гилае зи туррааш кардаму аз сари фусус,
Гуфт ки ин сиёҳ каж гўш ба ман намекунад.
(106)*

Бу байтлардаги “намекунад” (қилмайди) радифи сўзининг ўзбекча ўғирмада қандай акс эттирилганлигини кузатайлик:

*Сарвиравоним не учун қилмайди ҳеч майли чаман,
Бўлмайди ҳамдам гул билан ёдига келмайди суман.*

Кўп вақт эрур дайди дилим боғланди кетди

зулфиға

Ушбу узоқ сайридан қилмайди ҳеч азми ватан.

(107)

10 байги ғазал ўғирмасининг охиригача ҳар иккинчи мисрада “қилмайди”, “бўлмайди” каби сўзлар такрорланиб келаверган. Мутаржим Хуршид “айламас” ёхуд “айламагай” сўзларини радиф қилиб олганда, ҳам ғазал мусиқийлигини таъминлаган, ҳам “қилмайди”, “бўлмайди” каби сўзларни такрор ишлатишга мажбур бўлмаган бўларди. Ҳофизнинг:

Дони, ки чангу уд чи тақрир мекунанд?

Пинҳон хўред бода, ки тақфир мекунад.

(90)

матлаъли ғазалини 1916 йилда А.Авлоний ва 1958 йилда Хуршид таржима қилган. А.Авлоний ғазални радифли қилиб ўгирган. (Дарвоқе, А.Авлоний Ҳофиздан қилган учта таржимасида ҳам радифни берган). Шунинг учун унинг ағдармаси оҳангдор, у қўллаган радиф маъно ёрқинлигини таъминлаган.

Ҳофиз:

Ташвиши вақт пири муғон медиҳанд, боз,

Ин соликон нигар, ки чи бо тир мекунанд.

Мо аз буруни дар шуда мағрури сад фиреб,

То худ даруни парда чи тадбир мекунанд.

(31)

Хуршид:

Пири муғоним вақтий олиб ташвиш орттирар,

Кўргил, мурид пирга ғима қилмоқчидир бу он.

*Биз ташқарида алданамиз макру ҳийлага,
Парда аро улар нима тадбирда бу замон.*

(91)

Авлоний:

*Ташвишга солуб вақтларин май кўтарубон
Хилватда кўрунг, тир-мурид “гир” қилурлар.
Биз ҳийласига алданубон ташқарида қолдук,
Ичкарида онлар нима тадбир қилурлар.¹⁷⁶*

Ҳар икки таржимада ҳам фикр яхши англашилади, аммо қофия ва радифи жиҳатидан Абдулла Авлоний таржимаси Ҳофиз ғазалига яқин. Асл нусхада “пир”, “тадбир”, “тағйир” сўзлари, Авлоний таржимасида эса “гир”, “тадбир”, “тағйир” сўзлари қофияланган. Таржимон фақат “пир” ўрнига қофияга “гир” сўзини ишлатган. Хуршид таржимасида эса “бу он”, “бу замон” зўрма-зўраки қофияга олинган. Чунки бир хил маъно берувчи бу икки сўзни ишлатмаса ҳам шеър мазмунига путур етмасди. Шунингдек, мутаржим радифни акс эттирмаслиги оқибагида ҳар уч байғда “бу” олмошидан такрор фойдаланишга мажбур бўлган. Демак, таржимон астойдил изланса, ишга ижодкорлик билан ёндашса, муъжизадан муъжиза ярата олади.

Афсуски, Ҳофизнинг “Гул бе рухи ёр хуш набошад”, “Ёрам чу қадаҳ ба даст гирад”, “Ҳуснат ба иттифоқи малоҳат жаҳон гирифг”, “Дилбар барафту дишудагонро хабар накард” “Гуфтамки: хато кардиву тадбир на ин буд” каби ажойиб ғазаллари радифи ташлаб ўгйрилганлиги учун ҳам сусг, Ҳофиз маҳорати даражасида эмас.

Ҳа, радиф ғазалнинг энг муҳим белгиларидан бири. Унинг ҳар байғда такрорланиб келиши оҳангдорликни,

ғазал ўйноқилигини таъминлайди, маънони қуюқлаштиришга, таъкидни оширишга, тилнинг катта имкониятларини очиб беришга хизмат қилади. Радиф шоирнинг фикрлаш тарзи билан боғлиқ. Мазмун ва шакл бирлиги ва Малакушуаро Баҳор таъбири билан айтганда, муаллиф услубининг асосини ташкил этади.¹⁷⁷ Шундай экан, таржимонлар радифни ағдармада қайта яратишлари лозим. Бу билан улар асл нусханинг муҳим бир қиррасини ва ижодкор услубининг муҳим хусусиятини акс эттирган бўладилар.

ҒАЗАЛНИНГ ҲУСНИ ТОБОНИ

Вазн шеърнинг муҳим белгиларидан бири, бошқача айтганда, тош-тарозисидир. Бу каломнинг арабча маъноси-ўйчов ҳам шундан далолат беради. «Вазн назмдаги сатрларга ягона усул (ритм) бағишлайди».¹⁷⁸ У тил фонетикаси билан боғлиқдир. Вазн шоир фикри, ҳис-туйғуларини, мақсадини очишга хизмат қилади, шеърнинг таъсир кучини оширади, оҳангнинг маълум меъёрга қайтарилиб туришини таъминлайди.

Ўзбек шеърлятида бармоқ, аруз ва эркин вазнлар мавжуд. Улардан тилимизда фойдаланиш имкони анча кенг. Таниқли олим А.Рустамов бу хусусда тўхталиб: «Ўзбек тили фонетик хусусиятларига кўра ҳижо вазнида ҳам, аруз вазнидан ҳам фойдаланиш учун мосдир. Ҳатто, аруздан туркий тилларда унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги маънога таъсир қилмаганлиги сабабли араб назмига нисбатан туркий назмда қулайроқ фойдаланилади»,¹⁷⁹ деган фикри айтади.

Аруз ўзининг мураккаблиги, баҳрларининг кўплиги билан ажралиб туради. Гарчи унинг айрим баҳрларига тушувчи қўшиқ-ўланлар, шеърлар ажам халқларида аввалдан мавжуд бўлса-да, бу вазнга хос атама ва

ўлчовлар, янги баҳрлар, хуллас, аруз илми араблардан ўгди ва ривожлантирилди. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий аруз ҳақида тўхталиб: «Андоқки, ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг каломи мавжудиди кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди билан ростдур»¹⁸⁰ деганда, бу вазннинг форс-тожик ва туркий халқар назмида кенг қўлланишини ҳам назарда тутганди.

Маълумки, арузнинг арабларда мавжуд бўлган айрим баҳрлари ажам халқлари тил қонун-қоидаларига тўғри келмаганидан қабул қилинмади, баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Профессор Ш.Шомухаммедов ўзининг «Форс-тожик арузи» рисоласида форси арузнинг икки хил йўл билан ривожланиб борганлигини айтади: «Бири-араб арузига баъзи узгартиришлар киритиш, яъни форс-тожик халқлари орасида, фолкълорда мавжуд аруз қолинига тушадиган вазнларни ишлатиш ёки уларга мослаб араб арузи ўлчовидан фойдаланиб, яъни унинг қолинини ўзгартириб, янги баҳрлар тузиш».¹⁸¹

Арабларда мавжуд бўлган 10 рукидан форс тилига мос келадиган 7 таси, 16 баҳрдан 10 таси қабул қилинди. Тавил, мадид, басит каби баҳрлар форс-тожик шеърияти учун ёқимсиз ҳисобланиб, олинмади. Бу хусусда, Алишер Навоий қуйидагиларни ёзади: «Ва комил баҳри билан вофир баҳрида чун назм кам воқеъ бўлубтур... Аммо тавил ва мадид ва басит баҳри араб шуаросининг махсусидир... ажам шуароси анга машғул бўлмайдурлар».¹⁸²

Ҳофиз Шерозий қабул қилинган баҳрларнинг кўпчилигида ўз маҳоратини синаб кўрган ва муваффақиятга эришган. Шоир ғазалларида мазмун ва шакл мутаносиблиги эътиборга молик. Шунинг учун ҳам улар туйғуларимизга таъсир этади, лаззат бағишлайди.

Демак, Ҳофиз ғазалларини таржима қилганда, унинг

вазнини ҳам беришга муҳим иш сифатида ёндошмоқ даркор. Чунки «шеърнинг вазнини акс эттириш унинг куйи, музикаси, бинобарин кайфият ва туйғуларини акс эттириш демакдир».¹⁸³ Бунинг устига, аруз (М.А.) «шунчаки ўлчов, чорчўба бўлмасдан, балки тарихий колоритни белгилайдиган адабий ҳодисадир».¹⁸⁴ Шоир ҳар бир ғазалини битар экан, унинг мазмун-моҳиятига, тасвирланаётган воқеа-ҳодисага мос вазн танлайди. Масалан, Рўдакийнинг ўз юртини соғинган мусофир кайфияти, ҳис-туйғусини ифода этувчи, қўнғироғини жирирглатиб, олис шаҳарлар сари ошиқаётган туялар карвонининг қадам ташлашини эслатувчи ғазалининг вазни-рамали мусаддаси маҳзуфи билан «Шоҳнома» вазни-жанговар ва кўтаринки руҳдаги, енгил ўқилувчи мутоқориб баҳри орасида ер билан осмонча фарқ бор. Шоирлар ошиқ ҳолатини, ўй-кечинма ва юрак туғёнларини ифодалайдиган, ёрнинг таърифи-тавсифига қаратилган ғазаллар учун кўпинча ёқимли ва мусиқий, равон ўқилувчи ҳажаз, ражаж, рамал, баҳрларига юксак маҳорат кўрсатган бўлса-да, унинг назмий мероси катта қисмини ана шу шеърӣй ўлчовлардаги ғазаллар ташкил қилади. Табӣийки, ўзбекчага ағдарилган Ҳофиз назм намуналарининг аксари ана шу баҳрлардадир.

Шоир-тажимонларимиз Хуршид, Чустий, Ш.Шо муҳаммедов, Э.Воҳидов, Жонибеклар ғазаллар вазнига унинг муҳим унсури-устини сифатида қараб, ўз ағдармаларида беришга интиланлар. Ҳофизнинг 1958 йилда чоп этилган ўзбекча девонидаги кўпгина ғазаллар ҳажаж баҳридадир. Улар худди асл нусхадагидек латиф ва мусиқий. Мутаржимларимиз ўзбек тили имкониятларидан, ғазалчилигимиз анъаналаридан моҳирона фойдаланиб, Ҳофиз ғазаллари поэтик маъносини вазнга

сигдиришга, унинг муваффақиятини таъминлашга мушарраф бўлишган:

Ҳажаж ёқимли ўқилувчи, форс-тожик шеърлятида кўп қўлланувчи баҳрлардан бири. Ҳофизнинг «Агар он турки шерози...» деб бошланувчи машҳур ғазали ана шу баҳрнинг мусаммани солим вазнидадир. Унинг тақтеи қуйидагича:

*Агар он тур/ки шерози/ба даст орад/дили моро,
Ба холи ҳин/дуяш бахшам/Самарқанду/*

*Бухороро.
(28)*

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

Дастлаб, ёр тавсифига бағишланиб, сўнг май ва сув бўйи, Мусалло боғини васф қилувчи, Зулайҳодай орномусли аёлни исмат пардасидан чиқарган ишқнинг улуғлигини, хуллас, моддий ҳаёт неъматларини мадҳ этувчи ғазал шундай ёқимли ва эркин, мусиқий вазнда ёзилиши табиий эди. Вазн вазифасини тўғри тушунган Хуршид ўз ағдармасида уни сақлайди:

Агар кўнглим/ни шод этса/ушал Шероз/

Қора холи/га бахш этгум/Самарқанду/

*Жонини,
Бухорони.
(29)*

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

Тўғри, ўзбекча таржима матлабининг биринчи мисрасини тақтеъ қилганда, бир ҳижо кам чиқади. Аммо ўқиётганда, бу камлик сезилмайди. Чунки «Шероз жонони» бирикмасидаги «з» билан «ж» ундошининг

ёнма-ён келиши туфайли «з» дан кейин қисқа«и» ўқилади ва у ноқисликни сездирмайди. Иккинчи мисрадаги «қора» сўзи эса вазн тақозоси билан «қаро» деб ўқилади.

Хуршид ағдармаси ҳам асл нусхадагидай равон ва мусиқий, ғазалхон туйғуларига таъсир қилади. Шу байти ўзбек чалаштирган Мақсуд Шайхзода, Азимжон Суюнлар ҳам вазни сақлашга эътиборни қаратишган:

*Агар кўнглим/ни ололса/ўшал Шероз/жонони,
Қора холи/га бахш этгум/Самарқанду/*

*Бухорони.
(А.Суюн)*

*Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
Дилымни сий/ласа шояд/бу Шероз/шах/ри*

жонони,

Қора холи/га бергайман/Самарқанду/Бухорони.

(М.Шайхзода)

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Ҳофизнинг «Дўш аз масжид сўи майхона омад пири мо» мисраси билан бошланувчи ғазали эса рамал баҳрининг мусаммани солими маҳзуф вазнидадир. Унда маслаҳат, сўроқтаъкид устун. Художўй одамнинг тақдир ҳақида шундай салмоқ билан гапириши, бундай сўзлаш замирида эса шитоб пинҳоналиги, куюнчаклиги мавжудлиги сезилиб туради. Гарчи рамал баҳрининг мусаддасида ҳам шундай шитоблик ёрқин акс этсада, мусамманда салмоқдорлик бирмунча усун. Ўз ички шитобини, куюнчаклигини Художўйларга хос сиполик, сокинлик билан пардалаётган киши ҳис-туйғуларини ифодалаш учун Ҳофиз ана шу вазни танлаши турган гап эди. Таржимон Хуршид ўз ағдармасида ана шу вазни бериш орқали асл нусха хусусиятларини ўзбек тилида қайта тиклашга муяссар бўлган:

*Дўш аз мас/жид суи май/хона омад/пири мо,
Чист ёро/ни тариқат/баъд аз ин тад/бири мо.
Дар харобо/ти тариқат/мо низ ҳамман/зил*

шавем,

К-ин чунин раф/таст дар аҳ/ди азал тақ/дири

мо.

(С.1957. 35)

Ўзбекчаси:

Келди масжид/дан бу кеч май/хона сари/

пиримиз,

Не бўлур йўл/дошларим бун/дан кейин тад/

биримиз.

Биз муридлар/қайси йўл бир/ла борурмиз/

Каъбага,

Бошламоқда/йўлни майхо/на томонга/

пиримиз.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Ўзбек тили форс-тожик тилидан сўз қурилиши жиҳатдан фарқ қилади. Бу икки тил бошқа-бошқа гуруҳларга мансуб. Шунга қарамасдан, мутаржимлар изланувчанлиги, таржима ишига ҳам ижод, ҳам санъат деб ёндошиши, классик шеърятимиз анъаналаридан, аруздан яхши хабардорлиги ўз самарасини берган. Улар ражаз, ҳазаж, рамалдан бошқа баҳрлардаги ғазаллар вазнини ҳам сақлай олишган. Шоирнинг «Даст аз талаб надорам...» деб бошланувчи, мунсарих баҳрининг мусаммаи солими махбуни макшуф вазнидаги, ўйноқи ва мусиқий ғазали таржимада ҳам асл нусхадагидай жаранглайди:

*Даст аз талаб/надорам/то коми ман/барояд,
Ё таъ расад/ба жонон/ё жон зи тан/барояд.*

*Бикишой тур/батамро/баъд аз вафо/ту бингар,
К-аз-оташи/даруним/дуд аз кафан/барояд.*

(118)

Таржимаси:

Кўл тортмагум/тилакдан/лутф этмагун/ча

дилбар,

Ё жсон кетар/таннимдан/ё васл булур/муяссар.

Ўлгач, очиб/мазорим,/боқгил ўлук/таннимга,

Бағрим ёниб,/кафандан/кўкка чиқар/тутунлар.

(119)

Ёхуд мутақориб баҳрининг мусаммани аслами солим
вазнидаги мана бу ғазал ва унинг таржимасини кўздан
кечирайлик:

Чандон/ки гуфтам/ғам бо/табибон,

Дармон/накарданд/мискин/ғарибон.

(156)

Фаълан фаувлун фаълан фаувлун

Этдим/табибга/ғамлар/ни чандон,

Мискин/ғарибга/қилмай/ди дармон.

(157)

Фаълан фаувлун фаълан фаувлун

Шуниси ҳам борки, фақат вазни сақлашга берилиб
кетиб, ғазалнинг бошқа унсурларини акс этгиришга
бефарқлик билан ёндашиш бир ёқламаликка олиб келади.
Бундай иш тугиш асл нусханинг кўнгина фазилатларини
китобхонларнинг бундай шеърий шакл формасини ҳазм
қилишга гайёргарлигини ҳам ҳисобга олиш лозим.
Шароитга қараб, шеърни асл нусханикига яқин, унинг
оҳанг ва туйғуларини эслатувчи вазнда ҳам бериш
мумкин.

Ҳофизнинг «Гул бе рухи ёр хуш набошад» мисраси билан бошланувчи ғазали жуда машҳур. Унга халқ куй ҳам басталаган. Баҳор ғузалликларидан маст ошиқнинг лирик кайфиятини тараннум этувчи, мулойим ўқилувчи бу ғазал ҳазаж баҳрининг ахраби махфузи мақбуз вазнидадир. Унинг тақтеи қуйидагича:

*Гул бе ру/хи ёр хуш/набошад,
Бе бода/баҳор хуш/набошад.
Тарфи ча/ману таво/фи бўстон;
Бе лола/узур хуш/набошад.*

(Д.1971. 90)

Мафъулу мафоилун фаулун.

Мутаржим Чустий уни ҳазаж баҳрининг шу вазнига қараганда бирмунча вазмин ўқилувчи рамал баҳрининг мусаддаси солими махзуф вазнида берган:

*Гул жамоли/дилга ёқмас/бенигор,
Завқи йўқдир/бодасиз бўл/са баҳор.
Баҳрами йўқ/боғу бўстон/сайрини,
Бўлмаса бир/лола юзли/гулизор.*

(101)

Фоилотун фоилотун фоилун

Аввало, таржима радиф акс этмаганлиги учун мусиқийлик анча сўнган, ғазал рангсизланган. Иккинчидан, ўйноқи ва ёқимли ҳажаз баҳридан бошқа вазнга кўчирилганлиги асл нусхадаги шоду хуррамлик, баҳор кайфиятини сўндирган, ағдарманинг ланж чиқишига олиб келган.

Албатта, Ҳофизнинг вазни ўзгартириб таржима қилинган ғазаллари озчиликни ташкил этади. Мутаржимлар ўнлаб ғазалларни ўз вазнида маҳорат билан ўгирганлар.

Таржимаонларимиз тажрибаси тиллардаги ўхшаш анъаналардан фойдаланиб, ишга ижодий ёндашган ҳолда вазни муваффақиятли бериш мумкинлигини кўрсатади. Тўғри, аруз вазнидаги ғазал ва дostonларни Шарқ шеърияти анъаналаридан узоқ Европа халқлари тилларига, жумладан, немис ёки рус тилига аруз билан бериб бўлмайди. Профессор Н.Комилов бундай тажрибалар қилиб кўрилганлиги ва улар муваффақиятсизликка учраганлигини айтади.¹⁸⁵ Шунинг учун ҳам улуғ италян шоири Данте ўзининг «Базм» рисоласида: «Вазн қонуниятига бўйсунган, мусиқавий равонликка эга бўлган асарларни асл нусха лафзининг тамоми лазизлиги ва уйғунлиги билан бошқа тилга беуқсон таржима этиб бўлмайди!»¹⁸⁶ деган эди. Тўғри, бошқа-бошқа гуруҳларга кирувчи, анъаналари узоқ тиллардан таржима қилаётганда, асл нусха оҳангига яқин вазн танлаб олинади. Аммо анъаналари яқин, асл нусха вазини бера олиш имконига эга тилда шеърни бошқа вазнга ўгириш мақсадга мувофиқ эмас.

Демак, ғазаллар таржимасида вазни анъаналари яқин, асл нусха вазини бера олиш имконига эга тилда шеърни бошқа вазнга ўгириш мақсадга мувофиқ эмас.

Демак, ғазаллар таржимасида вазни қайта тиклаш мўтаржим олдида турган муҳим муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал этиш давр руҳи, тарихий ва миллий колоритни, шоир фикри-руҳи, кайфият ва туйғуларини, маҳоратини, хуллас, унинг услубини сақлашдир.

ҲИҚМАТГА АЙЛАНГАН МИСРАЛАР

Ҳофиз Шерозий рубоий жанрида ҳам юксак маҳорат кўрсатган шоирдир. Унинг фалсафий, риндона, ошиқона рубоийлари маъноларининг қуюқлиги, фалсафий теранлиги ва юксак бадий завқи туфайли катта шўҳрат қозонди. Ҳофиз ҳаёт шодумонликларини, борлиқни, баҳор ва майни дин аҳллариининг у дунё ҳақидаги ҳою ҳавасларидан устун қўйди. Ёшлик ва муҳаббатнинг, ғанимат дамларнинг қадрига етишга чақирди. Майни хуррамлик чашмаси деб билди. Ҳофиз рубоийларида хайёмона фалсафани, руҳни туясиз:

*Йигитлик чоғингда шароб яхишироқ,
Гўзаллар сўхбати, рубоб яхишироқ.
Бутунлай хароба бўлмишдир жаҳон
Харобада бўлсанг хароб яхишироқ.*

(Чустий. 211)

Ҳофиз рубоийларининг аксари ишқий мавзуда. Уларда ёрнинг гўзаллиги, ахлоқ-одоби, бопқа сифатлари анъанавий образлар зоситасида очиб беради. Айни вақтда лирик қаҳрамон маҳбубасининг бемехрли ва адолатсизлигидан, ағёрга илтифот этиб, ҳақиқий маҳбубига шафқатсизлигидан шикоят қилади. Бу рубоийларда ҳаёт адолатсизликларидан нолиш оҳанглариини ҳам илғайсиз. Шоир донолар, илм аҳллари ва ноз-неъмат бунёдкорлари – оддий халқнинг хорзорликка, оч-яланғочликка маҳкум эканлигини, текинхўр ва ишқмаслар, маънавий тубан шахсларнинг ҳаёти айшишратда, роҳат-фароғатда кечаётганлигини аламизтироб билан қаламга олган. Оммафаҳмлиги, халқ дилидаги айтилганлиги, бадий баркамоллиги туфайли ҳам бу рубоийлар катта шўрат қозонди. Улар ҳиқматлар даражасига кўгарилди.

Ўзбек таржимонлари Хуршид, Чустий, Ш.Шомўхаммедов, Жойибеклар Ҳофизнинг 40 дан кўпроқ рубойisini ўзбекчалаштиришган. Улар асосан, ошиқона ва риндона рубойлардир. Мутаржимлар рубойларнинг вазни ва маъносини, тасвирий воситалари, қофия ҳамда радифни, бадий образларини, муаллиф услуби ва руҳини сақлашга катта эътибор беришган. Шунинг учун бир қанча рубойлар шеърхонда худди асл нусха каби кучли таъсир этади, завқлантиради:

*Ҳаргиз нақуни ёди ман, эй шамъи Чигил,
Назди ман агарчи ҳаст коре мушқил,
Дарде, ки ман аз ғами ту дорам дар дил,
Дил донаду ман донаму ман донаму дил.*

(214)

Таржимаси:

*Ёд айламадинг мени, эй шамъи Чигил,
Бошим уза ҳар қанча тушубдур мушқул,
Кўнглимга ғаминг билан тўлубдур дардлар,
Дил билди-ю мен билдим-у мен билдим у дил.*

(215)

Таржима асл нусхага ҳамоҳанг жаранглайди. Мисралар мазмуни ўзбекчада деярли айнан берилган. Бунга таржимани асл нусха билан сатрма-сатр солиштириб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. (Ҳаргиз нақуни ёди ман, эй шамъи Чигил – Ёд айламадинг мени, эй шамъи Чигил; Назди ман агарчи ҳаст коре мушқил – Бошим уза ҳар қанча тушубдур мушқул; Дарде, ки ман аз ғами ту дорам дар дил – Кўнглимга ғаминг билан тўлибди дардлар; Дил донаду ман донаму ман донаму дил – Дил билди-ю мен мен билдим у мен билдим у дил). Асл нусхага тенг таржима. Мутаржим Хуршиднинг маҳорати шундаки, у Ҳофиз қофияларини, образларини айнан

сақлаган. Ҳатто, рубоий охирги мисрасидаги маънони кучайтириб келишга хизмат қилувчи такрорий сўзлар ҳам ўзбекчада асл нусхадагидай жаранглайди.

Ҳофиз Шерозий рубоийларида оҳангдош сўзлар такрорийлигини қатъий қилиб қўймаган. Шунга қарамасдан, уларда бундай сўзлар оз эмас. Улар тўртликларга қўймалик, табиийлик, мусиқийлик бахш этган:

*Дар кўи ту бехонатар аз мо кас нест,
Наздики ту бегонатар аз мо кас нест,
Дар силсилаи танобат овехтаам,
3-он руй, ки девонатар аз мо кас нест.*

(200)

Рубоий мисраларининг асосий қисми қофия ва радифдан иборат (учинчи мисра бундан мустасно, албатта). Аммо “Дар кўи ту”, “Наздики ту”, “3-он руй, ки” сўзлари ҳам оҳангдош. Ҳофиз қофия сифатида олган сўзлардаги “бехонатар”, “бегонатар”, “девонатар” сўзларидаги “бе” ва “де”лар ҳам ўзаро қофияга киришиб, рубоий мусиқийлигини оширган. Албатта, таржимада асл нусханинг ҳамма фазилатларини акс эттириш мушкул. Хуршид қофия ва радифни бера билган:

*Кўйингда мен беватан, ўзга ҳеч ким йўқ,
Ёнингда бегонаман, ўзга ҳеч ким йўқ.
Зулфингни танобига боғланган менман,
Девонароқ мендан ўзга ҳеч ким йўқ.*

(201)

“Аз мо кас нест” (биздан бошқа киши йўқ) радифи “ўзга ҳеч ким йўқ” тарзида муваффақият билан берилган.

Таржимада асл нусхадаги “бехонагар”, “бегонагар”, “девонагар” ўрнига бирмунча рангсиз бўлса-да, “беватан”, “бегонаман”, “мендан” сўзлари қофияга олинган. “Кўйингда”, “ёнингда” сўзлари ҳам оҳангдош. Рубойидаги фикр-мазмун таржимада акс этган. Булар таржиманинг дуруст чиққанлигини кўрсатади. Хуршиднинг Ҳофиздан маҳорат билан қилган бундай таржималари талай:

*Ту бадриву хуршед туро банда шудасть,
То бандани ту шудасть, тобанда шудасть.
З-он рӯй, ки аз шуои рӯи маҳи ту,
Хуршед муниру моҳ тобанда шудасть.*

(200)

Таржимаси:

*Сен тўлин ойу қуёш сенга банда эрур,
То банданг ўлибдур у тобанда эрур,
Ҳар лаҳза сенинг ой юзинг нури билан
Офтоб ёруғ, ой эса тобанда эрур.*

(201)

Хусусан, рубойининг дастлабки икки мисраси нақадар аниқлик билан таржима этилган. Бундай ағдармаларни ўқиб, таржимон маҳоратига қойил қолмай илож йўқ.

Рубойи вазни билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Бу хусусида Алишер Навоий “Мезон-ул-авзон” асарида: “Рубойи вазниким, ани дубайтий ва тарона дерлар, ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахрабидан истихроҷ қилибдурлар”,¹⁸⁷ – дейди. Хуршид таржималари Чустий, Ш. Шомуҳаммедов, Жонибеклар ағдармаларидан рубойининг ана шу ўзига хослиги-вазнини акс эттириши билан ҳам фарқ қилади. Мутаржимлар Чустий,

Ш.Шомуҳаммедов ва Жонибек Ҳофиз рубоийларини кўпроқ бармоқ вазнида беришни афзал кўришган:

*Чаши ту, ки сеҳри Бобул аст устодаи,
Ҳаққо, ки фусунҳо наравад аз ёдаи,
Он зулф, ки ҳалқа карда дар гўши жамол
Овеза зи дурри назми Ҳофиз бодаи!*

(С.1957. 576)

*Мафъулу мафъийлу мафъийлун фоъ
Таржимаси:*

*Бобилни сеҳргари кўзингга устод,
Ҳеч бир унутилмас афсунким олмиш ёд.
Ул зулфики, ҳуснини қулогига тақилмиш
Ҳофиз дури назмин тақ, бул кўздан озод.*

(213)

Мафъулу мафъийлу мафъийлун фоъ
Маълумки, бизда ҳозир ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шохобчаларида ёзилмаган тўртликларни ҳам рубоий дейиш одат тусига кирган. Мақсуд Шайхзода, Рамз Бобожон, Шоислом Шомуҳаммедов, Толиб Йўлдош ва бошқа шоирларимиз шеърӣ бисотида бундай рубоийлар талай. Кўпроқ 11 ҳижоли, бармоқ вазнида ёзилаётган бундай тўртликлар аруз вазнидаги рубоийларга ҳамоҳанг жаранглайди. Эндиликда мутаржимларимиз рубоийларни ҳам бармоқ вазни билан ўгиришни тажриба қилиб кўришяпти. Ҳофизнинг:

*Дар сумбулаш овехтам аз рӯи ниёз,
Гуфтам: мани савдозадаро чора бисоз!
Гуфто, ки лабам бигиру зулфам бизгор,
Дар айши хуш овез, на дар умри дароз!"*

(С.1957. 576)

рубоййсини Чустий 11 ҳижоли бармоқ вазни билан берган:

*Зулфига асилиб дедим: мени зор,
Девонанг ишини ўнглагил, эй ёр.
Зулфимни кўй, деди, сўргил лабимни
Осилма узун умрга, айш қил, бор.*

(211)

Кўриниб турибдики, таржимада мазмун ва эҳтирос оҳангдорлик сақланган. Жарангдор қофиялар танланган. Ҳофиз рубойсидаги ўйноқилик, мутойиба ўзбек шеърхонига етказилган. Бу аруз вазидаги рубойини бошқа вази билан ҳам шеърят мухлисларига маъқул қила олиш имкони борлигини кўрсатади.

Албатта, мутаржим учун мазмун бирламчи. Аммо бу шаклнинг аҳамиятини пастга урмаслиги керак. Мазмун ва шакл тарозининг тенг икки палласидир. Мазмун ўзига яраша шаклда ифодаланмаса, мукамал эмас. Таъсир кучи ҳам, ҳаётийлиги ҳам йўқ. Хусусан, шеърнинг оҳангдорлиги, эҳтироси йўқолса, у таъсир кучининг ярмидан маҳрум бўлди, демак. Ҳофиз ғазал ва рубойларининг ҳар бир мисрасини юрак тафти билан иситган, уларга тириклик, шеъринг завқ бахш этган. Шеърнинг оҳангдорлигини, мусиқийлигини ва завқини таржимада қайта яратиб хусусида гап борар экан. Ҳофизнинг:

*Ман бандан он касе, ки шавқе дорад,
Бар гардани худ зи шиқ тавқе дорад,
Ту лаззати шиқу ошиқи кай дони?
Ин бода касе хўрад, ки завқе дорад.*

(206)

рубойсининг уч мутаржим томонидан ўзбекчага қилинган таржималари қиёслаб, таҳлил этиш мароқлидир:

*Мен қулман унгаки, дилда шавқи ўлса,
Севгидан унинг бўйнида тавқи ўлса,
Севги ва севиш лаззатини сен билмайсан
Бу бодани ичгай кимки завқи ўлса!*

(Хуршид, 207)

*Хожам деб билурман қалби кабобни,
Ишқдан гарданига осса танобни,
Сен шининг лаззатин қайдин билурсан,
Завқи борлар ичгай ушбу шаробни.¹⁸⁸*

(Жонибек)

*Мени асир этмиш шавқи бөр киши,
Гарданида ишқдан тавқи бор киши,
Сен қайдин билурсан ишқ лаззатин?
Бул бодани ичгай завқи бөр киши.¹⁸⁹*

(Ш.Шомуҳаммедов)

Хуршид таржимасида аслиятдаги вазн, қофия ва радиф сақланган. Мазмун ҳам яхши берилган. Аммо аслиятга нисбатан анча рангсиз, муסיқийлиги, шеърий завқи суст. Таржима жараёнида мутаржимга шоирона завқ, илҳом этишмаганлиги кўриниб турибди.

Жонибек ўғирмасида эса радиф тушириб қолдирилган. Аслиятдаги қофия сифатида олинган сўзлардан воз кечилган. Уни баркамол таржима дейиш қийин.

Ш.Шомуҳаммедов аруз вазнидаги рубойни бармоқ вазнида берган. У асл нусхадаги қофияни сақлаб қолган. Таржимон радиф сифатида олинган “дорад” сўзининг жарангдорлигига алоҳида аҳамият берган. Таркибида

“бор” калимаси мавжуд бирикмани радиф сифатида қўллаган. Бу рубоий мусиқийлигини таъминлаган. Шунинг учун ҳам унинг таржимаси бошқалар ичида бўртиб кўзга ташланади.

Ҳофизнинг 1958 йилда Тошкентда чоп этилган мунтахаботидан унинг Хуршид ва Чустий томонидан таржима қилинган 38 та рубоийси ўрин олган. Уларнинг 21 тасини Хуршид, 17 тасини Чустий таржима этган. Хуршид 19 та радифли рубоийнинг 9 тасини, Чустий эса 14 та рубоийдан иккитасинигина радифи билан берган.

Хуршид Ҳофиз рубоийлари радифини беришда бир неча хил йўлдан борган. Биринчидан, асл нусхада радиф сифатида қўлланилган сўзга ўзбекча ағдармада ҳам шу вазифани юклаган, иккинчидан, асл нусхадаги радифни ўзбекчага таржима қилиб берган, учинчидан, радиф учун ўзбекча бошқа сўз қўллаган. Тўғри, баъзан таржимон учун радифни қайта яратиш енгиб бўлмайдиган ғов бўлиб қолади. Мутаржим Хуршид бунинг ҳам йўлини топган. У радиф ўрнига бошқа бир санъат – анафорани қўллайди:

*Ёри чу накарда бахти шурида чй суд?
Шоди чу надид ин дили гамдида чи суд?
Он мардуми дида буд, к-аз дида бирафт,
Чун мардуми дида нест, дар дида чи суд?*

(С.1957. 576)

“Ёри чу накарда”, “шоди чу надид”, “шурида”, “гамдида”, “дида” каби оҳангдош сўзларнинг такрорийлиги ва радиф рубоийга мусиқийлик бағишлаган. Уларни ўзбекчада қайта тиклаш осон эмасди. Шунга қарамай, Хуршид дадил ҳаракат қилган, ижодкорлик,

голқирлик кўрсатган. Унинг таржимасида радиф йўқ. Аммо бу етишмовчиликни анафора бирмунча тўлдириб келян. 17:

*Не фсйда у бахтдан, ки қилмас имдод,
Не фойда дилданки сира бўлмас шод,
Ул эрди кўзим қароси, кетди кўздан,
Не фойда у кўздан нури бўлса барбод.*

(213)

Албатта, жанрнинг ўзига хослигини, конкрет таъсирни, образларни, радиф ва қофияни ҳамда бошқа зарур унсурларни -ҳамма-ҳаммасини таржимада акс эттириш қийин. Мазмун, вазн, қофия ва радиф талабига кўра баъзи қурбонлар берилади. Гоҳида эса мутаржижлар ағдармада ўта аниқликка ингилиш натижасида нуқсонларга йўл қўядилар. Мисраларнинг бўш жойларини тўлдиришга ҳаракат қилиш оқибатида ўғирмаларга мазмунни очишга хизмат қилмайдиган, ортиқча сўзлар қўшилиб қолади. Баъзан вазн талабидан келиб чиққан ҳолда тил қоидаларига хилоф иш тутилган.

*То кай бувад ин жавру жафо қардани ту?
Бехуда дили халойиқ озурдани ту?
Тег аст ба дасти аҳли дили хунолуд
Гар бар ту расад хуни ту дар гардани ту.*

(220)

Таржимаси:

*Токай бу жафову жавр бўлур армонинг,
Эл кўнглини ранжитишини илтар жонинг.
Кўрдингми дил аҳлининг қўлида қонлиг тиг,
Тегса сенга, ўз гарданга ўз қонинг.*

(221)

Аввало, радифдан воз кечилганлиги “ту” сўзининг такрорийлиги йўқолганлиги сабабли рубой мусиқийлиги

бирмунча сўнган. Ҳофиз, ҳаммаси учун сен айбдорсан деб таъкидлаб-уктирляпти. Шунинг учун ҳам у “ту” сўзини радиф қилиб олган. Уни охириги мисрада уч марта такрорлаган. Уғирмада бу йўқ. Қофиялар зўрма-зўраки. Қофия сифатида қўлланган ва таъкид тушаётган “армонинг”, “жонинг” сўзлари эса Ҳофиз маъносини акс эттиришга хизмат қилмайди ёки хизмат қилганда ҳам рубойга бошқача мазмун беради. Асл нусхадаги “Қачонгача қилгулигинг жавру жафодан иборат бўлади” билан “жавру жафо сенинг армонинг” гапи орасида анчагина фарқ бор. “Эл кўнглини ранжитишни истар жонинг” дейиш ҳам кўнгилдагидек чиқмаган. Чунки майл-истак, орзу-армон жонга эмас, кўнгилга алоқадор гаплардир. Бунинг устига, рубойнинг охирида (эҳтимол, мусаҳҳиҳ айби биландир) “гарданингга” (бўйнингга) каломи ўрнига “гарданга” сўзининг тушиб қолганлиги рубойи маъносига катта путур етказган.

*Бо май ба канори жўй мебояд буд,
В-аз ғусса каноражўй мебоаб буд.
Чун умри гаронмоия мо даҳ рўз аст,
Хандонлабу тозарўй мебояд буд.*

(202)

Таржимаси:

*Май базмин ариқ лабида қурмоқ яхши,
Гам-ғуссадан энг узоқда юрмоқ яхши,
Гар бизнинг азиз умримиз ўн кун бўлса,
Ҳеч гамсиз ўйин-кулгида юрмоқ яхши.*

(203)

Радиф сақланган. Аммо ўғирма қофиялари кўнгилдагидай эмас. Сабаби, таржимон “юрмоқ” сўзини

тўртинчи мисрада такрор қофияга олган. Тўғри, асл нусхада ҳам “жўй” сўзи икки марта қофияга олинган деб эътироз билдириш мумкин. Ҳофизда иккинчи мисрадаги “каноражўй” мажозий маънода келаётгани учун ноқислик сезилмайди. Хуришид ўғирмасининг иккинчи мисрасидаги “энг” сўзи ҳам сатрга сингишиб кетолмагани, мисрани тўлдириш учун қўлланилгани сезилиб турибди. “Ғам-ғуссадан узоқ юрмоқ яхши” дейиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг устига, ўзбеклар масофанинг йироқлигини билдирмоқчи бўлсалар, “энг узоқ” эмас, “жуда узоқ” дейдилар. Форс-тожиклар умр қисқалиги ҳақида гапирганда, “умр даҳ рўз аст” дейишса, ўзбекларда унинг “беш кунлик умр” деган муқобили бор. Ўғирмада ана шу ўзбекча бирикмани қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

*Чашми ту ки сеҳри Бобул аст устодаш
 Ҳаққо, ки фусунҳо наравад аз ёдаш,
 Он зулф, ки ҳалқа кард дар гўши жамош,
 Овеза зи дурри назми Ҳофиз бодаш!*

(212)

Таржимаси:

*Бобилни сеҳргари кўзингга устод,
 Ҳеч бир унутмас афсунниким олмиш ёд.
 Ул зулф ки, хусннинг кулоғига тақилмиш,
 Ҳофиз дурри назмин тақ, бўл кўздан озод!*

(213)

Рубоий охиридаги “бўл кўздан озод!” жумласи қофия учун, мисрани тўлдириш учун келтирилганлиги кўриниб турибди. Айни вақтда у Ҳофизнинг конкрет фикрини мавҳумлаштириб, унинг қийматини пасайтирган.

*Ҳофиз, варақи суханройи тай кун,
 В-ин хомаи тазвиру рийи пай кун.*

*Хомуш нишин, ки вақти хомушии туст
Дам даркашу'жоми бодаро пурмай кун!*

(224)

Оҳангдор, ажойиб рубоий.

*Сўз кўнғироғин чалишни, Ҳофиз, тўхтат,
Бу макру риёнинг қаламин синдур, от.
Жим бўлки, сукут этмиш чоғингдур бу
Майга тўлатиб жом ич, изла ҳаёт.*

(225)

Хуршид таржимасида ўртамиёна тўртлик даражасига тушиб қолган. Аввало, ўғирмада радифдан воз кечилганлиги оҳангга салбий таъсир кўрсатган. Рубоий таржимаси жиддий таҳрир қилинмаган. “Майга тўлатиб жом ич” дейиш тил қоидасига кўра ҳам, фикрни шеърхонга етказиш нуқтаи назаридан ҳам маъқул эмас. “Изла ҳаёт” бирикмаси мисрани тўлдириш ва қофия учун келтирилган.

Бироқ Ҳофиздан маҳорат билан таржима қилинган рубоийларнинг ўзи ҳам унинг етук сўз устаси, бадий завқи юксак, оташзабон шоир, теран фалсафий фикрлар соҳиби бўлганлигидан, рубоийлари эса чинакам санъат намунаси эканлигидан далолат беради.

Ҳофиз рубоийларининг таҳлил этилган таржималари дастлабкилардир. Шунинг учун уларда камчилик-нуқсонлар бўлиши табиий.

Ҳа, Ҳофиздан таржима қилиш эндигина бошланяпти...

ХУЛОСА ҮРНИДА

Ҳофиз Шерозий бир газалида:

*Ҳофиз, гапир, бу олам аро сўз дуррини соч,
Дунёда қолгуси шу қаламингдан ёдгор.*

деган эди. Дарҳақиқат, шоир башорат қилганидай, унинг номи бугунги кунда нафақат форс-тожик, балки жаҳондаги барча халқлар тилларида жарангламоқда. У бунга ўзининг ўлмас шеърияти туфайли эришди.

Ҳофизни ўзбек шоир ва адиблари ўз устозлари деб биладилар. Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Ҳофиз Хоразмий, Махмур, Фурқат, Ҳамзалар шоир газалларига таъаббуълар боғладилар, ўхшатмалар ёздилар, ўзларининг қатор шеърларини ана шу қалам соҳиб ижодидан таъсирланиб, маънавий озик олиб яратдилар. Ҳофиз ижоди форс-тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги адабий алоқаларни, муштаракликни мустаҳкамлашга хизмат қилди ва қилмоқда. Ўзбек шоирлари Ҳабибий, С.Абдулла, Хуршид, Чархий, Чустий, Ш.Шомуҳаммедов, Э.Воҳидов, Ж.Камол, А.Маҳкам ва бошқалар ҳам бу улук шоир ижодидан баҳраманд бўлиб ижод қилдилар ва қилмоқдалар.

Ўзбек халқи Ҳофизни ўз шоири деб билади. Авваллари шоир газал ва рубойлари қўлёзма ҳолида тарқалган бўлса, эндиликда халқимиз уларни ҳам асл нусхада, ҳам таржималар воситасида ўқимоқда. Ҳофиз газал ва рубойлари, бошқа шеърӣ асарлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда.

Хуллас, Ҳофиз Шерозий шеърӣяти умумбашарӣй хусусиятга эга бўлиб, унинг ғоялари барча замонлар учун

илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Улар инсон фаолияти билан боғлиқ кўҳна ва абадий муаммоларнинг шеърий ифодасидир. Шоир ижодининг умрбоқийлиги сири ҳам шунда. Ўзбек шоирлари зулм ва жаҳолат, ақидапарастлик ва зўравонликка қарши курашда, инсоний идеалларни, эзгу умидларни ҳимоя қилишда устозлари Ҳофиз мададига, унинг ижодига суянмоқдалар. Улуғ устознинг маънавий мероси ҳамisha башарият тараққиёти йўлида хизмат қилиб келмоқда.



МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

- ¹ “Садои Шарқ”. – Душанбе: 1971, 4-сон. 96-97-бетлар.
- ² Алишер Навоий. Асарлар. Т.13. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Б.121-130.
- ³ Алишер Навоий. Асарлар. Т.12. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1966. Б.12.
- ⁴ Ҳофиз Шерозий. Мулҳабаи девон. – Сталинобод: Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1957, Саҳ. 520. (Бундан кейин шу китобни олинадиган мисоллардан сўнг китоб чоп этилган жой, чиққан йили ва байт ўрин олган бет (С.1957, 520) тарзида берилди.)
- ⁵ Аб. Райҳон Беруний. Ҳикматлар. –Т.: Ёш гвардия, 1973. Б.43.
- ⁶ Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. –Т.: 1958. Б.143. (Бундан кейин шу китобдан олинган форса байтлардан сўнг қавс ичида улар жойлашган бет кўрсатилиб, ўзбекча тўшамдан олингани қайд этилади. Ўзбекча мисоллардан сўнг ҳам улар жой олган бет ва таржимон кўрсатилади.)
- ⁷ Ҳофиз Шерозий шеърятидан. –Т.: 1985. Б.63. (Бундан кейин шу китобдан олинган мисоллардан кейин қавс ичида қисқартирилган ҳолда китоб нашр этилган жой ва йил, мисол ўрин олган бет кўрсатилади.)
- ⁸ Абдураҳмон Жомий. Сайланма. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1971. Б.347-348.
- ⁹ Маҳмуд Хуман. Ҳофэз чэ мигуяд? –Техрон, 1318. Б.7-9.
- ¹⁰ Қаранг: “Садои Шарқ”. –Душанбе: 1971. №2. Саҳ.89.
- ¹¹ Аҳмад Касравий. Ҳофэз чэ мигуяд? –Техрон. 1325.
- ¹² Кессель Л.М. Гёте и “Западно-Восточный диван”. –М.: Наукба. 1973. С.47. ✓
- ¹³ Гегель Т.В. Эстетика, в четырёх томах. Т.2. –М.: Искусство. 1969. С.79-80.
- ¹⁴ Алишер Навоий. Асарлар. Т.15. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1968. Б.184.
- ¹⁵ Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. –Т.: Фан. 1965. Б.51.
- ¹⁶ Фег А. Полное собрание стихотворений. Т.2. –СПб.: изд-во А.Ф.Маркса. 1912. С.187.

¹⁷ Қаранг: "Садон Шарқ". – Душанбе: 1971. № 4. Саҳ.96.

¹⁸ Бушмин А.С. Методологические вопросы литературоведческих исследований. – Л., 1969. С.176-178.

¹⁹ Чустий. Гул мавсуми. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1969. Б.45.

²⁰ Садриддин Айний. Танланган илмий асарларда. –Т.: ЎзССР Фан. 1978.

²¹ Бергельс Е.Э. Литература на персидском языке в Средней Азии. //Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука. 1988.

²² Бергельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М.: Наука. 1965.

²³ Бергельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М.: Наука. 1965.

²⁴ Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке. –М.-Л.: АН СССР. 1948.

²⁵ Брагинский И.С. Литература на персидском языке в Средней Азии. //Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука. 1988.

²⁶ Брагинский И.С. 12 миниатюр. –М.: Художественная литература. 1966.

²⁷ Шодиев Э. Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан. –Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973.

²⁸ Шодиев Э. Зуллисонайн шоирлар. Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т.: Фан. 1976. Б.101-114.

²⁹ Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз. –Душанбе. 1966.

³⁰ Шомуҳамедов Ш. Гуманизм-абадийлик ялови. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1970.

³¹ Саломов Ф., Комилов Н. Дустлик кўприклари. –Г.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.

³² Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1-китоб. –Т.: 1981. Б.7-8.; Девон. 2-китоб. –Т.: Ўзбекистон КП МҚ нашриёти. 1981. /Сўзбоши Ҳ.Сулаймоновники.

³³ Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1-китоб. –Т.: 1981. Б.6-7. (Шу девонлардан олинган мисоллардан сўнг қавс ичида бети кўрсатилади).

³⁴ Отойи. Танланган асарлар. –Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960. Б.6-7. (Бундан кейин ҳам мисоллар шу китобдан олиниб, қавс ичида беги кўрсатилади).

³⁵ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.12. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1966. Б.61.

³⁶ Бергельс Е.Э. Избранные груды. Наваи и Джами. –М.: Наука. Глав.ред.восточ.лит.-ра. 1965. С.58.

³⁷ Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз. Тўшам. Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Т.: Фан. 1968. Б.53.

³⁸ Алишер Навоий. Хазоин ул-маоний. Т.4. (Фавоид ул-кибар). –Т., 1960. Б.73.

³⁹ Алишер Навоий. Асарлар. Т.15. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1968. Б.184.

⁴⁰ Алишер Навоий. Асарлар. Т.13. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1966. Б.21.

⁴¹ Ўша китоб. Б.43

⁴² Фаҳмий. Тазкираи Фаҳмий. Фонди дастнависҳои институти Шарқшуноси АФ Тоҷикистон. Инвентар 952. Саҳ.18-19.

⁴³ Алишер Навоий. Асарлар. Т.5. 2-китоб. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1965. Б.142.

⁴⁴ Алишер Навоий. Асарлар. Т.14. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1967. Б.125.

⁴⁵ Алишер Навоий. Асарлар. Т.5. 1-китоб. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Б.32.

⁴⁶ Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Т.: Фан. 1968. Б.60.

⁴⁷ Алишер Навоий. Асарлар. Т.5. 1-китоб. Б.50.

⁴⁸ Алишер Навоий. Асарлар. Т.5. 1-китоб. Б.140.

⁴⁹ Алишер Навоий. Асарлар. Т.5. 1-китоб. Б.140.

⁵⁰ Ҳофизнинг бу ғазали ва Навоийнинг унга ёзган форсийча ҳамда туркийча татаббуълари хусусида адабиётшунос Ё.Исҳоқов ўзининг “Навоий поэтикаси” китобида бағафсил тўхталган. Қаранг: Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан. 1983. Б.112-119.

- ⁵¹ Алишер Навоий. Асарлар. Т.5. 2-китоб. Б.222.
- ⁵² Айний С. Танланган илмий асарлар. –Т.: Фан. 1978. Б.102.
- ⁵³ Шомухамедов Ш. Гуманизм - абадийлик ялови. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. Б.70.
- ⁵⁴ Алишер Навоий. Асарлар. Т.5. 14-китоб. Б.392.
- ⁵⁵ Ўзбек адабиёти. Т.3. ЎзР ФА А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти. –Т.: ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. 1959. Б.39.
- ⁵⁶ Ўзбек адабиёти. Т.3. Б.34.
- ⁵⁷ Ўзбек адабиёти. Т.3. Б.13.
- ⁵⁸ Машраб. Девон. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. Б.143.
- ⁵⁹ Ўзбек адабиёти. Т.3. Б.327.
- ⁶⁰ Девонаи Машраб. 1318. Ҳижрий йилда чоп этилган. Б.12.
- ⁶¹ Роқим. Танланган асар. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти. 1965. Б.34
- ⁶² Роқим. Танланган асар. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти. 1965. Б.130.
- ⁶³ Ўзбек адабиёти. Б.659.
- ⁶⁴ Ўзбек адабиёти. Б.552.
- ⁶⁵ Қаюмов А. Ғозий. –Т.: ЎзР ФА. 1959.
- ⁶⁶ Бону. Шеърлар. –Т.: Фан. 1963. Б.4.
- ⁶⁷ Бону. Шеърлар. –Т.: Фан. 1963. Б.80.
- ⁶⁸ Фурқат. Танланган асарлар. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. Б.9.
- ⁶⁹ Фурқат. Танланган асарлар. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. Б.114.
- ⁷⁰ Фурқат. Танланган асарлар. Т.1. 1975. Б.114.
- ⁷¹ Фурқат. Танланган асарлар. Т.1. 1975. Б.219.
- ⁷² Девони Мавлави Юсуфи Сарёмий. –Т.: Топо-литография О.А.Порцева. 1914. С.27.
- ⁷³ Махмур. Девон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Инвентар 2296. Б.94-а.

⁷⁴ Маҳмур. Девон. ЎзРФА Шарқшунослик институти. Инвентар 2296. Б.94-а.

⁷⁵ Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т.: Фан. 1976. Б.127.

⁷⁶ Девони Ниҳон. ЎзРФА ШИ Қўлёмалар фонди. Инвентар 8989. (Хамза газалларидан намуналар бундан кейин шу китобдан олиниб, қавс ичида бети курсатилади).

⁷⁷ Қаранг: “Ўзбекистон маданияти” газетаси. 1981 йил 6 март сони.

⁷⁸ Ҳофиз Шерози. Ашъори гузида. –Душанбе. Ирфон. 1971. Саҳ.100.

⁷⁹ Абдулла Авлоний. Тошкент тонги. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. Б.41.

⁸⁰ Ўша китоб. Б.115.

⁸¹ Садои Шарқ. 1971. шум.4. Саҳ.98.

⁸² Чустий. Гул мавсуми. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1969. Б.23.

⁸³ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг бадий поэтик услуби юзасидан мулоҳазалар. //Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т.: Фан. 1976. Б.9.

⁸⁴ Садриддин Айний. Асарлар. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти. Т.8. Б.10.

⁸⁵ Шайхзода М. Асарлар. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.1. 1969. Б.10.

⁸⁶ Воҳидов Э. Муҳаббат. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. Б.283.

⁸⁷ Ўша китоб Б.170.

⁸⁸ Орипов А. Юзма-юз. Шеърлар. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. Б.46.

⁸⁹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. “Тазкират ушшуаро”дан. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986. Б.189.

⁹⁰ Қаранг: Каримов Р. Ҳофиз Шерозий ва немис адабиёти. Таржима санъати. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. 4-китоб. Б.241.

⁹¹ Кессель Л. М. Гёте и “Западно-Восточный диван”. – М.: Наука. 1973. Б. 44.

⁹² Гёте. Избранные произведения. – М.: Гослитгиздат. 1950. С. 100.

⁹³ Шокир Мухтор. Ҳофиз ба забони франсави. // Садои Шарқ. 1979. №2. Саҳ. 135.

⁹⁴ Шокир Мухтор. Ҳофиз ба забони франсави. // Садои Шарқ. 1979. №2. Саҳ. 135.

⁹⁵ Пушкин А. С. Стихотворения и поэмы. – М.: Художественная литература. 1976. С. 99.

⁹⁶ Садои Шарқ. 1971. №4. Саҳ. 96.

⁹⁷ Шүро. 1917 йил июль. 13-сон. / ЎзР ФА ШИ. Инвентар 8759. Б. 325.

⁹⁸ Шүро. 1917 йил июль. 13-сон. / ЎзР ФА ШИ. Инвентар 8759. Б. 325.

⁹⁹ Орипов А. Юзинчиманно. Гаржима санъати. 4-китоб. – Т.: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. Б. 224.

¹⁰⁰ Ҳайитметов А. Шарқ адабиёти ижодий методи тарихидан. – Т.: ЎзССР Фан. 1970. Б. 291.

¹⁰¹ Фег А. Полное собрание стихотворений. Издание А. Ф. Маркса. – СПб., 1912. Т. 2. С. 197.

¹⁰² Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Т.: ЎзР ФА Фан. 1970. Б. 191.

¹⁰³ ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти. Инвентарь 2778. Муҳаммад Харрот. Шарҳи девони Ҳофиз.

¹⁰⁴ ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инвентар 9079. 1-жилд. Б. 35. Судий Баснавий. Шарҳи девони Ҳофиз.

¹⁰⁵ Харрот шарҳи. Инвентарь 2778. Б. 41.

¹⁰⁶ Судий шарҳи. Инвентарь 9079. 1-жилд. Б. 37.

¹⁰⁷ Харрот шарҳи. Инвентарь 2778. Б. 42.

¹⁰⁸ Харрот шарҳи. Б. 48-49.

¹⁰⁹ Харрот шарҳи. Б. 9.

¹¹⁰ Харрот шарҳи. Б. 8.

¹¹¹ Беגיעв М. Девони Ҳофиз таржимаси. – Қозон: Урнак. 1910. Б. 1.

¹¹² Беגיעв М. Девони Ҳофиз таржимаси. Б. 3.

- ¹¹³ Бегиев М. Девони Ҳофиз таржимаси. Б.3.
- ¹¹⁴ Харрот шарҳи. Б.42.
- ¹¹⁵ Ҳофиз Шерози. Мунтахаби девон. – Сталинобод: Нашриёти Давлатии Тоҷикистон. 1957. Саҳ.33.
- ¹¹⁶ Харрот шарҳи. Б.41.
- ¹¹⁷ Садои Шарқ. 1971. №3. Саҳ.84-95.
- ¹¹⁸ Пармузин Б. Махсус топшириқ. –Т., 1976. Б.161.
- ¹¹⁹ Харрот шарҳи. Б.41.
- ¹²⁰ Харрот шарҳи. Б.43.
- ¹²¹ Судий. Шарҳи девони Ҳофиз. 1-жилд. Б.168.
- ¹²² Ҳафиз. Пятыдесят газелей. – Сталинабад: Таджгос-издат. 1955. С.92.
- ¹²³ Ашъори гузида. – Душанбе: Ирфон. 1971. Саҳ.41.
- ¹²⁴ Ҳофиз. Ғазаллар. –Т., 1958. Б.59.
- ¹²⁵ Судий. Шарҳи девони Ҳофиз. 1-жилд. Б.167.
- ¹²⁶ Харрот шарҳи. Б.43.
- ¹²⁷ Харрот шарҳи. Б.169.
- ¹²⁸ Ҳофиз Шерозий шеърятидан. –Т., 1985. Б.58.
- ¹²⁹ Судий. Шарҳи девони Ҳофиз. 1- жилд. Б.400.
- ¹³⁰ Ўша ерда.
- ¹³¹ Судий. Шарҳи девони Ҳофиз. 1-жилд. Б.105.
- ¹³² Қаранг: ЎзРФА ШИ, инвентарлар 17179, 4253.
- ¹³³ Ҳафиз. Лирика. –Уфа: Башкирское книжное из-во. 1973. С.43.
- ¹³⁴ Шомуҳаммедов Ш. Форс-тоҷик классиклари ижодида гуманизм. –Т.: Фан. 1968. Б.198.
- ¹³⁵ Ҳафиз Х. Алматы. Жазушы. 1969.
- ¹³⁶ Ҳафиз. Пятыдесят газелей. С.93.
- ¹³⁷ “Гулистон” журнали. 1971. 7-сон.
- ¹³⁸ Ҳафиз. Пятыдесят газелей. –Сталинабад. 1955. С.93.
- ¹³⁹ Ҳафиз. Пятыдесят газелей. С.93.
- ¹⁴⁰ Совет Ўзбекистони газетаси. 1971 йил май.
- ¹⁴¹ Таржима санъати. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973. Б.37.
- ¹⁴² Ҳафиз Х. -Алматы: Жазушы. 1969. Б.22.

- ¹⁴³ Хафиз. Пяъдесят газелей. С.62.
- ¹⁴⁴ Зоҳидов В. Ҳаётбахш бадиият тароналари. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. Б.75.
- ¹⁴⁵ Қаранг: В.Зоҳидов. Ҳаётбахш бадиият тароналари. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. Б.75.
- ¹⁴⁶ Шибли Нуъманий. Шеър ул-Ажам ё тарихи шеър ва адабиёти Эрон. Т.У. Саҳ.30.
- ¹⁴⁷ Алишёр Навоий. Асарлар. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Б.17. Т.1967. Б.128.
- ¹⁴⁸ Мирзоев А. Рудаки и развитие газели в X-XV вв. –М.: Наука. Главная редакция восточной литературы. 1968. С.281.
- ¹⁴⁹ Томашевский Б. Стих и язык. Филологические очерки. –М.-Л. 1959. С.68.
- ¹⁵⁰ Шомухаммедов Ш. Гуманизм - абадийлик ялови. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. Б.202.
- ¹⁵¹ Таржима санъати. 4-китоб. –Т., 1978. Б.303.
- ¹⁵² Поэты – современники. Стихи зарубежных поэтов в переводе. /Предисловие Д.Самойлова. –М.: Иностранная литература. 1963. С.7.
- ¹⁵³ Таржима санъати. 4-китоб. –Т., 1978. Б.280.
- ¹⁵⁴ Сатиры Ювениала в переводе А.А.Фета. –М., 1885. С.5.
- ¹⁵⁵ Орипов А. Юзинчи маъно. /Таржима санъати. Мақолалар гушлами. 4-китоб. –Т., 1978. Б.225.
- ¹⁵⁶ Раҳмонов В. Шероз булбули наволари. /Таржима санъати. Мақолалар гушлами. 4-китоб. 1978. Б.254.
- ¹⁵⁷ Таржимон маҳорати. –Т.: Фан. 1979. Б.35.
- ¹⁵⁸ Ҳотамов Н. , Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқигувчи. 1979. Б.150.
- ¹⁵⁹ Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. –Т.: Ёш гвардия нашриёти. 1973. Б.34.
- ¹⁶⁰ Қаранг: Девони Хожа Ҳофиз. –Когон. 1329. Б.5.
- ¹⁶¹ Хафиз. Пяъдесят газелей. –Сталинабад. 1955. С.131-132.
- ¹⁶² Ҳофиз Шероз. Ашъори гузида. –Душанбе. 1971. С.84.
- ¹⁶³ Навоий асарлари луғати. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. Б.743.

¹⁶⁴ Адабиётшунослик терминлари луғатининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи. 1979. Б.262.

¹⁶⁵ Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 5-китоб. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. Б.114.

¹⁶⁶ Қаранг: О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвдинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи. 1979.

¹⁶⁷ Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадое ул-воқоъ. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. Б.121.

¹⁶⁸ Камолитдин Хусайн Воиз Кошифий. Бадое ул-афкор фи саное ул-ашъор. –М.: Наука. Главная редакция Восточный литературы. 1977. С.60.

¹⁶⁹ Ҳамроев. Радиф. Словарь литературоведческих терминов. –М.: Просвещение. 1974. С.319.

¹⁷⁰ Комилов Н. Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати. /номзод.дисс. Б.257-263.

¹⁷¹ Шомуҳаммедов Ш. Ҳам санъат ҳам илм. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973. Б.43.

¹⁷² Таржима санъати. 5-китоб. –Т.: 1980.

¹⁷³ Шомуҳаммедов Ш. “Шоҳнома” таржимаси ҳақида сўз. Таржима санъати. 4-китоб. –Т. Б.193.

¹⁷⁴ Шомуҳаммедов Ш. Гуманизм – абадийлик ялови. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. Б.210.

¹⁷⁵ Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 4-китоб. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. Б.258.

¹⁷⁶ Авлоний А. Тошкент тонги. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. Б.115.

¹⁷⁷ Шомуҳаммедов Ш. Маликушшуаро Баҳор. –Т.: Фан. 1967. Б.37..

¹⁷⁸ А.Рустамов. Аруз ҳақида суҳбатлар. –Т.: Фан. 1972. Б.3.

¹⁷⁹ Ўша китоб, Б.4.

¹⁸⁰ Алишер Навоий. Асарлар, 14-том. –Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967. Б.137.

- ¹⁸¹ Шомухаммедов М. Форс-тожик арузи. –Т.: ТошДУ. 1970. Б.22.
- ¹⁸² Бахром Сирус. Арузи гожики. – Душанбе: Нашриёти Давлати Тоҷикистон. 1963. С.47.
- ¹⁸³ Фирдавсий. Шоҳнома. 1-китоб. –Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. Б.711.
- ¹⁸⁴ Комилов К. Фирдавсийнинг шеърӣ карвони. //Таржима санъати гушамда. 5-китоб. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. Б.118.
- ¹⁸⁵ Комилов Н. Фирдавсийнинг шеърӣ карвони. Таржима санъати. 5-китоб. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. Б.116.
- ¹⁸⁶ Данте. Малые произведения. –М.: Наука. 1968. С.331.
- ¹⁸⁷ Алишер Навоӣ. Асарлар. Т.14. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1967. Б.157.
- ¹⁸⁸ Гулистон. 1975. 2-сон. Б.20.
- ¹⁸⁹ Шомухаммедов Ш. Форс-тожик классиклари ижодида гуманизм. –Т.: Фан. 1968. Б.84.
-

МУНДАРИЖА

Доктор Аббосали Вафой. Муқ аддима	10
Шероз гулшани булбул	12
Дўслик чечаклари	25
Ҳофиз чашмаси ва фоний журъаси	38
Маҳорат мезони	51
Ҳофиз жомида ҳамза маъно майи	64
Ҳам таржима, ҳам назира	71
Ҳофизнинг ҳаётбахш майи ноби	74
Жаҳонгашта шеърият	80
Ҳофиз маънолари: талқин, шарҳ ва таржима	90
Ғазал маъносининг тамал тоши	110
Ҳофиз таржимонлари тажрибаси	126
Мукамаллик ва мутаносиблик шарҳи	138
Муҳим унсур бўлса беқ усур	159
Қофияга эргашган санъат	163
Ғазалнинг ҳусни тобони	179
Ҳикматга айланган мисралар	188
Хулоса ўрнида	200
Манба ва адабиётлар	202



Филология фанлари номзоди **Муҳаммад Азимов** 1951 йилда туғилган. 1968 йилда Ангор туманидаги 15-ўрта мактабни, 1974 йилда Тошкент давлат университетини тугатган.

1974 йилдан буён у вилоят “Сурхон тонги” газетасида ишлаб келмоқда. Ҳозирда мазкур газетанинг бош муҳаррири.

М. Азимов форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиёти бўйича юзга яқин мақолалар ва “Термиз тарихи” номли китобнинг муаллифидир.